

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

Ташев Фирдавис Назарович

**Хизмат соҳаси тармоқларида қўшимча тадбиркорлик
фаолиятини ташкил этиш билан унинг самарадорлигини
ошириш (Самарқанд шаҳар умумий овқатланиш корхоналари
мисолида) 5А610101 – Хизматлар соҳаси
(фаолият турлари ва йўналишлари бўйича)**

**Магистр академик даражасини олиш учун
ёзилган диссертация**

Илмий раҳбар: доцент М.К.Каримов

Кириш.....

..

I боб. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг назарий асослари.....

- 1.1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни иқтисодиётни барқарорлаштиришдаги ўрни, ривожланиш босқичлари, ўзига хос хусусиятлари.....
- 1.2. Хизматлар соҳасининг мазмуни, моҳияти, аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини оширишдаги ўрни.....
- 1.3. Хизматлар ривожланишидаги глобал тенденциялар.....

II боб. Самарқанд шаҳар умумий овқатланиш корхоналарида ташкилий- иқтисодий механизмларнинг ҳолати.....

- 2.1. Самарқанд умумий овқатланиш корхоналари фаолият юритиладиган ҳудуднинг иқтисодий ва ижтимоий тавсифи.....
- 2.2. Умумий овқатланиш хизматлари бозорининг ташкилий иқтисодий тавсифи.....
- 2.3. Самарқанд шаҳар умумий овқатланиш корхоналари самарадорлик кўрсаткичлари таҳлили.....
- 2.4. Умумий овқатланиш корхоналари самарадорлигини оширишга таъсир этувчи ташкилий иқтисодий омиллар ва уларнинг таҳлил қилиш йўллари.....

III боб. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш истиқболлари.....

- 3.1. Хизмат соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик самарадорлигини оширишга таъсир этувчи омиллар ва уларнинг таснифи.....
- 3.2. Хизмат соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик самарадорлигини оширишда эркин иқтисодий зоналарни ташкил қилишнинг объектив зарурлиги.....
- 3.3. Хизмат соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик самарадорлигини ошириш йўллари.....

Хулоса ва таклифлар.....

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....

Иловалар.....

КИРИШ

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.

Республикамызда амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳозирги босқичида иқтисодиётни эркинлаштириш, мамлакатни модернизациялаш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш эвазига узлуксиз иқтисодий ўсишга эришишдек долзарб вазифа қўйилган. Бу эса ўз навбатида иқтисодиётда эришган ютуқларнинг асоси- бозор иқтисодиёти, мулк шаклларининг такомиллашуви, иқтисодиётдаги кескин тузилмавий ўзгаришлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушининг ортиб бориши билан баҳоланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганидек "...мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес, биринчи навбатда, хусусий тадбиркорликнинг роли ва улушини янада кенгайтиришни таъминлай оладиган қонунларни қабул қилиш"¹ долзарб вазифа сифатида белгиланган.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётганининг ўзи иқтисодиётимизнинг таркибида бўлаётган ижобий ўзгаришлардан далолат беради. Фақатгина 2013 йилнинг ўзида юртимизда 26 мингдан зиёд кичик бизнес субъекти иш бошлади, ушбу секторда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг умумий сони йил охирига келиб 190 мингга етди.

Бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 55,8 фоизи айти шу соҳада ишлаб чиқарилмоқда. Ваҳолонки, 2000 йилда бу кўрсаткич 31 фоиздан иборат эди.

Айти пайтда ишлаб чиқарилаётган жами саноат маҳсулотларининг 25 фоизи, кўрсатилаётган бозор хизматларининг деярли барчаси, маҳсулот экспортининг 18 фоизи, иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд бўлган аҳолининг 75 фоизи кичик бизнес улушига тўғри келмоқда.

¹

Ана шу рақамлардан кўриниб турибдики, кичик бизнес шаклан кичик бўлишига қарамасдан, иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш ва халқимиз

¹ Каримов И.А. мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. "Халқ сўзи", 2010 йил, 13 ноябрь, Б.4

фаровонлигини юксалтиришда тобора катта роль ўйнамоқда².

Иқтисодиётни модернизациялаш ва аҳоли фаровонлигини ошириш шароитида хизмат кўрсатиш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари самарадорлигини ошириш бугунги кунда мамлакат иқтисодиёти олдида турган муҳим масалалардан биридир. Хусусан, мулкчиликнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи деб эътироф этилаётган хизмат кўрсатиш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари самарадорлигини оширишининг истиқболлини белгилаш, ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш ва шу соҳада илмий жиҳатдан асосланган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ўта муҳимдир. Чунки бозор муносабатларини такомиллаштиришда, иқтисодиётни янада эркинлаштиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, унинг натижасида мамлакат бюджети барқарорлигини таъминлаш, ялпи ички маҳсулотни (*ЯИМ*) ишлаб чиқариш, аҳоли бандлигини таъминлаш каби долзарб муаммоларни ҳал қилишга эришилмоқда. Мазкур соҳани ривожлантириш учун маълум шарт-шароитларнинг яратилиши, солиқ, божхона ва бошқа тўловлар бўйича имтиёзларнинг белгиланиши, банк кредитларидан самарали фойдаланиш натижасида қисқа давр ичида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг сони тобора ошиб бормоқда. Расмий маълумотларга кўра, 1992 йилда рўйхатга олинган кичик бизнес корхоналари сони 16,5 мингтани ташкил этган бўлса, 2013 йилнинг биринчи январь ҳолатига кўра 219,4 мингтага (фермер хўжаликларидан ташқари) етди. яъни деярли 13,3 баробар ўсди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида кичик бизнес субъектларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2010 йилда 52,5 фоизга, 2012 йилда эса 54,6 фоизга етди. Ҳолбуки, бу кўрсаткич мустақилликнинг дастлабки йилларида 1,5 фоизни, 2000 йилда эса 31,0 фоизни ташкил этган эди. Лекин, бу борада айрим муаммолар мавжуд. Бунинг асосий сабаби

² Президент Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўнашларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 17 январдаги “ 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш. ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади” номли маърузаси. “Халқ сўзи”, 2014 йил, 18 январь,

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг бугунги кун талабига мос иқтисодий механизмнинг яратилмаганлиги, улар фаолиятида иқтисодий воситалардан фойдаланиш, хўжалик юритувчи бошқа субъектлар билан иқтисодий алоқалари ва давлат ҳокимият органлари билан муносабатларининг такомиллашмаганлигидир. Шу билан бирга, хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалалар, хусусан уларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллариининг ҳамон ўз ечимини топмаганлиги ҳам ушбу мавзуни танлашга асос бўлди.

2011 йилнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик" йили деб эълон қилиниши ҳам ушбу мавзунинг ўта долзарблигидан дарак беради.

Тадқиқот объекти ва предметининг белгиланиши

Магистрлик диссертациясининг объекти сифатида Самарқанд шаҳар умумий овқатланиш корхоналари белгиланди. Тадқиқотнинг предмети хизмат соҳаси тармоқларида қўшимча тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш билан унинг самарадорлигини ошириш

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Илмий тадқиқотнинг асосий мақсади иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида Самарқанд шаҳар умумий овқатланиш корхоналарида қўшимча тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш билан унинг самарадорлигини оширишдан иборат. Бу мақсадларни амалга ошириш қуйидаги вазифаларни олға суради:

- иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида умумий овқатланиш корхоналарининг хизмат кўрсатиш сиёсатини шаклланишини ўрганиш;
- умумий овқатланиш хизматлари бозорининг ташкилий-иқтисодий тавсифи;
- Самарқанд шаҳар умумий овқатланиш корхоналари самарадорлик кўрсаткичлари таҳлили;
- умумий овқатланиш корхоналари самарадорлигини оширишга таъсир этувчи ташкилий иқтисодий омиллар ва уларнинг таҳлил қилиш йўллари;
- хизмат соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик самарадорлигини оширишга таъсир этувчи омиллар ва уларнинг тавсифи;
- хизмат соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни

ривожлантириш ва самарадорлигини оширишда эркин иқтисодий зоналарни ташкил қилинишининг объектив зарурлиги;

- хизмат соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик самарадорлигини ошириш йўллари;

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Магистрлик диссертациясида хизмат соҳаси тармоқларида, яъни умумий овқатланиш корхоналарида қўшимча тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш билан унинг самарадорлигини ошириш йўллари кўриб чиқиш.

Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили. Мавзу бўйича Ўзбекистон Республикаси қонун ва меъёрий ҳужжатларидан “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доим қўшимча чора -тадбирлар тўғрисида”ги фармони 2011 йил 24 август, Ўзбекистон республикаси Президентининг “2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги ПК-1754- сонли 2012 йил 10 майдаги қарори “Мулкчилик тўғрисида”ги қонун, “Тадбиркорлик тўғрисида”ги қонун, “Тадбиркорлик фаолиятини эркинлигини кафолатлари тўғрисида”ги қонун, “Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб- қувватлаш ва ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2012 йил 2 май, “Ўзбекистон Республикаси умумий овқатланиш маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва сотиш қоидалари” Вазирлар маҳкамасининг 2003 йил 13 феврал 75 сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг асарларидан “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, уни Ўзбекистон шароитида бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”, “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” кабилар ўрганилди. Мавзу бўйича асосий дарслик, ўқув-қўлланмаларидан Абдуллаев Ё.А., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари.-Т.: Меҳнат, 2000 й – 352б. , Абдуллаев а ва бошқалар. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: ташкил этиш, режалаштириш, бошқариш. .-Т.: фан ва технология, 2005й – 243б. , Горфинкель В.Я. и др. Курс предпринимательства:учебник для вузов. .-М.: Финансы,ЮНИТИ, 1997. – 439с. , Ғуломов С ва бошқалар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик:

ташкил этиш, режалаштириш. .-Т., 2005й кабилар ўрганилди.

Тадқиқотда қўлланиладиган услубларнинг қисқача тавсифи.

Магистрлик диссертациясида иқтисодий математик усуллар, иқтисодий таҳлил, кластерли таҳлил, статистик таҳлил, кораллецион таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.

Магистрлик диссертациясида хизмат соҳаси тармоқларида, яъне умумий овқатланиш корхоналарида қўшимча тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш билан унинг самарадорлигини оширишнинг илмий назарий масалалари илмий адабиётлар шарҳи орқали ўрганилиб, Самарқанд шаҳар умумий овқатланиш корхоналарига тавсиялар берилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Хизмат соҳаси тармоқларида қўшимча тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш билан унинг самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Диссертация таркибининг қисқача тавсифи. Магистрлик диссертацияси кириш, 3та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, илова қисмидан иборат. Магистрлик диссертация иши бетдан иборат бўлиб, ... та жадвал, ...та чизмаларни ўз ичига олади.

Кириш қисмида магистрлик диссертациянинг долзарблиги, унинг ўрганганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари, мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили, тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқотнинг илмий янгилиги кўрсатилган.

Магистрлик диссертациясининг биринчи бобида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни иқтисодиётни барқарорлаштиришдаги ўрни, ривожланиш босқичлари, ўзига хос хусусиятлари, хизматлар соҳасининг мазмуни ва моҳияти, хизматлар ривожланишидаги глобал тенденциялар кабилар илмий адабиётлар шарҳи асосида ёзилган.

Ишнинг иккинчи бобида Самарқанд шаҳар умумий овқатланиш корхоналарида хизматлар бозорининг ташкилий- иқтисодий тавсифи, уларнинг самарадорлик кўрсаткичлари таҳлили ҳамда самарадорлигини

оширишига таъсир этувчи ташкилий- иқтисодий омиллар ва уларни таҳлил қилиш йўллари таҳлил қилинган.

Ишнинг учунчи бобида хизмат соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлигини оширишга таъсир этувчи омиллар ва уларнинг тавсифи, хизмат соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва самарадорлигини оширишда эркин иқтисодий зоналарни ташкил қилишнинг объектив зарурлиги ҳамда хизмат соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик самарадорлигини ошириш йўлларига доир тавсиялар берилган.

Ишнинг хулоса қисмида тадқиқот натижасида олинган асосий хулосалар ва назарий ҳамда амалий аҳамиятга эга бўлган тавсиялар берилди.

I Боб. ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни иқтисодиётни барқарорлаштиришдаги ўрни, ривожланиш босқичлари, ўзига хос хусусиятлари

Бугунги кунда республикаимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш жараёнлари хизмат кўрсатиш соҳасининг янада ривожланишини таъминлашга қаратилган. Ушбу соҳанинг улуши ялпи ички маҳсулотда, иқтисодиётда банд бўлганларнинг таркибида, давлат бюджетига тўланадиган солиқларда, янги иш уринларини яратиш, мамлакатимиз ички бозорини истеъмол моллари билан тўлдиришда кескин ошиб бормоқда ва келажакда ҳам бу жараённинг давом этишига қаратилган юридик-меъёрий асос яратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги *ПҚ* 325-сонли "Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат

кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлатиришни жадаллаштириш чоратadbирлари тўғрисида"ги ва "2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 20-сон, 215-модда)"ги Қарорлари ушбу соҳага, ундаги субъектлар самарадорлигини оширишга қаратилган тадқиқотлар олиб боришни, соҳа тараққиётининг концептуал йўналишларини белгилайди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" номли асарида "Кичик бизнеснинг ихчам ва ҳаракатчанлиги, бозор конъюнктураси ўзгаришлари ва истеъмолчилар эҳтиёжларига нисбатан тез мослаша олиши уни жаҳон иқтисодий инқирози даврида янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадини ошириш борасида энг қулай ва мақбул воситага айлантиради"³ деб таъкидланганлиги юқоридаги фикримизнинг далилидир.

Шунинг натижасида хизматлар соҳасининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши 2007 йилда 42,5 фоизга, 2008 йил да 45,3 фоизга, 2009 йилда 47,3 фоизга, 2010 йилда 49 фоизга, 2011 йилда 50,2 фоизга, 2012 йилда 52,5 фоизга, 2013 йилда 53,0 фоизга етганлиги иқтисодиётда рўй бераётган ижобий тенденцияларнинг далилидир. Аммо бугунги кунда ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич ялпи ички маҳсулотда 60-70 фоизни ташкил қилади. Демак мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳаси бошқа тармоқларга нисбатан тез ривожланиши зарур. Шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳаси ривожини халқимиз фаровонлигининг ошишига хизмат қилади.

Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик самарадорлигининг назарий масалалари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий мазмуни ва моҳиятига, УЛАРНИНГ фаолияти натижасига бориб тақалади. Шу сабабли тадқиқот жараёнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг мазмуни на моҳиятини кенг ёритишга ҳаракат қилдик.

³ Каримов И.А. "Жаҳон молиявий - иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" номли асарини урганиш бўйича уқув қўлланма. Иқтисодист - 2009. -Б. 90.

Бугунги кун иқтисодий адабиётлар ва юридик-меъёрий ҳужжатларда "Тадбиркорлик", "Тадбиркор", "Бизнес", "Бизнесмен" каби тушунчалар кенг қўллнила бошланди. Уларнинг мазмуни ва моҳиятини англаш маълум маънода кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳақида тасаввурни шакллантиради.

"Тадбиркорлик" тушунчаси энциклопедик луғатда "тадбиркорлик -(ингл. enterprise) шахсий даромад, фойда олишга қаратилган фуқороларнинг мустакил фаолияти. Бу фаолият ўз номидан, ўз мулкӣ масъулияти ва жавобгарлиги, шахсининг юридик масъулияти эвазига амалга оширилади. Тадбиркор қонун томонидан таъқиқланмаган барча хўжалик фаолияти, шу жумладан, воситачилиқ сотиш - сотиб олиш, маслаҳат бериш, кимматбаҳо қоғозлар билан иш олиб бориш кабилар билан шуғулланиш мумкин" деб таърифланган⁴

Тадбиркор сўзининг луғавий маъноси ўзини фидо айлаб, ақл-заковатини сарфлаб иш тутадиган шахс деганидир.

Тадбиркор - эркин иқтисодиёт шароитида жамиятни ҳаракатга келтирувчи, иқтисодий ўсишни таъминлайдиган, халқ фаровонлигининг ошишига ҳисса қўшадиган асосий субъект, яъни шахсдир⁵⁵.

Тадбиркор — бу шахс тадбиркорлик эса шу шахсининг бирор мақсад йўлида қиладиган фаолияти.

Бошқача сўз билан айтганда, тадбиркорлик иқтисодиётнинг инсон омили, унинг интеллектуал фаолияти орқали фуқоро ёки фуқароларнинг ўз мақсадларига эришиш учун хўжалик юритиш фаолияти ёки фаолиятидир.

Тадбиркорлик фаолияти натижалари хусусий мулк ва мулкчилик муносабатларининг шаклланиши билан юзага келиб кейинчалик тараққий этган бўлсада, унинг том маънодаги моҳияти замонавий бизнеснинг қарор топишида, иқтисодий эркинлик асосида тадбиркорлик олиб борилишида яққол ифодаланади.

Тадбиркорлик ўз ичига ижтимоий муносабатларни қамраб олган ижтимоий-иқтисодий ҳодисадир. Унда ҳуқуқий, руҳий, ташкилий,

⁴ Энциклопедический словарь: предпринимателя Состовители. Синельников С.М. и др. СПб: "Алга фонда" и, "АЯКС", 1992. -6. 137-138.

⁵ Зарафшон. 2013. 30-март, №31 Б3

иқтисодий ва тарихий томонлар мавжуд. Тадбиркорликни ривожлантиришда улуг аждодларимиздан мерос бўлиб қолган ўлмас асарлар бизга бебаҳо манба бўлиб хизмат қилади. Марказий Осиёда иқтисодий фикрларнинг шаклланиши буюк мутаффакирлар Фаробий, Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Юсуф Хос Хожиб, Алишер Навоий, Захриддин Муҳаммад Бобур ва бошқаларнинг номи билан узвий боғлиқ,. Улар ўз асарларида иқтисодиётни, шу жумладан тадбиркорликнинг жамиятдаги ўрнига жуда катта эътибор беришган. Тадбиркорлик - ишбилармонликнинг энг гуллаган даври Амир Темури (1336 -1405 йиллар) номи билан бевосита боғлиқдир. "Темур тузуклари"⁶да "тижорат аҳилларини" жамиятни бошқариш устунларидан бири деб таърифлаб, ўзи бошқарган катта давлатда тадбиркор ва ишбилармонлар учун барча шарт-шароитлар яратилиб ҳукумат томонидан ҳимоя қилинган. Имтиёзлар берилиб, тадбиркор ва ишбилармонлар тақдирлангани баён қилинган. Амир Темур садоқатли ва ташаббускор ходимлари қадрлаган. Давлатни бошқаришда Амир Темурнинг тадбиркорлиги мана қарийб етти асрдирки дунёга андоза бўлиб келмоқда. "Мен тажрибамдан шуни билдимки, - деб ёзади Амир Темур ўз тузукларида -юз минг отлиқ аскар қила олмаган ишни бир тўғри тадбир билан амалга ошириш мумкин экан"⁷. Буюк бобокалонимизнинг ушбу ўғитлари тадбиркор ва ишбилармонлар учун дастурдир. Яна қанчалаб йўл-йўриқ, кўрсатмалар борки, буларнинг ҳаммаси тадбиркорлик фаолияти учун жуда муҳим.

Мазмун-моҳияти бўйича унумли фаолиятни англатадиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тарихи узоқ-узоқларга бориб тақалади.

Аксарият иқтисодчи олимларнинг қарашларида ушбу тушунчаларнинг моҳиятини ифодалашда қуйидаги таърифларни учратиш мумкин:

«1725 й. *Ричард Кантильон*: тадбиркор — таваккалчилик билан иш олиб боровчи киши.

«1767 й. *Ж.Б.Сей*: "Сиёсий иқтисод рисоласи" китобида (1803 й.) тадбиркорлик фаолиятини ишлаб чиқаришнинг уч мумтоз омиллари - ер,

⁶ Темур тузуклари. - Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёт. 1996. -Б.М.

⁷ Темур тузуклари - Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти., 1996. ~Б. 29

капитал, меҳнатнинг яхлитлиги деб таърифлаган.

»1797 й. *Бодо*: тадбиркор - бажарилаётган иш учун масъул бўлган киши. Корхонага эга бўлиш, унинг ишини режалаштирувчи, назорат қилувчи ташкиллаштирувчи шахс.

- 1876 й. *Френсис Уокер*: капитал тавсия қилиб, унинг эвазига фоиз олувчилар ва узининг ташкилотчилиқ қобиляти билан фойда кўрувчилар фарқини билиш лозим.

«1924 и. *Йозеф Шумпетер*: тадбиркор янги технологияларни яратувчи киши.

1961 й. *Дэвид Маклелланд*: тадбиркор - меъёрий таваккалчилик шароитида ҳаракат қилувчи серғайрат киши.

1964 й. *Питер Друкер*: тадбиркор - ҳар бир имкониятдан ўзи учун юқори даромад олувчи шахс.

1975 й. *Альберт Шапиро*: тадбиркор - ташаббускор, ижтимоий-иқтисодий механизмларни ҳаракатга келтирувчи шахс. Таваккалчилик шароитида ҳаракат қилиб, у барча масъулиятни ўз зиммасига олади.

»1985 й. *Роберт Хизрич*: тадбиркорлик ўз қийматиغا эга бўлган бирор бир янги нарсани яратиш жараёнидир, тадбиркор эса шу нарсага керакли вақт ва кучлари сарфлаб, барча молиявий, психологик ва ижтимоий таваккални ўз зиммасига олувчи, эвазига эса пул ва маънавий қониқиш оладиган киши.⁸⁸

Тадбиркорлик терминини биринчи бўлиб XVII аср охири ва XVIII аср бошларида инглиз иқтисодчиси Ричард Кантильон қўллаган эди. Унинг фикрича, ишбилармон таваккалчилик шароитида фаолият кўрсатувчи кишидир. Шу боис у ер ва меҳнатни иқтисодий фаровонликни бўлғилаб берувчи бойлик манбаи деб билган.

Кейинчалик XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошида машҳур француз иқтисодчиси Ж.Б.Сей (1767- 1832) Англия саноатининг муваффақиятини "инглиз тадбиркорлари истеъдоди" таъминлаганлигини таъкидлаган. Ж.Б.Сейнинг асосий тезисида маҳсулот ишлаб чиқаришда тадбиркорлар асосий фаолият кўрсатади дейилади,

Бизнинг фикримизча, Ж.Б.Сейнинг нуқтаи назари муҳим назарий ва

⁸⁸ М.С.Қосимова, Б.Ю.Ходиев, А.Н.Самадов, У.С.Мухитдиннов Кичик бизнесни бошқариш. "Ўқитувчи" нашриёти, 2003. - С. 17,

амалий аҳамият касб этади. У ўзининг машҳур бўлган "Сиёсий иқтисодиёт талқини (шарҳи)" китобида тадбиркорни "ўз ҳисобидан riskли шароитда ўз фойдасига қандайдир маҳсулот етиштирувчи шахс" сифатида таърифлайди.

Ж.Б.Сейнинг фикрича, тадбиркор функциясига ишлаб чиқариш омилларини бирлаштириш (капитал ва меҳнат), ахборотларни йиғиш ва зарурий тажриба тўплаш, ташкилотдаги ишлаб чиқариш жараёнларида қарорлар қабул қилиш кабилар киради. Р.Кантильондан фарқли равишда Сэй ижодий, экспериментал, riskли ҳарактерлар билан кузатиловчи ишлаб чиқариш омилларини мувофиқлаштирувчиси ва бошқарувчиси сифатидаги таърифни илгари сурди.

Ишлаб чиқариш омилларини мувофиқлаштирувчиси ва бошқарувчиси сифатига қараб Ж.Б.Сэй тадбиркор ва оддий бошқарувчи «функцияларини ажратиб кўрсатди. Шу билан бирга, у тадбиркорнинг фойдаси икки қисмдан иборатлигини қайд этди, яъни саноатдан келувчи фойда ва капиталдан олинувчи фойда.

У мулкдор - капиталист ва тадбиркорни ажратиб кўрсатмади. Энг асосийси, хусусий мулкдор билан тадбиркорлик функцияснни, ҳатто, улар битта шахс бўлса ҳам фарқлаш мушкуллигини кўрмади.

Америкалик иқтисодчи Ж.Б.Кларк (1847-1938) Ж.Б.Сейнинг "учлик формуласи"га бироз ўзгартириш киритди. Унинг фикрича, ишлаб чиқаришда доим қуйидаги тўрт омил иштирок этади: 1) капитал; 2) капитал маблағлари -ишлаб чиқариш воситалари ва ер; 3) тадбиркор фаолияти; 4) ишчининг меҳнати⁹.

Ҳар бир омил ишлаб чиқаришдан олинаётган ўзига хос фойдани акс эттиради: капиталдан капиталист қўшимча фойиз олади: кучмас капитал рента беради; капиталистнинг ишбилармонлик фаолияти даромад келтиради; ишчининг меҳнати уни маош билан таъминлайди.

Ж.Б.Кларк таърифига кўра, "Эркин рақобат меҳнатга меҳнатдан келган нарсани беради, капиталистларга капитал яратган нарса тегади, тадбиркорлар мувофиқлаштириш фаолиятидан келган нарсани олади"⁹.

Тадбиркорлар фаолияти дастлаб илмий-тадқиқот ишларининг таҳлил

⁹ М.С.Қосимова, Б.Ю.Ходиев, А.Н.Самадов, У.С.Мухитдиннов Кичик бизнесни бошқариш. "Ўқитувчи" нашриёти, 2003-Б. 6.

объекти бўлмаган. Инглиз иқтисодчи олимлари А.Смит (1723-1790) ва Д. Рикардо (1772-1823) иқтисодиётни ўз-ўзини мувофиқлаштирувчи механизм деб қабул қилганлар. Ушбу механизмда ижодий тадбиркорликка ўрин йўқ эди. "Халқлар бойлигининг моҳияти ва сабабларини тадқиқ этиш" (1776) китобида А.Смит тадбиркор таърифига эътибор қаратган.¹⁰

Унинг фикрича, тадбиркор - капитал эгаси. У муайян тижорат ғоясини амалга ошириб, даромад олиш учун таваккалчилик билан иш бошлайди, чунки капитални бирор бир ишга сарфлаш доимо таваккалчилик билан боғлиқдир. Тадбиркорликдан олинган даромад, А.Смит фикрича, шахсий таваккалчилик учун олинган мукофот. Тадбиркор ишлаб чиқаришни ўзи режалаштиради, ташкил этади, ишлаб чиқариш фаолияти натижаларига эгалик қилади. Шу боис А.Смит бозор тизимининг марказий механизминини рақобат механизми деб тушунган. Ўз манфаатини кузлаб юрган ҳар бир киши бозорда шу мақсад билан юрган кишиларга дуч келади. Натижада, бозорда ҳаракат қилувчи ҳар бир субъект рақобатчи таклиф қилган нархларга рози бўлади. Бундай рақобатда ўхшаш товарларга меъёрдан ортиқ нарх қўйган ишлаб чиқарувчи харидорни йукотиши ҳеч гап эмас.

А.Смитнинг қайд қилишича, тадбиркор жамият сотиб олишни хоҳлаган ва керакли миқдордаги товарларни ишлаб чиқаради. Шу билан бирга, А.Смит бозорнинг қудратли куч эканлигини, у жамиятни керак бўлган товарлар билан доимо таъминлашини ва бу тизим ўз-ўзини мувофиқлаштиришини кўрсатиб берган. А.Смит рақобат ва даромад ишларига давлатнинг аралашишига қарши бўлган. Унинг фикрича, ўз-ўзига қўйиб берилган бозор тизими ривожланади ва бундай тизими бор халқнинг бойлиги ортаверади¹¹.

Бу борада вужудга келган иқтисодиёт назариясидаги янги йўналиш, асосчиси бўлган Кейнс Джон Мейнорд (1883-1946) назариясига қисман тўхталиб ўтамиз. Унинг фикрича, иқтисодиёт назариясида иккита оқим - "тартибга солинувчи иқтисодиёт" ва "эркин тадбиркорлик" мавжуд бўлган. Д.М.Кейнс биринчи оқимнинг асосчиси ҳисобланади. Унинг назарияси

¹⁰ С.Ғуломов умумий таҳрири остида. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: ташкил этиш, ривожлантириш, бошқариш. "Фан ва технология" нашриёти. 2005. – Б.7.

¹¹ М.С.Қосимова, Б.Ю.Ходиев, А.Н.Самадов, У.С.Мухитдинова. Кичик бизнесни бошқариш. "Уқигувчи" нашриёти, 2003. -Б 6.

"Общая теория занятости, процента и денег", (М, 1978) асарида батафсил баён этилган.

Кўп миқдордаги ишсизлик шароитида Ж.М.Кейнс иқтисодий назарияга ўзгартириш киритиш лозимлигини асослаган¹².

У ўз назариясининг асосига иккита вазифани қўйган, яъни қандай қилиб оммавий ишсизлик ва иқтисодий инқирознинг олдини олиш мумкин?

Унинг назарияси асосида ўша давр асосан хусусий шахслар қарорига асосланадиган масалларни марказлашган назоратга олиш асосий ҳаётий заруриятга айланди деган фикр ётади. Ж.М. М Кейнс фикрича, давлат ўзининг раҳбарлик таъсирини инсонларнинг истеъмолга бўлган ёндашувини фойзалар нормаси, солиқлар ва бошқа усуллар билан тартибга солиши зарур. Иқтисодий ривожланишнинг асосий омили сифатида давлат иқтисодиётни тартибга солиб туриши, уни режалаштириши керак деб таъкидлайди.

Тадбиркор сўзининг моҳиятини ёритиб беришда академик С. Ғуломов "тадбиркор - ўзининг маълум бир миқдордаги молиявий маблағини тавваккал қилган ҳолда бозорга янги ғоя, маҳсулот, иш ва хизматлар билан кириб боровчи ишбилармон шахсдир"¹² деб таъриф беради.

Бошқа бир адабиётларда тадбиркорлик - бизнеснинг динамик ёки фаол элементи, ҳўжалик юритиш шакли. Тадбиркорлик - фуқарони ёки фуқароларнинг мустақил, ташаббусли фаолияти бўлиб, ушбу фаолиятни улар фойда олиш мақсадида ўзининг тавваккалчилиги ва моддий жавобгарлиги асосида амалга оширади.

Бизнинг фикримизча тадбиркорлик - фуқарони ёки фуқароларнинг мустақил, ташаббусли, янги ғояларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган фаолияти бўлиб, ушбу фаолиятни улар фойда олиш ҳамда аҳоли фаровонлигини оширишни мақсад қилиб, ўзининг тавваккалчилиги ва моддий ҳамда маънавий жавобгарлиги асосида амалга оширади.

Тадбиркорлик тадбиркорнинг ўз мулки асосида ҳаракат қиладиган эркин фаолиятидир. Бунда Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майдаги янги тахрирда тасдиқланган "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг

¹²С.Ғуломов умумий таҳрири остида. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: ташкил этиш, ривожлантириш, бошқариш. "Фан ва технология" нашриёти, 2005. -Б. 7.

кафолатлари тўғрисида”ги қонунининг 3 - моддасига кўра, тадбиркорлик фаолияти -тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулкӣ жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолиятдир.

Тадбиркорлик субъектига белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириладиган ҳуқуқӣ ва жисмонӣ шахслар киради.

Кичик тадбиркорлар қуйидагилар саналади:

- якка тартибдаги тадбиркорлар;
- ишлаб чиқариш тармоқларида банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони кўпи билан йигирма киши;
- хизмат кўрсатиш ва ноишлаб чиқиш соҳасининг бошқа тармоқларида кўпи билан ўн киши ишлайдиган микрофирмалар,
- улгуржи, чакана савдо ҳамда, умумий овқатланиш тармоқларида кўпи билан беш киши бўлган микрофирмалар.
- енгил ва озиқ — овқат саноатидаги, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик ёғочсозлик мебель саноати, қурулиш материаллари каби соҳаларида банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони кўпи билан юз киши;
- «машинасозлик, металлургия, ёқилғи — энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, уларни қайта ишлаш ва бошқа саноати- ишлаб чиқариш соҳаларида кўпи билан эллик киши;
- «фан, илмӣ хизмат кўрсатиш соҳалари (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда ишлаб чиқариш билан боғлиқ, бўлмаган бошқа соҳаларда банд бўлган ходимларнинг кўпи билан йигирма беш киши ишлайдиган кичик корхоналар киради.

Агар корхона кўп тармоқли бўлиб, фаолиятнинг бир қанча турлари билан бирданига шуғулланса, улар кичик тадбиркорлик субъектларига кириши, йиллик айланма ҳажмидаги улушига қараб белгиланади. Агар умумий пул айланмасида саноатнинг улуши кўп бўлса, саноат соҳаси, савдонинг айланмаси кўп бўлса, савдо соҳаси бўйича фаолият тури мезонлари қабул қилинади.

Бизнинг фикримизча, тадбиркорлик — бу иқтисодӣ феномен, бизнес

категорияси. Бизнес билан тадбиркорлик синоним эмас, лекин яқин тушунчалардир. Бизнес тушунчаси тадбиркорлик тушунчасидан кенгрокдир.

Бизнинг фикримизча, тадбиркорлик деганда фуқароларнинг янги ғояларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган фойда олиш ҳамда аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган амалдаги қонунлар доирасида ўзининг таваккалчилиги ва моддий ҳамда маънавий жавобгарлиги асосида амалга оширадиган мустақил, ташаббускор фаолият тушунилади. Тадбиркор деганда ўзининг маълум бир миқдордаги молиявий маблағини таваккал қилган ҳолда бозорга янги ғоя, маҳсулот, иш ва хизматлар билан кириб борувчи амалдаги қонунлар асосида фаолият кўрсатувчи ишбилармон шахс тушунилади.

Бизнес - иш ёки фаолият. Хўжалик юритиш нуқтаи назардан: бизнес - иқтисодий фаолият, иш олиб бориш тизими ёки фаолият юритиш тизими бўлиб, унда товар ёки хизмат ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, уларни сотиш, ишлаб чиқариш омиллари, яъни мулк эгаси томонидан амалга оширилади.

Бизнес ишлаб чиқаришни ташкил қилишдан иборат фойдали маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда хизматлар кўрсатиш тизимидир.

Бизнес тушунчаси қачон, ким томонидан, қандай вазиятда дастлаб ишлатилганлиги тўғрисида маълумотлар тарихий манбаларда деярли учрамайди. Бизнес сўзи инглиз тилидан келиб чиқишига қараб, унинг ватани Буюк Британия деб олишимиз ҳам мумкин. Яна бир асос XVIII-XIX асрлардаги саноат инқилоби, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий тараққиёт ҳам Буюк Британияда юз берганини мисол қилишимиз мумкин¹³.

Бизнинг фикримизча, бизнес деганда ўз ёки қарз маблағи, ўз жавобгарлиги остида ташаббускорлик ва таваккалчилик билан фойда олишга қаратилган фаолият тушунилади. Кичик бизнес деганда иқтисодиётнинг тез

ўзгарувчанлигига мослаша оладиган, қонунлар билан чегараланган

ходимлар сонига эга бўлган, кичик ҳажмда фаолият кўрсатувчи хўжалик

¹³ ¹³М.С.Қосимова, Б.Ю.Ходиев, А.Н.Самадов, У.С.Мухитдинова. Кичик бизнесни бошқариш. "Ўқитувчи" нашриёти, 2003. -Б 7.

юритувчи субъектлар тушунилади.

Тадбиркорлик объекти деганда, аввало маълум бир фаолиятни юритишга имконият яратадиган корхонани тушуниш лозим. Улар: ишлаб чиқариш соҳасидаги тадбиркорлик; хизмат кўрсатиш соҳасидаги тадбиркорлик; савдо сотиқ тадбиркорлиги; молия соҳасидаги тадбиркорлик.

Тадбиркорлик ишлаб чиқилган товар (кўрсатилган хизмат)лар ва шунга яраша даромадда моддийлашади. Даромад тадбиркорлик фаолиятини баҳолайдиган асосий мезон ҳисобланиб, у фаолиятнинг барча омилларидан оқилона фойдаланишга боғлиқ. Тадбиркорлик бошида маълум бир соҳа фаолият кўрсатиш имконини белгилаш учун керак бўлса, сўнгра бундай ресурсларнинг янги муносабатлари тадбиркор учун ўта зарур бўлиб қолади.

Кўриниб турибдики, реал ҳолатда тадбиркорликнинг объектида ресурслар комбинацияси амалга оширилади.

1.2. Хизматлар соҳасининг мазмуни, моҳияти, аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини оширишидаги ўрни.

Хизмат кўрсатиш соҳаси утган асрнинг 70 йилларидан бошлаб ривожланган мамлакатларда сервис иқтисодиётининг қарор топиб бориши ва унинг ривожланиш тенденцияларига иқтисодчи олимлар катта эътибор бера бошладилар. Иқтисодиётда хизмат кўрсатиш соҳаси фаолиятининг ривожланиб бориши билан унинг самарадорлигини баҳолашдаги ёндашувлар ҳам нафакат ўзгариб борди, балки хизмат кўрсатиш соҳаси фаолияти самарадорлигини баҳолаш алоҳида аҳамият касб этди.

Хозирги вақтда кўпгина иқтисодий адабиётларда хизмат кўрсатиш фаолиятининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти бўйича турли қарашлар мавжуд. Масалан, Г.А.Аванесованинг фикрича, "хизмат кўрсатиш фаолияти - бу индивидуал, гуруҳ ва ижтимоий хизматларни реализация қилиш бўйича кишиларнинг ўзаро ҳаракатларидир"¹⁴. Ўзаро ҳаракатдаги инсонларнинг бир қисми ўзларининг кўплаб эҳтиёжларини моддий неъматлар олиш асосида, бошқалари эса аниқ хизматлардан фойдаланиш орқали кондирадилар.

¹⁴ Аванесова Г.Л. Сервисная деятельность: историческая и современная практика, предпринимательство менеджмент (учеб - пасатия). М - Аспект - Пресс. 2005 -Г. 63.

Бундай муносабатлардан асосий мақсад - моддий неъматлар яратиш эмас, балки инсонларнинг тобора ўсиб бораётган эҳтиёжларини тўлиқроқ қондириш ҳисобланади. Гарчи хизмат кўрсатиш фаолияти буюмларда (моддий неъматларда) мужассамланса ҳам, у бевосита меҳнат жараёнида истеъмол қилинган фойдали меҳнат самараси ҳисобланади.

Ж.А.Романов хизмат кўрсатиш фаолиятига хизматлар кўрсатиш йўли билан инсонларнинг эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган фаолият¹⁵ деб таъриф беради. Аммо шуни таъкидлашимиз керакки, сервис фаолиятини амалга ошириш жараёнида нафақат аниқ бир инсоннинг эҳтиёжлари, балки ташкилотлар ҳамда жамият эҳтиёжлари ҳам қондирилади.

Агар юқоридаги тарифларни таҳлил қиладиган бўлсак хизмат кўрсатиш фаолиятига бир мунча тулиқроқ таърифни В.К.Романов берган. Унинг фикрича, хизмат кўрсатиш фаолияти хизмат кўрсатиш асосида мижозлар, яъни алоҳида шахслар, ижтимоий гуруҳлар ва ташкилотлар эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган фаолият туридир¹⁶.

В.К.Романов хизмат кўрсатиш фаолиятини қатъий тарзда бирор бир фаолият турига киритишни ёқламайди. Мазкур хизматлар реал иқтисодий ҳаётда ўзаро бир-бири билан алоқада ва боғлиқдир.

Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда, бизнинг фикримизча, хизмат кўрсатиш фаолияти бу - турли шакл ва йўналишларда хизмат кўрсатиш асосида аҳолининг, ижтимоий гуруҳ корхона ва ташкилотларнинг моддий, ижтимоий-моддий, маърифий талаб ва эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган якуний натижаларга эришишда истеъмолчиларнинг бевосита ёки билвосита иштирок этиши билан амалга ошириладиган фаолият.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг самарадорлиги ҳар бир кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг натижаси ҳисобланади. У ҳўжалик юритишнинг сифат ва миқдор кўрсаткичларини, шунингдек буюмлашган жонли меҳнат ҳаражатлари ҳамда олинган натижалар ўртасидаги муносабатни ифодалайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида "самарадорлик" тушунчаси, даромад олиш, ҳаражатларни камайтириш, меҳнат самарадорлигининг ўсиши, фонд

¹⁵ Романов Ж. А. Сервисная деятельность М: Дашкови К. 2006, -С ч

кайтими, рентабеллик ва ҳоказолар самарадорлик табиатига мос келиб, бозор иқтисодиёти талабларига зид бўлмаса-да, баҳо, фойда, даромад, харажат каби тушунчаларга қараганда кам қўлланилмоқда. Самарали ишлаш ўз моҳиятига кўра, режалаштирилган фойдани олиш, ноишлаб чиқариш харажатлари ва йўқотишларини камайтириш, хизмат кўрсатиш ва ишчи кучидан яхшироқ фойдаланиш, меҳнат самарадорлигини ошириш, хизмат кўрсатишнинг сифатини яхшилашни англатади.

"Самара", "самарадорлик", " ижтимоий-иқтисодий самарадорлик" каби тушунчалар орасидаги фарқни англаб олиш зарур.

Самара - кўрсатилаётган хизматнинг фойда ва даромад ҳажмини ошириш, хизмат таннархини, сифатсиз хизмат кўрсатишни камайтириш ёки умуман, йўқ қилиш билан боғлиқ бўлган тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг ижобий натижаларидир. Бу ютуқлар натурал шаклда хизмат кўрсатиш (ишлаб чиқариш) самарасини, пул шаклида эса иқтисодий самарани тавсифлайди.

Шуни таъкидлаш керакки, самара ва самарадорлик қотиб қолган категориялар қаторига кирмайди ҳамда фақатгина пул кўринишида ўлчанмайди. Самарадорлик ва сифатли меҳнат туфайлп кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

биринчидан, узининг иқтисодий барқарорлиги ва бозордаги рақобатга бардош беришини таъминлайди;

иккинчидан, уз имиджини яхшилайти ва ҳамкорлар билан алоқаларини мустаҳкамлайди;

учинчидан, ходимларнинг иқтисодий ва ижтимоий аҳволини яхшилайти.

Демак хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш йўллари қидириш, харажат ва натижаларини тўғри солиштириш, мулкчилик шакли, қайси тармоққа тегишлилиги, ҳудудий жойлашиши ва фаолият туридан қатъи назар, ҳар бир субъект учун муҳим вазифа ҳисобланади.

"Самарадорлик" сўзи натижа деган маънони беради. У кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг сифат жиҳатларини тавсифловчи тушунчадир. У "самара" тоифасидан келиб чиқади ва мураккаб мажмуа тавсифига эга.

Самарадорликка эришиш учун чора сифатида кўплаб техник иқтисодий лойиҳа ва хўжалик қарорларини аввалдан белгилаб олиш лозим. Корхона ўзининг хўжалиқ илмий-техник ва нивестицион сиёсатини белгилашда самарадорликдан келиб чиқади.

Бизга маълумки, ҳар қандай жамиятда ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш иқтисодий тараккиётнинг асосини яратади.

Шу сабабли ҳам, иқтисодиётни эркинлаштириш, модернизациялаш шароитида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш жиддий масалалардан бири ҳисобланади.

Илмий-назарий нуқтаи назардан самарадорликни учта йирик гуруҳга ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

биринчидан, жамият миқёсида;

иккинчидан, ҳудудлар миқёсида;

учинчидан, хўжалик тузилмалари, субъектлари миқёсида (концерн, холдинг, ассоциациялар, ҳар хил бошқа бирлашмалар, корхоналар -- кичик йирик муассасалар ва ҳ.к.).

Ушбу умумий йўналишлар ичида самарадорликни турларга ажратиб тадқиқот қилиш зарур. Самарадорлик турларини умумий ва функционал нуқтаи назардан таснифлаш мумкин.

Умумий самарадорликка "ижтимоий иқтисодий", "иқтисодий", "ижтимоий", "сиёсий", "техник-технологик", "экологик" кабиларни киритиш мумкин.

Функционал самарадорлик: "ижтимоий ишлаб чиқариш", "транспорт", "алоқа", "савдо", "умумий овқатланиш", "маиший хизмат", "экологик" ва бошқа иқтисодиёт тармоқлари ҳамда соҳаларидан иборат. Ушбу гуруҳга иқтисодиётни ҳаракатга келтираётган омилларнинг самарадорлиги, яъни ер капитал, меҳнат самарадорлиги киради. Ушбу омиллар ичида ишлатилаётган ресурслар турлари бўйича ҳам самарадорлик таснифланиши мумкин.

"Иқтисодий самарадорлик" умумий самарадорлик тушунчасига қараганда бир мунча тор маънони англатади. У қабул қилинаётган қарорларнинг хўжалик юритишда мақсадга мувофиқлигини тавсифлайди

ҳамда барча ҳолларда самаранинг унга эришиш учун кетган харажатлар(ишлаб чиқариш ресурслари)га нисбати сифатида аниқланиши кўпчилик иқтисодчи олимлар томонидан тавсия қилинган бўлиб, амалиётда қўлланилади. Ушбу назарияга кўра, харажатлар қанчалик кам бўлса (маҳсулот сифатига таъсир қилмаган ҳолда), самара шунчалик ортади. Демак иқтисодий самарадорлик ҳам ошади.

"Ижтимоий-иқтисодий самарадорлик" ишлаб чиқариш самарадорлигини, меҳнат шароитларини, унинг ижодкорлик мазмунини бойитиш, ақлий ва жисмоний меҳнат ўртасидаги фарқни йўқотишни инобатга олган ҳолда тавсифланади. Ижтимоий-иқтисодий самарадорлик бир вақтнинг ўзида, ишлаб чиқариш самарадорлигини кучайтириш, корхонанинг муваффақиятли фаолият юритиши, шахснинг ҳар томонлама ривожланиши ва унинг барча қобилиятларидан фойдаланишнинг сабаб ва натижаси ҳисобланади. Бевосита ижтимоий самара ходимларнинг билим ва малакаси, тажриба ва маданиятининг ўсиши, аҳоли соғлигининг яхшиланиши ва умр кўришининг узайишида акс этади.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги ижтимоий самарадорликка нисбатан бирламчи ҳисобланади. Яъни иқтисодий ютуқлар корхонанинг ижтимоий муаммоларини ҳал қилишга ёрдамлашади. Масалан, фойданинг ўсиши, жамғармаларнинг ортиши корхонага ижтимоий вазифалар доирасини кенгайтириш ва уларни ҳал қилиш имконини беради.

Бироқ самарадорлик ва унинг асосий кўрсаткичи - фойда (даромад) ўз-ўзидан, табиий равишда юзага келмайди. Корхоналарда самарадорликка эришиш учун мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари ва бошқа хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда, турли восита ва йўللardan фойдаланилади. Бунда вақт омили, яъни самарадорликка киска ёки узок муддатларда эришишни мулжаллаш асосий рол ўйнайди. Масалан, корхона олаётган фойдасини қиска вақт мобайнида маҳсулот сифатини яхшилашни маблағ билаи таъминлаш, ишлаб чиқаришни қайта қуроллантириш ва модернизация қилиш, ходимлар малакасини оширишга ажратилаётган маблағларни камайтириш йўли билан кўпайтириши мумкин. Узок муддатли режаларда эса бу фойданинг камайишига ва ҳаттоки корхонанинг бозордаги ўрнини йўқотиши натижасида

банкротга учрашига олиб келиши ҳам мумкин.

Хорижий фирма ва корхоналар ўз фаолиятларида самарадорликка эришиш учун ишлаб чиқариш техника ва технологияларига эътиборни кучайтиришдан ташқари, маҳсулот сифатини ошириш ва уни реклама қилишга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Масалан, Япониянинг "Омрон" фирмаси ўзига "Барчанинг яхши ҳаёти, яхши дунё учун" деган иборани шиор қилиб олган.

Американинг "Катерпиллер" компаниясининг шиори "Дунёнинг ҳар бир бурчагида 48 соат хизмат кўрсатиш" бўлса, "Рибок" фирмаси "Яхши баҳодаги нарх" иборасини шиор қилиб олган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини ошириш бўйича республикада сезиларли ишлар қилинмоқда. Аҳоли иш билан бандми, демак уларда даромад олиш ва уни ошириб бориш имконияти мавжуд. Бунинг учун мамлакатимизда барча ҳуқуқий асослар ва шарт-шароитлар яратилган.

Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунида аҳоли даромадини оширишдаги мажбуриятлари аниқ белгилаб қўйилган. Унда "Тадбиркорлар ёллаш асосида жалб этилган ходимлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилишлари шарт"¹⁷ дейилган.

Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва у орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини ошириш Юртбошимиз Ислом Каримовнинг доимий эътиборида, Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида "...мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг тараққиёти, хусусий мулкнинг жадал ривожини учун ғоят қулай ва устувор шароитларни яратиб берар эканмиз, аввало, шуларнинг ҳисобидан иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатларини тезлаштириш, аҳолимизнинг иш билан банд бўлиши ва даромад топиши билан бир қаторда, биз учун янги бўлган, демократок ислохотларнинг асосий таянчи ва ҳаракатлантирувчи

кучи - ўрта синфни шакллантиришни кўзда тутамиз"¹⁶ деб таъкидлаган.

Самарқанд вилоятида ҳам бу борадаги ишлар ривожланиб бормоқда. Вилоятда аҳолини иш билан таъминлаш ва янги иш уринлари ташкил қилишда хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳиссаси катга бўлмоқда¹⁷.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 октябрдаги "Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар классификациясини тасдиқлаш тўғрисида"ги 439-сонли Қарори асосида кичик тадбиркорлик субъектлари классификацион таркибларининг доимий мониторингини юритиш йўлга қўйилган..

Олий Мажлис томонидан маъқулланган дастурда 2013 йилда 970 мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этиш кўзда тутилган. Муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган мазкур масалани ҳал этишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Ушбу соҳаларда қарийб 500 минг иш ўрни яратиш режалаштирилмоқда.

2014 йилда иш ўринлари ва аҳоли бандлигини таъминлашнинг асосий йўналишларидан бири кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини жадал ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини, айниқса, қишлоқ жойларида ривожлантириш, уй меҳнати шакллариининг, шу жумладан, йирик корхоналар билан биргаликдаги шакллариининг имкониятларини кучайтириш дейилган. Бу бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилиши кузда тутилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йилда қабул қилинган, ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш, статистик солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармони, шунга асосан, 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб 80 та рухсат бериш тартиб-таомили, лицензияланадиган 15 та фаолият тури ҳамда 68 та статистик ва солиққа оид ҳисоботлар шаклининг бекор

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси - Т.: 2000 й, 5-6 сон, 9-модда

¹⁷ Каримов И.А. Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти куриш - ёруғ келажақимизнинг асосий омилидир. "Халқ сузи", 2013 й. 7 декабрь, -Б 1.

қилингани, кичик корхона ва микрофирмаларни ташкил қилиш ва кенгайтириш ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлайтириш, шунингдек иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича минтақавий дастурларнинг амалга ошириши натижасида 2013 йилда қарийиб 970 минг киши иш билан таъминлади.¹⁸

Хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ юкини янада камайтириш, микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловининг 6 фоиздан 5 фоизга туширилиши, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаларининг камайтирилиши ва айти пайтда уни ҳисоблаш тартибларининг такомиллаштирилиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни изчил ривожлантириш учун кучли рағбатлантирувчи омиллар яратди.

2014 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш орқали қўллаб-қувватлашни юқори даражада сақлаб қолиш режалаштирилмоқда.

2012 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг тасдиқланган параметрларига мувофиқ 967,4 мингта иш ўрни ташкил этилиши кўзда тутилган.

Амалда эса 973,5 мингта иш ўрни яратилди ёки дастур ижроси 0,6 фоизга ортиғи билан бажарилди. Мамлакатимизда янги иш ўринларининг қарийиб ярми кичик корхоналар, микрофирмалар ташкил этиш, якка тартибдаги тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш, пудрат асосидаги қурилиш, шу жумладан, уй-жойларни таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишлари қўламини кенгайтириш ҳисобидан яратилмоқда¹⁹.

Республикада иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларни ташкил қилиш, бандлик муаммосини ҳал этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда тобора муҳим ўрин тутаётган кичик бизнес ва

¹⁸Ислом Каримовнинг 2013 йилнинг асосий яқунлари ва 2014 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи 2014 йил 18 январь

¹⁹ Ислом Каримовнинг 2012 йилнинг асосий яқунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги "Бош мақсадимиз - кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш" номли маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. Т., 2013. -Б. 208.

хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистан Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишдаги рухсат бериш жараёнларининг соддалаштирилиши ва тўловларнинг оптималлаштирилиши билан боғлиқ чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

2009 йилда Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида амалга оширилган чора-тадбирлар самарадорлиги хақида гапирганда, уларнинг аввало энг муҳим масалаларга - янги иш ўринларини яратиш ва аҳолимизнинг турмуш даражасини янада оширишга йўналтирилганини алоҳида қайд этиш зарур.

2009 йили кўрилган амалий чоралар натижасида мамлакатимизда 940 мингдан зиёд янги иш уринлари яратилди, уларнинг 500 мингга яқини кишлоқ жойларда ташкил этилди. Кичик бизнес соҳасида 390 мингдан зиёд, шу жумладан, хизмат кўрсатиш соҳасида 270 мингдан ортиқ янги иш уринлари очилди²⁰.

Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши аҳоли бандлигининг ошишига олиб келмоқда. Зотан, ҳозирги даврда долзарб муаммолардан бири ҳисобланган аҳолини иш билан таъминлаш ва даромадларини оширишнинг энг мақбул йўли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдир.

Демак хизмат кўрсатиш тармоқларининг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни қийдагилар билан белгиланади:

- хизмат кўрсатиш тармоқлари мамлакат ялпи ички маҳсулотини яратишда иштирок этади ва унинг улуши муттасил ошиб боради;
- нақд пул тушумини кўпайтиришга ҳисса қўшади;
- иқтисодиётда хизматларга бўлган эҳтиёж қондирилади ва хизмат бозори доимий равишда туйинтириб борилади;
- мазкур соҳада иш уринларини очиш арзонлиги ва хизматлар бозорида

²⁰ Президент Ислам Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. банк ахборотномаси №5. (71602010 й. 3 феврал., БЗ

талабнинг мавжудлиги ушбу соҳанинг ривожланишини ва бандлик масаласини ҳал қилиш орқали аҳоли фаровонлигини ошириш имконини беради;

■ хизмат соҳасининг ривожланиши ишсизликнинг камайиши ва ижтимоий барқарорликнинг таъминланишига олиб келади;

-давлат бюджетини хизмат фаолияти натижасидан тўланадиган солиқлар эвазига бойитиб боради;

-одамларнинг турмуш шароити яхшиланади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, хизмат кўрсатиш соҳасининг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрнини мустахкамлаш пировард натижада улар фаолияти барқарорлигини таъминлаш, самарадорлигини ошириш ва ниҳоят хизматлар сифатининг кўтарилишига ҳам олиб келади.

1.3. Хизматлар ривожланишидаги глобал тенденциялар

Инсонларнинг моддий ва маънавий ҳаётини оширишга, турмуш тарзини яхшилаш ва такомиллаштиришда хизмат кўрсатиш соҳаси муҳим аҳамиятга эгадир. Хизмат кўрсатиш соҳаси моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларни тежайди, инсоннинг бўш вақтини кўпайтиради, унинг меҳнатининг ижодий мазмунини оширади, иш вақтидан ташқаридаги оқилона бўлмаган харажатларни қисқартиради, инсонлар ҳаётини янада шинам ҳамда ёқимли қилади ва шу орқали аҳолининг барча ижтимоий гуруҳлари, қатламларининг ҳаётий манфаатларини юзага чиқаради.

Хизматларга кўпинча моддий қимматдорликлар яратмайдиган барча фойдали фаолият турларини киритишади, яъни у ёки бу фаолият турини хизматлар соҳасига киритишнинг асосий мезони бўлиб, ҳис қилиб бўлмаслиқ ушбу соҳада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг кўринмайдиган характери^I ҳисобланади.

Амалиётда хизматлар соҳаси кўплаб фаолият турларининг мажмуаси сифатида ва ҳақиқатда уларни кайд этишдан иборат деб қаралади. Бу ҳолат хизматларнинг турли туманлиги, ҳамда уларнинг товарлар билан бирга ҳамроҳ бўлиши (ҳисобот, компьютер дастури, кинолента ва х.к.о.) билан боғлиқдир.

Хизматларни асосан ҳис ҳилиб бўлмайди ва улар бирор бир нарсага зғаликка олиб келмайди (яъни, товар харид қилганда сиз унинг соҳиби бўласиз, лекин хизматлар тўғрисида бундай деб бўлмайди). Бу ҳолат биринчи навбатда жаҳон хизматлар савдосида катта ҳиссага эга бўлган хизматларни ажратиб кўрсатиш билан боғлиқдир. Жумладан, транспорт хизматлари ва туризмга хизматлар билан савдо қилишнинг 1/4 қисми тўғри келади.

Жамиятда доимо янги хизматлар пайдо бўлмоқда ва уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

-янги турдаги ишбилармонлик (касбий) хизматлари - кўчмас мулк билан савдо қилиш, вақтинчалик эркин нуллари жойлаштириш, ахборот, маркетинг ва реклама хизматлари, бухгалтерия баланси ва ҳисоботларни тузиш, электрон котиба;

-болаларни тарбиялаш ва ўқитиш бўйича хизматлар - гувернанткалар, хусусий боғчалар ва мактаблар;

-ҳайвонларга қараш бўйича хизматлар - ҳайвонларни даволаш, боқиш, сайр қилдириш ва вақтинчалик қараб туриш;

-жамиятда эҳтиёж мавжуд бўлган бошқа турли туман хизматлар турлари. Бир вақтнинг ўзида дунёда хизматларнинг диверсификацияси ҳам кузатилмоқда.

Илгари ўз хусусиятлари билан ажралиб турган хизматлар битта компания миқёсида бирлашмоқдалар. Компания бир қатор хизматлар мажмуасини таклиф этиш орқали ўз рақобатбардошлигини ошириши ёки хизматларни диверсификациялаш орқали мумкин бўлган таваккалчиликларни сусайтириши мумкин. Жумладан, банк биржа ва воситачилик хизматлари ягона молиявий хизматлар мажмуасига бирлашишмоқда.

**II БОБ. САМАРҚАНД ШАҲАР УМУМЙ ОВҚАТЛАНИШ
КОРХОНАЛАРИДА ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ
МЕХАНИЗМЛАРНИНГ ҲОЛАТИ.**

**2.1. Самарқанд умумий овқатланиш корхоналари фаолият юритадиган
худуднинг иқтисодий ва ижтимоий тавсифи**



Самарқанд вилояти

Паспорти



Вилоят	<i>САМАРҚАНД</i>
Худуд коди	<i>1718</i>
Маркази	<i>Самарқанд шаҳри</i>
Ташкил топган вақти	<i>1938 йил 15 январ</i>
Умумий майдони	<i>16,8 минг км²</i>
Вилоят бўйсинувидаги шаҳарлар сони	<i>2 та</i>
Туман бўйсинувидаги шаҳарлар сони	<i>9 та</i>
Шаҳар типдаги посёлкалар (шаҳарчалар) сони	<i>88 та</i>
Маҳалла фуқаролари йиғинлари сони	<i>1075 та</i>
Қишлоқ фуқаролари йиғинлари сони	<i>125 та</i>
Қишлоқ аҳоли пунктлари	<i>1829 та</i>
2014 йил 1 январ ҳолатидаги доимий аҳоли сони	<i>3 444,8 минг киши</i>
<i>шундан:</i> шаҳар жойларда	<i>1 324,7 минг киши</i>
<i>ш.ж.:</i> эркаклар	<i>656,6 минг киши</i>
<i>Аёллар</i>	<i>668,1 минг киши</i>
<i>қишлоқ жойларда</i>	<i>2 120,1 минг киши</i>
<i>ш.ж.:</i> эркаклар	<i>1 068,2 минг киши</i>
<i>Аёллар</i>	<i>1 051,9 минг киши</i>
Тошкентгача бўлган масофа	<i>300 км</i>
Чегарадош вилоятлар	<i>Жиззах, Навоий, Қашқадарё</i>
Чегарадош Давлатлар	<i>Тожикистон</i>

Самарқанд вилоятининг асосий ижтимоий кўрсаткичлари 2.1.1. жадвалга келтирилган.

2.1.1. жадвал

Асосий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар

2013 йил (йиллик)

Кўрсаткич номи	Ўлчов бириги	Миқдори	Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати, %
Ялпи ҳудудий маҳсулот	<i>млрд. сўм</i>	7370,9	110,4
Саноат маҳсулотлари	<i>млрд. сўм</i>	3298,4	113,6
Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш	<i>млрд. сўм</i>	2121,4	114,3
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари	<i>млрд. сўм</i>	3237,3	106,5
Асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми	<i>млрд. сўм</i>	1813,2	120,0
<i>шу жумладан</i> чет эл инвестициялари	<i>млрд. сўм</i>	83,2	156,4
<i>шундан</i> тўғридан-тўғри чет эл инвестицияси	<i>млрд. сўм</i>	38,4	128,0
Қурилиш-пудрат ишлари	<i>млрд. сўм</i>	1199,6	118,6
Чакана товар айланмаси	<i>млрд. сўм</i>	3929,2	116,6
Жами хизматлар ҳажми	<i>млрд. сўм</i>	4076,9	124,1
Аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш	<i>млрд. сўм</i>	1744,9	118,3
Ташқи савдо айланмаси	<i>млн. АҚШ доллари</i>	857,2	124,1
Экспорт	<i>млн. АҚШ доллари</i>	163,7	115,3
<i>шу жумладан ҳудудий экспорт</i>	<i>млн. доллар</i>	126,6	134,3
Импорт	<i>млн. АҚШ доллари</i>	693,5	126,3

Самарқанд вилоятининг маъмурий-ҳудудий тузилмаси 2.1.2. жадвалда келтирилган.

2.1.2. жадвал

. Маъмурий-ҳудудий тузилмаси

№	Туман, шаҳар номи	Ташкил топган вақти	Майдони, минг км ²	Самарқандгача бўлган масофа, км
	Жами	-	16,77	-
	<i>шаҳарлар</i>			
1	Самарқанд	Мил. авв. VIII асрда	0,12	-
2	Каттақўрғон	1868 йил	0,01	100
	<i>туманлар</i>			
3	Булунғур	29.09.1926	0,76	28
4	Жомбой	07.12.1970	0,55	13
5	Иштихон	18.05.1943	0,72	68
6	Каттақўрғон	02.02.1929	1,39	100
7	Қўшработ	03.04.1978	2,16	100
8	Нарпай	29.09.1926	0,44	110
9	Нуробод	26.11.1975	4,86	65
10	Оқдарё	25.12.1968	0,39	36
11	Пайарик	29.09.1926	1,29	45
12	Пастдарғом	29.09.1926	0,87	24
13	Пахтачи	12.04.1973	1,38	130
14	Самарқанд	29.09.1926	0,43	10
15	Тайлоқ	09.04.1992	0,28	10
16	Ургут	31.12.1964	1,12	35

Самарқанд вилоятининг маъмурий-ҳудудий бўлиниши 2.1.3. жадвалда келтирилган.

2.1.3. жадвал

Маъмурий-ҳудудий бўлиниши

(бирлик)

№	Туман, шаҳар номи	Туманга бўйси - нувчи шаҳарлар сони	Шаҳар типидаги посёлкалар (шаҳарчалар) сони	Қишлоқ фуқаролари йиғинлари сони	Қишлоқ аҳоли пунктлари	Маҳалла фуқаролари йиғинлари сони	шундан шаҳар жойларда
	Жами	9	88	125	1 829	1 075	437
	<i>шаҳарлар</i>						
1	Самарқанд	-	3	-	-	228	228
2	Каттақўрғон	-	1	-	-	35	35
	<i>туманлар</i>						
3	Булунғур	1	3	7	143	53	12
4	Жомбой	1	5	8	134	41	11
5	Иштихон	1	12	9	167	62	19
6	Каттақўрғон	-	8	11	172	69	14
7	Қўшрабат	-	2	7	137	39	4
8	Нарпай	1	3	9	117	54	16
9	Нуробод	1	1	7	94	35	4
10	Оқдарё	-	10	6	92	26	12
11	Пайарик	2	9	11	210	64	11
12	Пастдарғом	1	12	13	151	87	14
13	Пахтачи	-	7	8	135	54	5
14	Самарқанд	-	2	8	75	82	9
15	Тайлоқ	-	3	9	87	44	3
16	Ургут	1	7	12	115	102	40

Самарқанд вилоятида доимий аҳоли сони 2.1.4. жадвалда келтирилган.

2014 йил 1 январ ҳолатига доимий аҳоли сони*

(минг киши)

№	Туман, шаҳар номи	Жами	шу жумладан			
			шаҳар аҳолиси		қишлоқ аҳолиси	
			жами	аёллар	жами	аёллар
	Вилоят бўйича	3 444,8	1 324,7	668,2	2 120,1	1051,9
	<i>шаҳарлар</i>					
1	Самарқанд	508,6	508,6	264,1	-	-
2	Каттақўрғон	82,1	82,1	41,4	-	-
	<i>туманлар</i>					
3	Булунғур	164,0	38,1	18,7	125,9	61,9
4	Жомбой	148,2	34,8	17,4	113,4	55,6
5	Иштихон	222,7	64,7	32,2	158,0	78,8
6	Каттақўрғон	242,8	48,0	23,8	194,8	95,2
7	Қўшработ	114,9	12,2	5,9	102,7	50,4
8	Нарпай	190,1	59,6	28,8	130,5	64,4
9	Нуробод	132,8	16,3	8,2	116,5	58,5
10	Оқдарё	140,5	57,6	28,7	82,9	41,4
11	Пайариқ	220,8	67,5	33,3	153,3	75,3
12	Пастдарғом	311,9	85,8	42,7	226,1	113,8
13	Пахтачи	130,0	26,2	13,1	103,8	53,2
14	Самарқанд	222,6	13,9	6,8	208,7	103,3
15	Тайлоқ	175,5	21,7	10,6	153,8	76,4
16	Ургут	437,3	187,6	92,5	249,7	123,7

Самарқанд вилоятида аҳолининг табиий ва механик ҳаракати 2.1.5. жадвалда келтирилган.

Аҳолининг табиий ва механик ҳаракати

2013 йил (йиллик)

№	Туман, шаҳар номи	2013 йилда аҳолининг табиий ҳаракати, киши			2013 йилда аҳолининг механик ҳаракати, киши		
		туғилганлар	вафот этганлар	табиий ҳаракат (+,-)	келганлар	кетганлар	механик ҳаракат (+,-)
	Вилоят бўйича	81 104	14 965	66 139	12 154	14 385	-2 231
	<i>шаҳарлар</i>						
1	Самарқанд	8 836	2 911	5 925	2826	4 449	-1 623
2	Каттақўрғон	1 928	442	1 486	483	771	-288
	<i>туманлар</i>						
3	Булунғур	3 964	634	3 330	975	821	154
4	Жомбой	3 738	632	3 106	791	532	259
5	Иштихон	5 436	824	4 612	609	817	-208
6	Каттақўрғон	5 227	834	4 393	939	641	298
7	Қўшработ	2 962	484	2 478	980	542	438
8	Нарпай	4 134	715	3 419	72	527	-455
9	Нуробод	3 527	533	2 994	492	412	80
10	Оқдарё	3 225	537	2 688	796	575	221
11	Пайариқ	5 455	960	4 495	67	881	-814
12	Пастдарғом	8 042	1 321	6 721	849	793	56
13	Пахтачи	3 133	640	2 493	23	600	-577
14	Самарқанд	5 649	1 019	4 630	945	862	83
15	Тайлоқ	4 109	731	3 378	1121	477	644
16	Ургут	11 739	1 748	9 991	186	685	-499

* Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 14 мартдаги 71-сонли қарори асосида ўтказилган кузатув натижалари бўйича

Самарқанд вилоятидаги меҳнат ресурслари 2.1.6. жадвалда келтирилган.

2.1.6.жадвал

Меҳнат ресурслари

2013 йил (йиллик)

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Миқдори
Меҳнат ресурслари	<i>минг киши</i>	1 988,0
Меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳолининг ўртача сони	<i>минг киши</i>	1 980,5
Ўртача банд аҳоли сони	<i>минг киши</i>	1 357,3
Кичик тадбиркорлик субъектларида банд аҳоли сони	<i>минг киши</i>	1 112,9
<i>ш.ж.</i> кичик корхоналарда банд аҳоли сони	<i>минг киши</i>	42,2
микрофирмаларда банд аҳоли сони	<i>минг киши</i>	196,8
Жами иқтисодиётда банд аҳоли сонидан кичик тадбиркорлар улуши	%	82,0
Ўртача ойлик иш ҳақи ^{21*}	<i>сўм</i>	904 875,9

Самарқанд вилоятидаги рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектлар
сони 2.1.7. жадвалда келтирилган.

²¹ Қишлоқ хўжалиги ва кичик корхоналардан ташқари

Рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектлар сони

2014 йил 1 январ ҳолатига

Кўрсаткичлар	Жами	шундан				2013 йил январ-декабр	
		йирик		кичик	микро- фирма	ташки л топди	туга- тилд и
		рўйхатда н ўтгани	фаолият кўрсатаёт -гани				
Жами	48157	2237	2230	3341	42579	3302	1967
<i>тармоқлар</i>							
Саноат	3014	33	33	173	2808	552	268
Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	30526	52	51	1172	29302	1504	645
Транспорт ва алоқа	442	54	53	86	302	63	38
Қурилиш	1626	14	13	107	1505	203	174
Савдо ва умумий овқатланиш	4898	43	43	772	4083	554	508
Бошқа соҳаларда	7651	2041	2037	1031	4579	426	334

Самарқанд вилоятидаги кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлар сони

2.1.8. жадвалда келтирилган.

*Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари сони**(Дехқон ва фермер хўжаликларисиз)**

2014 йил 1 январ ҳолатига

Кўрсаткичлар	Рўйхатд ан ўтган	Фаолият кўрсатаёт ган	Фаолият кўрсат- маётган	2013 йил январ-декабр	
				ташки л топди	туга- тилди
Жами	14218	12648	1570	1832	1361
<i>тармоқлар</i>					
Саноат	2980	2659	321	551	268
Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	1307	1145	162	150	112
Транспорт ва алоқа	388	354	34	63	37
Қурилиш	1590	1371	219	203	173
Савдо ва умумий овқатланиш	4855	4250	605	554	507
Бошқа соҳалар	3098	2869	229	311	264

* Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 октябрдаги 439-сонли қарорига асосан

Самарқанд вилояти ялпи ҳудудий маҳсулот таркиби 2.1.9. жадвалда келтирилган.

Ялпи ҳудудий маҳсулот таркиби

2013 йил (йиллик)

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Миқдори
Ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми	<i>млрд. сўм</i>	7370,9
<i>Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати</i>	%	110,4
Саноат	<i>млрд. Сўм</i>	920,9
<i>Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати</i>	%	109,7
Қурилиш	<i>млрд. сўм</i>	576,1
<i>Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати</i>	%	118,6
Қишлоқ хўжалиги	<i>млрд. сўм</i>	2420,1
<i>Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати</i>	%	106,4
Транспорт ва алоқа	<i>млрд. сўм</i>	625,6
<i>Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати</i>	%	108,1
Савдо ва умумий овқатланиш	<i>млрд. сўм</i>	621,8
<i>Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати</i>	%	114,0
Бошқалар	<i>млрд. сўм</i>	2049,9
<i>Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати</i>	%	113,0
Солиқлар	<i>млрд. сўм</i>	156,5
<i>Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати</i>	%	112,1
<i>ЯХМда хизматлар ҳажми улуши</i>	%	44,5
Кичик бизнес улуши	%	77,1

2.2. Умумий овқатланиш хизматлари бозорининг ташкилий-иқтисодий тавсифи

Умумий овқатланиш соҳасининг ҳолатига баҳо беришда мамлакат ва минтақалар доирасида овқатланиш хизматлари бозорининг ҳолатига ёки

бошқачароқ ифодаладиган бўлсақ умумий овқатланиш соҳасининг асосий кўрсаткичларига баҳо бериш мақсадга мувофиқдир.

Минтақада, яъни Самарқанд шаҳридада умумий овқатланиш хизматлари бозорининг ҳолатига баҳо беришдан олдин бозор, хизматлар бозори тушунчаларига аниқлик киритиш мақсадга мувофиқдир.

Бозор тушунчасининг иқтисодий талқини турли адабиётларда турлича берилган бўлиб, уларнинг айримларига тухталиб ўтамыз.

Ф.Котлер бозорни «Мавжуд ва потенциал товар сотиб олувчилар мажмуаси», деб таърифлайди²².

К.Р.Макконел ва С.Л.Брюлар бозорни маҳсулот ва хизматни сотувчи ва сотиб олувчиларни қушувчи механизм деб эътироф этишади²³.

А.С.Усмонов бозорга шундай таъриф беради: «Бозор тушунчаси кенг маънода - бу товар айирбошлаш соҳаси деб, товар айирбошлаш бор экан. бозор ҳам мавжуд» дейди.

Н.Тухлиевнинг фикрича, «Бозор товар ишлаб чиқариш қонунлари асосида ташкил қилинган айирбошлаш, товар ва пул муомаласи муносабатларининг йиғиндиси, ишлаб чиқариш ва истеъмол ўртасидаги муҳим боғловчи бўғиндир »

Самуэльсон «Экономика» асарида *бозорни* «... *бозорлар* жамиятни ва савдо ишлаб чиқариш фаолиятини боғловчи механизм сифатида намоён бўлади», деб таърифлайди ²⁶ .

А.Солиев ва А.Усмоновлар бозорга қуйидагича таъриф беради: «бозор ўзига хос ижтимоий-иқтисодий муносабатлар жараёни бўлиб, унда товарлар ва хизматлар айирбошланади ва ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар манфаатлари тўқнашади ва бир-бири билан келишади²⁷».

«Энг яхшиси бозорни ҳаридорлар ва сотувчиларга нархларни айирбошлашга имконият берадиган тизимдир, деб таърифласак бўлади», деб Э.Сариқов ва М.Маматовлар таъкидлайдилар²⁸. Шунингдек бозорга берилган таърифларни деҳқон бозори мисолида И.Иватовнинг, меҳнат бозори мисолида М.Муҳаммедов, М.Пардаев, К.Абдурахмонов, Д.Асланова, Н.Бозоровларнинг, туризм ва консалтинг хизматлари бозори мисолида И.Тухлиевнинг, қимматли қоғозлар ва молия бозори мисолида Ж.Зайналов,

Э.Ходжаевларнинг ишларида кўришимиз мумкин.

Бозорга берилган бундай бир-биридан фарқладиган таърифларга кўплаб мисол келтириш мумкин.

Бозорга илмий, ижтимоий-иқтисодий нуқтаи назардан таъриф бериш борасида чет эл ва республикаимиз олимлари ягона фикрга келмаганлигини таъкидлаб ўтишдан мақсадимиз терминлар ва таърифларни туғри изоҳлашнинг илмий ва амалий аҳамияти катта эканлигини кўрсатиб ўтишдан иборатдир.

Илмий жиҳатдан бир хил нарсага ҳар хил тушунчалар, тарифлар бериш кўп ҳолларда нотуғри тасаввурга олиб келиши, натижада тушунчанинг асл моҳияти очиб берерилмаслигига олиб келиши мумкин.

Амалий нуқтаи назардан бу ҳол мутахассислар ўртасида ўзаро тушунишнинг қийинлашишига, ўқув адабиётларини яратишда тушунмовчиликларга олиб келиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Б.Абдукаримов фикрича, бозор тушунчасини биринчидан, уни иқтисодиётнинг хўжалик субъекти нуқтаи назардан ва иккинчидан, назарий, ижтимоий-иқтисодий нуқтаи назардан таърифлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бозор - бозор иқтисодиётининг хўжалик субъекти сифатида, ҳаридор ва сотувчиларни тўқнаштирувчи ва келиштирувчи хўжалик объектидир (жой, корхона, фирма, биржа, савдо, хизмат шохобчалари ва ҳ.к.о.)

Назарий ва ижтимоий-иқтисодий нуқтаи назардан бозор тушунчасига алмашув жараёнида содир бўладиган, бозор иқтисодиёти қонун ва қоидаларидан келиб чиқадиган ижтимоий - иқтисодий муносабатлардан келиб чиқиш зарур.

Бизнинг фикримизча, бозор иқтисодиётининг субъекти сифатида товар-пул муомаласига боғлиқ бўлган муносабатларни намоён бўлишини таъминлайди. Бозорнинг моҳияти, барча хўжалик субъектлари инсон ва жамиятдаги айирбошлаш муносабатларининг мажмуасини англатади.

Қисқа қилиб айтганда, бозор - бозор иқтисодиёти қонун ва қоидаларига асосланган айирбошлаш жараёнида ҳаридор ва сотувчи ўртасидаги иқтисодий муносабатлар тизимидир.

Бизнингча, бозорга қуйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқдир.

Бозор - бозор иқтисодиёти қонун ва қоидаларига асосланган товар ва хизматларни айирбошлаш жараёнида харидор ва сотувчи қртасидаги мураккаб иқтисодий муносабатлар тизимидир.

Бозор ишлаб чиқариш омиллари ва муомала объектлари нуқтаи назаридан бир қатор турларга бўлинади. Хизматлар бозори ҳам ушбу таснифдан жой олади. Хизматлар бозори деганда бозор иқтисодиёти қонун ва қоидаларига асосланган ҳолда турли хизматлар ни айирбошлаш жараёнида харидор ва сотувчи ўртасидаги мураккаб иқтисодий муносабатлар тизими тушунилади.

Хизматлар бозорини унда олди-сотди қилинаётган хизматларининг турларига қараб бир канча турларга ажратиш мумкин. Масалан, инжиниринг хизматлари бозори, транспорт хизматлари бозори, умумий овқатланиш хизматлари бозори ва ҳоказо.

Умумий овқатланиш хизматлари бозори дейилганда бозордаги талаб ва таклифни инобатга олган ҳолда унга мос равишда турли овқатланиш маҳсулотларини тайёрлаш, айирбошлаш ва истеъмолни ташкил қилиш жараёнидаги истеъмолчилар ва сотувчи ўртасидаги иқтисодий муносабатлар тизими тушунилади.

Таърифда овқатланиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сотиш билан боғлиқ хизматлар мужассамлаштирилган. Чунки овқатланиш жараёни нафақат физиологик эҳиёжларни қондириш жараёни, балки роҳатланиш ва дам олишнинг ҳам бир шакли ҳисобланади.

Умумий овқатланишнинг асосий хусусиятларидан бири, бу - барча сотилаётган маҳсулотлар ва хизматлар учун бир вақтда ҳақ тўланиши ёки олинишидир. Яъни, умумий овқатланиш корхоналарининг барча фазаларида бажарадиган хизматлари бир вақтда сотилади. Умумий овқатланишнинг хизматлари ҳажми умумий овқатланиш чакана товар айланмаси таркибига киради. Чунки умумий овқатланиш хизматлари унинг маҳсулотларига қўшиб сотилади. Шунинг учун ҳам умумий овқатланиш хизматлари бозори ҳолатига баҳо беришдаги асосий кўрсаткичлар - бу умумий овқатланишнинг чакана товар айланмаси ва хизматлари ҳажми

ҳисобланади.

Республикамизда, жумладан Самарқанд шаҳрида статистик маълумотномалар ва тўпламларда умумий овқатланишнинг барча кўрсаткичлари чакана савдо билан биргаликда ҳисобга олиб борилади. Шунинг учун ишда чакана савдога дойр айрим кўрсаткичларни ҳам келтириб ўтамиз.

2011-2013 йилларда савдо ва умумий овқатланишнинг бир қатор макроиктисодий кўрсаткичлари ўсиб бораётганини кузатишимиз мумкин (2.1.2-жадвал).

2.1.2-жадвал

Республика макроиктисодий кўрсаткичлари ҳамда уларда савдо ва умумий овқатланишнинг улуши

№	Кўрсаткичлар	Йиллар					2013 йилда 2011 йилга нисбатан
		2011	2012	2013	фарки (+;-)	ўзгариш сурати, %	
1.	Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ), млрд. сўм	28190,0	37746,7	48097,0	19907,0	170,6	
	Шундан, савдо ва умумий овқатланишнинг улуши, %	8,7	9,1	9,5	0,8	X	
2.	Асосий фондлар, млрд. сўм	39590,5	57547,2	74892,4	35301,9	189,2	
	Шундан, савдо ва умумий овқатланишнинг улуши, %	2,0	2,0	2,2	0,2	X	
3.	Фойда, млрд. сўм	3202,4	4557,7	5614,7	2412,3	175,3	
	Шундан, савдо ва умумий овқатланишнинг улуши, %	4,5	5,3	5,4	0,9	X	
4.	Асосий капиталга инвестициялар, млрд. сўм	5903,5	9555,9	12531,9	6628,4	212,3	
	Шундан, савдо ва умумий овқатланишнинг улуши, %	2,2	2,7	2,5	0,3	X	t

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари
асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

2.2.1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2011-2013 йиллар давомида мамлакатимизнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари тизимида бир мунча узиш кузатилган. Шу билан бирга савдо ва умумий овқатланишнинг улардаги улуши ҳам ортиб борган. Бу савдо ва умумий овқатланишда ўсиш даражаси иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига нисбатан юқорироқ эканлигидан далolat беради. Бироқ маълумотларда кўринишича, республикада савдо ва умумий овқатланиш соҳалари моддий техника базасининг ҳолати талаб даражасида эмас. Чунки 2013 йилда ЯИМнинг 9,5 фоизи савдо ва умумий овқатланишга тўғри келган бўлса, уларнинг асосий фондлардаги улуши бор-йўги 2,2 фоизни ташкил этган.

Фойданинг таркибида савдо ва умумий овқатланишнинг улуши йил сайин ортиб борган. Бу кўрсаткич 2011-2013 йиллар оралиғида 0,9 бандга ортган. Жами асосий капиталга қўйилган инвестицияларнинг 2,5 фоизи савдо ва умумий овқатланиш соҳасига тўғри келган, бу 2011 йилга нисбатан 0,3 бандга ошган. Мамлакат савдо ва умумий овқатланиш соҳасининг асосий капиталига қўйилган инвестицияларнинг 3,9 фоизи Самарқанд вилоятига тўғри келади. Бу республика маъмурий ҳудудлари ичида Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти, Наманган вилоятидан кейинги тўртинчи ўринда эканлигини кўрсатади. Шу туфайли ушбу вилоят кўрсаткичлари кенг миқёсда тадқиқ қилинди.

Умумий овқатланишнинг ҳолатига баҳо беришда унинг асосий фондларига алоҳида эътибор қаратиш керак. Чунки умумий овқатланиш асосан, маълум муқим жойлашган корхоналарда ташкил этилади.

Умумий овқатланишни ташкил этилиши нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак республикаимизнинг шаҳар ва қишлоқларида турлича эканлигини кўришимиз мумкин (2.2.2-жадвал).

2.2.2-жадвал маълумотларида кичик корхоналар ва микрофирмалар киритилмаган. Шунинг учун ҳам умумий овқатланиш соҳасининг айрим кўрсаткичлари пасайиш тенденциясини кўрсатмоқда.

**Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланишни ташкил
этилиш ҳолати**

№		Ииллар				
		2009	2010	2011	1 2012	2013 ³⁰
1.	Умумий овқатланиш соҳаси корхоналарида банд бўлган аҳоли сони, минг киши	112,9	117,4	123,	137,0	141,9
2.	Ҳар 10 минг кишига тўғри келадиган умумий овқатланиш корхоналари сони, дона	5	5	5	5	5
3.	Қишлоқ ҳудудларида ҳар 10 минг кишига тўғри келадиган умумий овқатланиш корхоналари сони, дона	3	2	2	3	3
4.	Ҳар 10 минг кишига ўриндиқлар сони, дона	249	220	231	242	246
5	Қишлоқ ҳудудларида ҳар 10 минг кишига тўғри келадиган ўриндиқлар сони, дона	131	103	124	124	127

Манба: Давлат статистика қумитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Аммо шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, умумий овқатланиш соҳасида фаолият юритувчи субъектларнинг аксарият қисми (80%) кичик корхоналар ва микрофирмалар эканини эътиборга оладиган бўлсак юқоридаги жадвал маълумотлари фақатгина қрилган 20 фоиз субъектларга тегишли эканини билдиради.

Самарқанд вилоятида 2014 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 14,218 мингтани

ташkil қилди. 2013 йилда ялпи ички маҳсулотнинг 77,1 фоизи кичик бизнес субъектлари томонидан, шу жумладан 33,2 фоизи кичик корхоналар, микрофирмалар ва 15,6 фоизи хусусий тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилди.

Иқтисодиётнинг кичик секторида иқтисодиётдаги жами бандларнинг 81,1 фоизи бандлиги таъминланган. Банд бўлганларнинг катта қисми 74,8 фоизи (671,1 минг киши) хусусий сектор ҳамда 25,2 фоизи (226,1 минг киши) кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келади. Кичик бизнес субъектлари томонидан саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш] 26,0 фоизга ўсди ва 142,3 млрд. сўмни (вилоят саноат ишлаб чиқаришининг 29,2 фоизи), қишлоқ, хўжалик маҳсулоти 102,7 фоизга ушиб, 1365,1 млрд. сўмни (қишлоқ, хўжалиги ялпи маҳсулотининг 97,4 фоизи) ташkil қилди.

Чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 2013 йилда 59,0 фоизи ёки 3929,2 млрд. сўми (150,1 фоизни ташkil қилди\я\\ф) ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш умумий ҳажмининг 64,6 фоизи ёки 1744,9 млрд. сўми (128,0 фоизга ушган) кичик тадбиркорликда шаклланди. Минтақада умумий овқатланиш товар айланмасининг ўзгаришига боғлиқ, таҳлилий маълумотларни 2.3 -параграфда батафсил келтириб ўтамиз.

Юқорида таъкидлаганимидек республикамизнинг турли ҳудудларида умумий овқатланиш турлича ташkil этилган. Шунинг учун соҳанинг натижавий кўрсаткичлари ҳисобланган ялпи даромад, муомала ҳаражатлари ва фойданинг ҳажми ҳам, уларнинг товар айланмасига нисбатан даражалари ҳам турлича бўлган. Буни биз қуйидаги жадвал маълумотларидан ҳам кўришимиз мумкин (2.2.3 -жадвал).

2.2.3-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, умумий овқатланиш Тошкент шаҳрида жуда яхши ташkil этилган. Бунинг натижасида ялпи даромаднинг товар айланмасидаги улуши ҳам энг юқори бўлган (38,3 %).

Бунга мос равишда фойданинг товар айланмасидаги улуши

2.2.3-жадвал

2013 йилда республикада умумий овқатланиш ялпи даромади, муомала харажатлари, фойдаси ва уларнинг товар айланмасига нисбатан улуши

I	Ялпи даромад		Муомала харажатлари				Фойда	
	Млн. сўм	Товар айлан-масига нисатан, %	Млн. сўм	Товар айлан-масига нисатан, %	Млн. сўм	Товар айлан-масига нисатан, %	Млн. сўм	Товар айлан-масига нисатан, %
Ўзбекистон Республикаси	22989,6	28,7	16531,6	20,6	7978,0	9,9		
Қарақалпоғистон Республикаси	78,1	12,7	57,6	9,4	1 40,8	6,6		
Вилоятлар				!				
Андижон	242,3	20,4	149,9	- 12,7	! 92,4	7,8	•	
Бухоро	1918,4	23,3	1778,6	21,6	: 733,3	8,9		
Жиззах	33,1	32,3	15,6	15,2	17,5	17,0		
Қашқадарё	1393,3	13,9	1414,3	14,1	; 270,1	2,7		
Навоий	119,8	20,1	108,5	18,2	i 11,9	2,0		
Наманган	604,6	25,6	410,5	17,4	; 194,1	8,2		
Самарқанд	1090,2	25,4	612,7	14,3	; 477,4	11,1		
Сурхондарё	201,8	30,2	249,1	36,4	20,3	3,0		
Сирдарё	5,0	34,8	3,5	24,4	1,5	10,4		
Тошкент	3901,0	24,5	2201,7	13,8	2017,7	12,7		
Фарғона	404,9	25,5	355,6	22,4	183,1	11,5		
Хоразм	185,0	18,9	152,4	15,6	93,3	9,5		
Тошкент ш.	12812,2	38,3	9027,6	27,0	3784,6	11,3		

Манба: Давлат статистика кўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган. ҳам бир мунча юқори бўлган (11,3 %). Самарқанд вилоятида умумий овқатланиш ялпи даромадининг хажми 2013 йилда 1090,2 млн. сўмни, товар айланмасига нисбатан эса 25,4 фоизни ташкил этган.

Ялпи даромад умумий овқатланишда устама миқдорини билдиради.

Айнан ялпи даромад орқали умумий овқатланиш ҳаражатлари қопланади ва фойда таъминланади. Самарқанд вилоятида умумий овқатланиш муомала ҳаражатлари 14,3 фоизни, фойда эса 11,1 фоизни ташкил этган. Бундан қуриб турибдики, Самарқанд вилоятида умумий овқатланиш Республиканинг ўртача даражаси атрофида ташкил этилган. Буни Самарқанд вилоятининг

ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари республиканинг ўртача кўрсаткичлари билан таққосланганидан қиёсий маълумотидан ҳам кўришимиз мумкин (2.2.4-жадвал).

2.2.4-жадвал.

Самарқанд вилояти кўрсаткичларининг Ўзбекистон Республикасини 2013 йилдаги кўрсаткичлари билан таққосланган маълумотлари

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирли- ги	Республика	Самар- канд вилояти	Фарқи (+;-)	Нисба- ти, %
1	2	3	4	5	6	7
1.	Худуди	кв.км	448900	16,8		3,7
2.	Аҳолиси	минг киши	30414,3	3444,8	-	11,0
3.	Аҳолининг зичлиги , 1 кв. км	киши	61,3	181,7	+120,4	296,4
4.	Доимий яшовчи аҳолининг уртача сонига нисбатан: 4.1. Мехнат ресурслари	%	56,9	54,5	-2,2	-
	4.2. Иқтисодиётда банд аҳолиси	%	40,0	36,9	-3,1	-
	4.3.Савдо ва умумий овқатланишда банд	%	11,21	9,5	-1,71	-
	Жумладан: 4.3.1.Умумий овқатланишда	%	2,44	1,7	-0,74	-
5.	Чакана товар айланиши (умумий овқатланишни қўшган ҳолда)	млрд сўм	12558,9	900,5		7,17
	5.1. Аҳоли жон бошига	минг сўм	455,8	297,0	-158,8	65,16

Манба: Самарқанд вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Самарқанд вилоятининг майдони 16800 кв.км., аҳолиси 3444,8 минг кишидан иборат бўлиб, республика ҳудудининг 3,7 фоизини, аҳолининг 11,0 фоизини ташкил қилади. Аҳолининг зичлиги республикада 1 кв.км. -59,6 кишини ташкил қилса, вилоятда - 184,0 кишидан иборат, ўртача республика кўрсаткичидан уч баробар юқори.

Доимий истиқомат қилувчи аҳолининг ўртача сонига нисбатан меҳнат ресурслари вилоятда 54,5 %; иқтисодиётда банд аҳолий 36,9 фоизни ташкил қилади. Республика бўйича ушбу кўрсаткичлар тегишли равишда -56, 9 ва 40,0 фоизга тенгдир.

Самарқанд вилоятида аҳолининг зичлиги республика бўйича ўртача кўрсаткичдан уч баробар юқорилигига қарамасдан меҳнат ресурсларининг улуши кам. Ҳудудда шундай ҳолат савдо ва умумий овқатланиш соҳасида хизмат қилаётган аҳолининг ҳиссасида ҳам кузатилмоқда. Вилоятда чакана товар айланмасининг аҳоли жон бошига тўғри келаётган кўрсаткичи республика даражасидан 158,8 минг сўмга кам.

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, вилоят иқтисодиётини, жумладан савдо ва умумий овқатланиш соҳаларини ривожлантиришга катта эътибор қаратиш лозим. Чунки иқтисодиёти ривожланган давлатлар кўрсаткичлари билан солиштирсак бу янада паст кўрсаткич эканлиги яққол кўзга ташланади.

Булардан келиб чиқиб, умумий овқатланишни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш ва унинг асосида соҳа тараққиётини таъминлашга эришиш бугунги кунда объектив зарурият, деб уйлаймиз.

**2.3.
Сам
арқа
нд
шаҳ
ар
уму
мий
овқа
тлан
иш
корх
онал
ари
сама
радо
рли
к
кўрс
атки
члар
и
таҳл
или**

Жаҳо
н
моли
явий-
иқтис
одий
инқи
рози
мамл
акатл
ар ва
минта

қаларнинг турли
иқтисодий
кўрсаткичларига
ўзининг салбий
таъсирини
ўтказаетган бир
пайтда минтақалар
доирасида умумий
овқатланиш чакана
товар айланмаси
ҳолатига баҳо
бериш, уни чуқур
ўрганиш, соҳанинг
келажакда
ривожланиш
дастурларини ишлаб
чиқишда асос
бўлувчи бир катор
хулосалар
чиқаришга имкон
яратади. Самарқанд
шаҳрида 2013 йилда
жами чакана товар
айланмасининг
хўжалик юритувчи
субъектларнинг
мулкчилик
шакллари бўйича
тақсимотига назар
ташласак унинг 99,9
фоизи нодавлат
секторига, шундан

71

фоиз

и

фуқа

ролар

нинг

хусус

ий

мулк

ига

тўғри

келмо

кда.

Озиқ-

овқат

молла

рини

соти

ш

ҳажм

и

43607

8,1

млн.с

ўмни,

ноози

қ-

овқат

молла

рини

соти

ш

ҳажми эса 464392,1

млн сўмни ташкил

қилди.

Чакана товар

айланмасы

таркибида озиқ-

овқат моллари

улуши 2013 йилда

48,4 фоизни, ноозиқ-

овқат моллари

улуши 5 1.6 фоизни

(2012 йилда мос

равишда 47,5 ва 52,5

фоиз) ташкил қилди.

Умумий

овқатланиш

соҳасининг товар

айланмасы ҳақиқий

нархларда 2013

йилда 25373,1 млн.

сўмга етди ёки 2012

йилга нисбатан 53,3

фоизга кўпайди.

шаҳарда хизматлар

бозорининг

ривожланиб

бораётгани бир

қатор кўрсаткичлар

билан баҳоланади.

Бу аввало аҳоли жон

бошига тўғри

келадиган хизматлар

ҳажм
ининг
ўсиб
бораё
тгани
билан
ҳарак
терла
нади.
2000-
2013
йилла
рда
нафақ
ат
аҳоли
жон
боши
га
хизма
тлар
ҳажм
и,
балки
хизма
тлар
бозор
ининг
бевос
ита
риво
жлан

ишига таъсир этувчи
қатор кўрсаткичлар
ҳам ўсиб бориш
тенденциясига эга
бўлган (2.3.1 - расм).


Аҳолига
кўрсатилган пуллик
хизматлар ҳажми
1744,9 млн. сўмни,
унинг реал ўсиши
эса 2012 йилга
нисбатан 118,3
фоизни ташкил
қилди.

Аҳолига
кўрсатилган пуллик
хизматлар 2.3.1.
жадвалига
келтирилган.

2.3.1. жадвал

*Аҳолига
кўрсатилган пуллик
хизматлар
2013 йил (йиллик)*

Кўрсаткичлар	Ўлчов	
	бирлиги	Микдори
Пуллик хизматлар ҳажми	млрд. сўм	1744,9
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	%	118,3
Аҳоли жон бошига	минг сўм	511,3
Маиший хизматлар ҳажми	млрд. сўм	215,1
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	%	136,2
Аҳоли жон бошига	минг сўм	63,0



2001 2002 2003 2004 2005 2006 2007 2008 2009 2010 2011 2012 2013

Йиллар

2.3.1-расм. Самарқанд вилоятида аҳоли жон бошига ҳисобланган кўрсаткичлар ўзгариши .

Аҳолига пуллик хизматлар кўрсатишнинг асосий қисми расмий сектор томонидан амалга оширилиб (42,7 фоиз), бу секторда хизматлар ҳажми амалдаги нархларда 167106,6 млн. сумни, ўсиш суръати эса 106,4 фоизни ташкил қилди.

Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажми 132,7 фоизга ўсиб, 224276,1 млн. сўмни, пуллик хизматлар умумий ҳажмидаги улуши эса 57,3 фоизни ташкил этди.

2013 йил давомида хизматлар ишлаб чиқариш турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

Аҳолига кўрсатилган умумий пуллик хизматлар ҳажмида нодавлат сектори улушининг ўсиши 54,0 фоизни ташкил қилди (2007 йилда 33,0 фоиз).

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш дастури вилоятда хизмат кўрсатиш ҳажмларининг кескин ўсишига замин бўлмоқда. 2013 йилда жами хизмат кўрсатиш ҳажмлари 2012 йилга нисбатан 35,6 фоизга кўпайди. Жами хизматларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 35,9 фоизни ташкил этди.

Самарқанд вилоятида иқтисодий фаолият турлари бўйича ишлаб чиқарилган (кўрсатилган) хизматлар 2.3.2. жадвалга келтирилган.

2.3.2.-жадвал

Самарқанд вилоятида иқтисодий фаолият турлари бўйича ишлаб чиқарилган (кўрсатилган) хизматлар

2013 йил (йиллик)		
Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Миқдори
Жами хизматлар	млрд. сўм	4076,9
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	%	124,1
Алоқа ва ахборотлаштириш хизмати	млрд. сўм	250,7
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати		
Компьютерли программалаш хизмати	млрд. сум	136,0
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати		
Молия хизмати	млрд. сўм	273,1

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Миқдори
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	%	134,0
Транспорт хизмати	млрд. сўм	703,6
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	%	127,5
Қурилиш хизмати	млрд. сўм	148,9
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати		
Техник ускуналарга таъмирлаш хизмати		
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	%	129,4
х/Қишлоқ ужаллиги техникаларини таъмирлаш ва техник хизмати		
Туризм хизмати	млрд. сўм	38,5
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	%	125,3
Савдо ва умумий овқатланиш хизмати	млрд. сўм	1151,6
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	%	121,6
Маиший хизмат кўрсатиш	млрд. сўм	264,3
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	%	135,7
Таълим хизмати	млрд. сўм	178,3
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	%	117,3
Соғлиқни сақлаш хизмати	млрд. сўм	51,6
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	%	132,4
Қишлоқ хўжалиги хизматлари	млрд. сўм	60,6
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	%	144,8
Бошқа хизматлар	млрд. сўм	940,7
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	%	114,1
Аҳоли жон бошига	минг сўм	1194,6

Хизматлар ҳажмининг ошишига асосан савдо ва умумий овқатланиш хизматлари ҳажмининг 21,6 фоизга, транспорт хизматларининг 27,5 фоизга, алоқа ва ахборот хизматлари ҳажмининг 23,7 фоизга, молия ва банк хизматларининг 34,0 фоизга, маиший хизмат кўрсатиш 35,7 фоизга, меҳмонхона хизматларининг 43,8 фоизга, автомобилларни таълим хизматларинг 17,3 фоизга ва бошқа хизматларнинг 14,1 фоизга кўпайганлиги натижасида эришилди.

2013 йилда 368 та аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари ишга туширилди. Жумладан, 44 та кийим тикиш ва модалар ательеси, 88 та сартарошхона, 63 та пойафзал тузатиш устахонаси, 32 та суратхона, 6 та ижарага

бериш шохобчаси, 14 та ҳаммом ва 25 та бошқа турдаги маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ишга тушурилди. Бундан ташқари 69 та чакана савдо шохобчалари ишга туширилди, 13 та умумий овқатланиш шохобчалари, 2 та "Гузар" фойдаланишга топширилди. Шаҳар ва туманларда бу борадаги дастурда белгиланган кўрсаткичлар бажарилиши таъминланди.

Хизматлар ва сервис соҳасини ривожлантириш мақсадида вилоятда жами 3785,5 млн. сўмлик молиявий кредит ресурслари ажратилган. Жумладан иш билан бандликка кўмаклашиш маблағлари ҳисобидан 209 та маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларига 580,8 млн. сўм, "Микрокредитбанк" тижорат банки томонидан 167 та маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларига 583,2 млн. сўмлик ҳамда бошқа тижорат банклар, филиаллар ва фондлар ҳисобидан 2621,5 млн. сўмлик кредит маблағлари ажратилган. Натижада 1255 та янги иш ўринлари яратилган. Хизмат кўрсатиш ва сервис тармоқларида жами 5243 та қўшимча янги иш ўринлари яратилиши прогнозлаштирилган бўлса, ҳақиқатда ушбу тармоқда 6158 та қўшимча иш ўринлари ташкил этилиб, прогнозга нисбатан 117,5 фоизга бажарилган. 2012 йилни савдо ва умумий овқатланиш соҳаси субъектлари 14559,1 млн. сўм соф фонда билан якунлади ва соҳага тўғри келадиган фойда 2012 йилга нисбатан 64,7 фоизга ўсди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, савдо ва умумий овқатланиш, умуман, бутун хизмат кўрсатиш ҳажми вилоятнинг барча маъмурий ҳудудларида бир текисда ўсиб бориш тенденциясини ҳосил қилган. Фақатгина хизматлар бозорида таклифнинг ривожланганлик даражасига кўра вилоятнинг шаҳар ва туманларида ўсиш даражаси турлича бўлган.

Самарқанд вилоятида хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасида ташкил этилган иш ўринлари 2.3.3. жадвалда келтирилган.

2.3.3. жадвал

2.3.3. Самарқанд вилоятида хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасида ташкил этилган иш ўринлари**

2013 йил (йиллик)

№	Туман, шаҳар номи	Режа	Амалда	Бажарилиши %	Фарқи (+,-)
	Вилоят бўйича шаҳарлар:	21831,0	24545,0	111,1	2424,0
1	Самарқанд ш	5801,0	6674,0	115,0	873,0
2	Каттақўрғон ш	533,0	796,0	149,3	263,0
	туманлар:				

3	Булунғур	1805,0	1822,0	100,9	17,0
4	Жомбой	767,0	776,0	101,2	9,0
5	Иштихон	1553,0	1653,0	106,4	100,0
6	Каттакўрғон	170,0	308,0	181,2	138,0
7	Қўшработ	154,0	232,0	150,6	78,0
8	Нарпай	1246,0	1356,0	108,8	110,0
9	Нуробод	694,0	752,0	108,4	58,0
10	Оқдарё	919,0	1019,0	110,9	100,0
11	Пайариқ	1220,0	1346,0	110,3	126,0
12	Пастдарғом	1390,0	1537,0	110,6	147,0
13	Пахтачи	1038,0	1067,0	102,8	29,0
14	Самарқанд	603,0	864,0	143,3	261,0
15	Тайлоқ	1121,0	1313,0	117,1	192,0
16	Ургут	2817,0	3030,0	107,6	213,0

** вилоят Иқтисодиёт Бош бошқармаси маълумотларига асосан

2.3.4-жадвал

Самарқанд вилоят шаҳар ва туманларида 2013 йилда чакана товар айланмаси ва пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми

Шаҳар ва туманлар номи	Чакана товар айланмаси		Пуллик хизмат кўрсатиш	
	2013 йил амалдаги баҳоларда, млрд. сўм	2012 йилга нисбатан % ҳисобида	2013 йил амалдаги баҳоларда, млрд. сўм	2012 йилга нисбатан % ҳисобида
Жами	1195,7	116,8	642,2	133,1
шаҳарлар:				
Самарқанд ш.	453,2	117,6	354,7	131,3
Каттакўрғон ш.	77,3	112,1	24,4	138,5

Туманлар:				
Окдарё	35,5	115,4	10,4	125,2
Булунгур	50,3	115,3	19,6	137,6
Жомбой	28,7	107,0	16,2	134,1
Иштихон	34,3	126,2	17,3	131,6
Каттакўргон	35,6	117,4	21,5	144,5
Қўшробот	16,7	118,0	7,4	149,3
Пайариқ	65,2	119,5	14,6	137,3
Пастдарғом	68,9	114,1	•?5 ?	141,5
Пахтачи	39,5	122,8	12,7	120,0
Самарқанд	90,6	119,7	41,6	144,0
Нарпай	35,2	126,7	17,7	119,9
Нуробод	21,3	114,9	8,3	115,5
Тайлоқ	31,6	113,3	14,1	129,8
Ургут	111,9	112,7	36.5 !	138,5

Манба: Самарқанд вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. Самарқанд вилоят статистика бошқармаси. Самарқанд, 2013.

2.3.4-жадвал маълумотларида кўриниб турибдики. вилоятда чакана товар айланмаси ўртача ўсиш даражаси 18 фоизни, хизматлар ҳажмининг ўсиши ўртача 20 фоизни ташкил этган бир вақтда, айрим шаҳар ва туманларда ўсиш вилоятнинг ўртача даражасидан ҳам юқори бўлмоқда (Самарқанд шаҳри, Булунгур тумани).

Кейинги йилларда сервис ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга қаратилган чора тадбирлар, ишлаб чиқиладиган дастурларда умумий овқатланиш соҳасига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижаси улароқ вилоят чакана товар айланмасида ҳамда савдо ва умумий овқатланиш хизматлари ҳажмида соҳанинг улуши ортиб бормоқда.

2.3.5- жадвал

Самарқанд вилояти чакана товар айланмаси ва хизматлар ҳажмида умумий овқатланишнинг улуши (2005-2013 йиллар)

№	Кўрсаткичлар	Йиллар					2008 йилда ўзгариш сурати, % улушининг фарқи (+;-)			
		2005	2007	2009	2011	2013	2005 йилга нисба тан	2007 йилга нисба тан	2009 йилга нисба тан	2011 йилга нисба тан
1.	Жами чакана товар айланмаси, млрд. сўм	153,0	301,0	371,6	534,0	900,5	5,88 бр	2.99 ; ор	2,42 ; бр	1,69 бр ,
1.1	Шу жумладан умумий овқатланиш да	3,6	8,6	9,6	8,0	13,8	3,84 бр	160.4	. 143,8	172,0
1.2	Умумий овқатланиш инг улуши, %	2,35	2,85	2,58	1,49	1,53	-0,82	-1.32	1 -1,05	0,04

Манба: Самарқанд вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

2.3.5-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, вилоятда чакана товар айланмаси 2005-2013 йиллар оралиғида 5,88 мартага ортган бўлса, умумий овқатланиш соҳаси чакана товар айланмаси 3,84 .мартага ошган. Вилоят чакана товар айланмасида умумий овқатланиш соҳасининг улуши 2005 йилдаги 2,35 фоиздан 0,82 пунктга камайиб, 1,53 фоизни ташкил этган.

Жадвал маълумотларидан ҳам куришиб турибдики, 2011 йилда умумий овқатланиш соҳаси чакана товар айланмаси 2009 йил даражасидан 1,6 млрд. сўмга кам бўлган. Бу асосан, соҳада бошланган туб ўзгаришлар, шу билан бирга соҳа субъектларига қўйилган талабларнинг олдинги йилларга нисбатан 2011 йилда бир мунча ортганлиги билан изоҳланиши мумкин.

Умумий овқатланишнинг минтакавий ҳолатини ифода этувчи асосий кўрсаткич умумий овқатланишнинг чакана товар айланмаси ҳисобланади. Минтакада умумий овқатланиш соҳасининг чакана товар айланмаси ўзгаришига турли омиллар таъсир қилади. Биз, танланган мавзуга методологик жиҳатдан тўғри ёндашиш мақсадида уларнинг айримларига тўхталишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Самарқанд шаҳрида умумий овқатланиш чакана товар айланмаси кўрсаткичининг узгаришига таъсир этиши мумкин бўлган қуйидаги омиллар танлаб олинди:

Х₁- аҳоли жон бошига ўртача пул даромадлари, сўм;

Х₂- аҳоли пул харажатларида товарлар сотиб олиш ва хизматлар учун тўловлар, даромадларга нисбатан %;

Х₃- аҳоли пул даромадларида жамғармаларнинг улуши, %;

Х₄- умумий овқатланиш корхоналари сони, дона;

Х₅- умумий овқатланиш корхоналарида ўриндиқлар сони, дона;

Х₆- умумий овқатланишда банд бўлган ходимлар сони, киши;

Х₇- нарх индекси, %;

У - умумий овқатланиш чакана товар айланмаси, млрд. сўм.

2.4. Умумий овқатланиш корхоналари самарадорлигини оширишга таъсир этувчи ташкилий-иқтисодий омиллар ва уларни таҳлил қилиш йўллари

Умумий овқатланиш корхоналари самарадорлигини ошириш давр талаби. Чунки, улар орқали турли ресурслар (ёкилги, электр энергияси, хом ашё), аҳоли вақти тежалади, мамлакатимиз ғазнаси бойийди, бозор инфратузилмалари ўртасидаги муносабатлар ривожланади.

Умумий овқатланиш корхоналарининг товар айланмаси, ҳаражатлари ва якуний, ижобий молиявий натижаси ҳисобланган фойданинг шаклланишига қатор ташкилий-иқтисодий омиллар таъсир кўрсатади. Бу омилларни натижавий кўрсаткичларга таъсири нуқтаи назаридан, ички ва ташқи, шунингдек бевосита ва билвосита таъсир этувчи омилларга ажратишимиз мумкин (2.4.1-расм).

Бевосита таъсир қилувчи омиллар		Билвосита таъсир қилувчи омиллар)	
	Омилнинг тавсифи	—	Омилнинг тавсифи
-	ташқи савдо айланмаси, унинг таркиби	—	давлатнинг халқаро миқёсдаги аҳволи
-	туризмнинг ривожланганлик даражаси	—	халқаро муносабатлар
	миллий иқтисодиёт прогнозлари (истеъмол ва жамғарма фондлари эластиклик коэффиценти)	—	аҳолининг истеъмол маданияти
-	аҳоли сони, таркиби, даромадлари ва харид фонди	—	мамлакат ва минтақадаги илмий техник тараққиёт даражаси
-	Баҳо	—	Урбанизация
-	хизмат турлари	—	хизмат савияси
-	товар айланмаси таркиби;	—	бошқа билвосита омиллар
-	товар захиралари, товарларнинг келиши ва товарсиз чиқимлар		
-	ўриндиқлар сони, уларнинг бандлилик даражаси		
-	хўррандалар сони ва улардан тушадиган ўртача тушум		
-	бошқа бевосита омиллар		

2.4.1-расм. Умумий овқатланиш соҳасида хўжалик юритувчи субъектларнинг товар айланмаси ва фойдасига таъсир этувчи омиллар.

Юқоридаги омилларнинг айримлари умумий овқатланиш соҳаси субъектлари товар айланмаси, фойдаси ва самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатиб, ушбу кўрсаткичларнинг ўсишига хизмат қилса, айримлари акс таъсир этади. Иқтисодий таҳлил омиллар таъсири даражасини сон ва сифат жиҳатдан ўрганишга ва улар асосида зарурий қарорлар қабул қилишга хизмат қилади.

Умумий овқатланиш корхоналарида самарадорликнинг умумий кўрсаткичи товар айланмасининг ҳаражатларга нисбати тарзида аникланади. Яъни;

Бу ер да,

С- самарадорлик

Т- товар айланмаси,

Х - харажатлар.

Умумий овқатланиш корхоналари фаолият самарадорлиги олдинга қўйилган мақсадга энг кам маблағ сарфлаб эришишни ифодалайди. Уларда самарадорлик қуйидаги кўрсаткичлар тизимлари орқали аникланади: ишлаб чиқариш - технологик самарадорлик моддий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражасини ифодалайди ва фондлар қайтими, фондлар сиғими, меҳнат унумдорлиги каби кўрсаткичлар орқали аникланади; ишлаб чиқариш - иқтисодий самарадорлиги ишлаб чиқаришнинг умумий натижавий кўрсаткичлари билан ўлчанади; ялпи маҳсулот қиймати, фойда, рентабеллик харажатларнинг қопланиши.

Умумий овқатланиш корхоналари самарадорлиги бир қатор ички ва ташқи омилларга боғлиқ. Улар фаолиятдан ташқарида умумий овқатланиш корхоналари маҳсулотлари ва кўрсатадиган хизматларига талаб шаклланади. Кўп жиҳатдан корхонанинг самарадорлиги айнан ташқи муҳитда шаклланадиган талабга боғлиқ бўлади.

Талабнинг шаклланиши эса корхонанинг ичидан туриб шакллантирилаётган сиёсатларга боғлиқ (наrx реклама ва ҳоказо). Тўғри ташкил этилган товар сиёсати умумий овқатланиш корхоналари

самарадорлигини оширади. Ташқи талабнинг шаклланишига кўмаклашади.

Рекламанинг умумий овқатланиш хизматлари бозорида урни юқори. Шунинг учун ҳам реклама сиёсатиға самарадорликни ошириш омили сифатида караш мақсадға мувофиқ. Умумий тарзда умумий овқатланиш корхоналари самарадорлик тизимини қуйидагича ифодалаш мақсадға мувофиқ бўлади (2.4.2- расм):

Талаб

Маркетинг фаолияти:

нарх реклама ва
боиқалар

•*->

Корхонанинг ички ва ташқи мухити

Ишлаб чиқариш ва муомала харажатлари

Ишчиларнинг
меҳнат мотивацияси

Ишлаб чиқариш

Корхонанинг

техник

технологик


хрлати

ва молиявий

ресурслардан

фойдаланиш

даражаси



2.4.2.расм. Корхона фаолият самарадорлиги тизими³².

Умумий овқатланиш корхоналари фаолият самарадорлиги тизимидан келиб чиққан ҳолда, улар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими шаклланади. Ушбу тизим кўрсаткичлари ўзида қуйидаги гуруҳларни ифода этади:

- Умумхўжалик самарадорлиги кўрсаткичлари (харажатлар самарадорлиги, харажатлар рентабелиги);

- Ресурслар самарадорлиги кўрсаткичлари;

А) асосий фондлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар (фондлар

³²Муаллиф ишланмаси.

кайтами, фондлар сиғими, фондлар рентабелиги, ҳар бир ўриндикка тўғри келадиган товар айланмаси ва фойда);

Б) айланма маблағлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар (айланма маблағлар айланиш тезлиги: кунларда, марталарда; айланма маблағлар рентабеллиги);

В) меҳнат ресурслари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар (меҳнат унумдорлиги, ҳар бир ходимга тўғри келадиган фойда, иш ҳақи фондининг ҳар бир сўмига тўғри келадиган фойда); Умумий овқатланишда самарадорликни аниқлашда натижа кўрсаткичи сифатида чакана товар айланмаси олинади. Шунинг учун ҳам унинг таркибига кирувчи элементларни аниқлаштириб олиш мақсадга мувофиқдир. Умумий овқатланиш корхоналари чакана товар айланмасига қуйидагилар киради:

- ўзида тайёрланган ярим фабрикатлар ва тайёр маҳсулотларни, шунингдек келтирилиб сотилаётган маҳсулотларни нақд пулга сотиш.

- Умумий овқатланиш корхонасига қарашли савдо дўконлари, кулинария бўлимлари ва бошқа савдо тармоқлари орқали сотилган ҳамда уйларга етказиб берилган товарлар дан тушган тушум;

-ўзида тайёрланган ярим фабрикатлар ва тайёр маҳсулотларни ижтимоий мақсадлардаги ҳуқуқий шахсларга пул кучириш йўли орқали сотиш;

-ўзида тайёрланган ярим фабрикатлар ва тайёр маҳсулотларни, шунингдек келтирилиб сотилаётган маҳсулотларни келгусида маошдан ушлаб қолиш шарти билан ишчи, ходимларга сотиш;

-гуллар, сувенирлар ва бошқа ноозик-овқат товарларини сотиш;

Самарқанд шаҳрида умумий овқатланиш корхоналари сони 2013 йилда 458 тани ташкил этган. Биз умумий овқатланиш соҳасидаги корхоналарнинг самарадорлик кўрсаткичларига аниқроқ баҳо бериш мақсадида шаҳарнинг турли ҳудудларида жойлашган 18 та умумий овқатланиш корхоналарининг самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиб чиқдик. Аммо диссертациянинг ҳажми чегараланганлиги сабабли ва умумий хулосалар чиқаришга асос бўла оладиган, турли ҳудудда жойлашган ва турли мулк шаклидаги умумий овқатланиш корхоналари самарадорлиги кўрсаткичларини ишда келтириб ўтамиз.

2.3.5-жадвал

Самарқанд шаҳрида фаолият олиб бораётган умумий овқатланиш корхоналарининг ўртача самарадорлик кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	Корхоналар		
		Ресторанлар	Кафе-лар	Ошхоналар
1.	Самарадорлик:			
	ҳаражатларнинг, сум	4,06	3,28	1,17
	асосий фондларнинг қайтими, сўм	67,2	55,3	36,7
	асосий фондларнинг сиғими, сўм	0,014	0,018	0,027
	айланма маблағларнинг айланиш тезлиги, кун	11,7	9,8	7,3
2.	Рентабеллик кўрсаткичлари:			
	ҳаражатларга нисбатан, %	12,6	10,7	9,9
	асосий фондларга нисбатан, %	26,9	21,7	16,8
	айланма маблағларга нисбатан, %	43,5	27,8	21,6
3.	Меҳнат унумдорлиги, минг сўм	11978,7	9871,6	7852,0
4.	Ҳар бир ходимга тўғри келадиган фойда, минг сўм	1234,3	785,4	497,9

Манба: тадқиқ этилган корхоналар маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

2.3.5-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, турли ташкилий шаклдаги умумий овқатланиш корхоналарида самарадорлик турлича.

Самарадорлик ва рентабеллик кўрсаткичларининг ўртача даражаси энг юқори бўлган умумий овқатланиш корхоналари ресторанлар бўлиб, уларда сарф-харажатларнинг самараси 4,06 сўмни, рентабеллиги эса 12,6 фоизни ташкил этмоқда. Бу кафеларга нисбатан 17,8% ва ошхоналарга нисбатан 27,3% кўп демакдир. Шунингдек шаҳарда фаолият олиб бораётган кафеларда ҳам самарадорлик тегишлича 3,28 сўм ва рентабеллик 10,7 фоизни ташкил этган.

Самарадорлик ва рентабеллик кўрсаткичларининг энг паст даражаси тадқиқ этилган ошхоналарда кузатилди. Уларда ўртача самарадорлик 1,17 сўмни, рентабеллик эса 9,9 фоизни ташкил этди. Бу самарадорлик ресторанларга нисбатан 2,89 сўм, кафеларга нисбатан эса 2,11 сўм паст демакдир. Шунингдек рентабеллик ҳам мос равишда 2,7 ва 0,8пунктга камдир.

Шунинг учун тадқиқотларимизни асосан соҳада самарадорлиги нисбатан паст бўлган тоифадаги умумий овқатланиш корхоналарига қаратиш лозим бўлди. Тадқиқот давомида яна бир тенденцияга дуч келдик. Тадбиркорларимизнинг асосий қисми овқатланиш бўйича ресторан ва кафе очган. Оддий ошхона очиб ишлаётган хусусий тадбиркорларнинг улуши жуда кам.

Бундан кўриниб турибдики, тадқиқотларимизни асосан соҳада самарадорлиги нисбатан паст бўлган тоифадаги умумий овқатланиш корхоналарига қаратиш лозим.

ШҲОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

3.1. Хизмат соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик самарадорлигини оширишга таъсир этувчи омиллар ва уларнинг таснифи

Умумий ҳолда хизмат кўрсатиш соҳасидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг самарали фаолият олиб бориши асосан қуйидаги тўрт - *ҳуқуқий, сиёсий, ижтимоий* ва *иқтисодий* омилларнинг ўзаро боғлиқлиги натижасида амалга оширилади. Улар ижобий ёки рағбатлантириш кўринишида ҳам шаклланиши мумкин.

Юқорида таъкидлаб ўтилган омиллардан ҳуқуқий омиллар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: субъектларининг самарадорлигини оширишда асосий омил ҳисобланади. Чунки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият олиб бориш учун тадбиркорлик муҳитида амалга оширилиши мумкин бўлган уйинлар қоидасини кўрсатиб беради. Ўйинлар қоидаси тушунчаси рухсат этилган ва амалга оширилаётган ишларни ўз ичига олади. Рухсат этилган ишларга нисбатан уйин қоидалари турли шаклда намоён бўлади. Уйин қоидалари нима қилиш мумкину, нима қилиш мумкин эмас тамойили асосида ишлаб чиқилиши мумкин. Бу қоидаларда тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш йўлидаги барча чегара ёки чекловлар яққол кўрсатиб берилиши керак. Умуман олганда, ҳуқуқий омил кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини юритиш йўлидаги барча қонунлар ва йўриқномалар мажмуи бўлиб, уни тартибга солади ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий жараёндаги бошқа субъектлар билан муносабатини мужассамлаштиради.

Ҳуқуқий базанинг тулиқ ёки бир меъёردа юритилмаслиги тадбиркорлик фаоллиги даражасига катта салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида амалиётга татбиқ қилинаётган иқтисодий ислохотларнинг асосини ташкил қилаётган бир бутун ҳуқуқий база

мавжуддир.

Ҳуқуқий омилнинг таснифига "ҳуқуқий маданият" тушунчаси ҳам киради. Бунинг остида халқимизнинг қонунларга тўлиқ риоя қилиши, яъни инсонларнинг онгида қонунлар талабини бажариш керак деган тушунчанинг бўлиши тушунилади. Агар керак бўлган барча қонунлар қабул қилинса-ю лекин улар амалда ишламаса ёки татбиқ қилинмаса, бундай жамиятни қонунларга буйсунувчан деб булмайди ва буни хусусий тадбиркор ўз фаолиятини юритишда эътиборга олиши шарт.

Сиёсий омил кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти жараёнида бўлаётган барча ҳодисаларга давлатнинг муносабатини ва уларга давлатнинг таъсирини белгилаб беради. Давлатнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига қай даражада таъсир кўрсатиши ёки аралашиши кераклиги ҳам сиёсий омил тушунчасига киради. Бундай аралашиш олдиндан белгиланмаган ёки белгиланган бўлиши мумкин.

Ижтимоий омил бошқа омилларга нисбатан узининг таркиби жиҳатидан анчагина мураккаб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам унинг таркиби кўпгина элементлардан таркиб топади. Агар тадбиркор уларни эътиборга олмаса, келгуси фаолиятида салбий ҳолатлар руй бериши мумкин. Қуйидагилар бу омилнинг асосий элементлари ҳисобланади:

жамиятда мафкуранинг ҳолати;
миллий урф-одатлар;
миллатнинг маданий ва маиший одатлари;
тадбиркорликни маънавий ва моддий ҳаракатлантириш усуллари;
атрофдаги кишиларнинг тадбиркор ва тадбиркорлик фаолиятига бўлган мун
осабатлари.

Иқтисодий омил бозордаги рақобатни ва нарх-наво ҳолатини ўзида акс эттиради. Нарх-наво тизими, ўз навбатида, нархларнинг даражаси хизмат кўрсатиш жараёнига тадбиркор томонидан жалб қилинаётган хизмат кўрсатиш омиллари, ишчи кучи, кредит ставкаси миқдори ҳамда солиқ ва мажбурий тўловларни ўз ичига олади. Бунда бозордаги рақобат шарт-

шароитлари сифат ва миқдорий жиҳатдан таҳлил қилиб чиқилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг келажаги унга яратилган шарт-шароит билан белгиланади, у эса жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни акс эттиради. Шундай экан ижтимоий-иқтисодий вазиятга иқтисодий мустақиллик тадбиркорлар синфи, иқтисодий алоқаларда бозорнинг устуворлиги, тадбиркорлик капиталини мужассамлаштириш шароитининг мавжудлиги ва чегараланган ресурслардан самарали фойдаланиш кабилар киради.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ижтимоий мустақиллик даражаси бозорда вужудга келаётган мустақил кичик корхона ва ташкилотлар сони билан таснифланади.

Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини таркиб топтириш кўп жиҳатли жараён бўлиб, у ўз ичига қуйидагиларни камраб олади:

- ижтимоий, иқтисодий ва ижтимоий-иқтисодий фалсафанинг ҳамда улар билан боғлиқ бўлган жамият аъзолари психологиясининг ўзгариши;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда миллий дастурини қабул қилиниши.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий мақсади мамлакат иқтисодий ўсишининг қўшимча манбаи сифатида ижтимоий муаммоларни бартараф этишда катта аҳамиятга эга бўлиб, аҳолининг бандлик даражаси муаммоларини ҳал этиш, миллий бойликни ўстириш ва аҳолининг фаровонлигини ошириш учун хизмат қилади.

Ҳозирги шароитда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик муҳитини таркиб топтириш нафақат миллий, балки халқаро муаммолардан ҳисобланади. Мавжуд бўлган мамлакатлараро гуруҳларда, масалан, Европа Иттифоқи миқёсида ягона кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини юритиш Европа жамиятига кирувчи мамлакатларда бир-бирига ўхшаб кетмоқда.

Иқтисодий фаоллик ва мустақилликнинг муҳим шакли бўлмиш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик республикамызда бандликнинг аниқ сифатида янги

иш жойларини барпо этиш йулида энг ривожланган давлатлар томонидан қўллаб-қувватланиб келинмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши бир неча йиллар мобайнида маслаҳатлар бериш, молиявий ёрдам кўрсатиш ёки солиқлар тўлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун маълум бир имтиёзлар беришда акс этмоқда.

Худудий омилар. Тадбиркорлик учун ягона ҳаракат майдонининг мавжудлиги, ягона пул бирлиги аҳамиятлидир. Мамлакатлараро иқтисодий майдонда эркин иш тутиш, иқтисодий битимлар тузиб иш кўриш мумкин. Бу бир давлат худуди билан чегараланмайди. Шу иқтисодий майдонда тадбиркорлик учун зарур бўлган шароит, яъни:

-божхона;

-валюта;

-солиқ;

-виза;

-меҳнатга ҳақ тўлаш ва бошқалар бўйича маҳаллий ва чет эллик тадбиркорларга, инвесторларга берилган имтиёзлар билан ўлчанади.

Тадбиркорлик фаолиятининг ўта муҳим жихати - бу ишлаб чиқаришдир. Бу жараёнда иқтисодий ресурслар ишлатилади, маҳсулот ва хизматлардан иборат ҳаётий неъматлар яратилади. Маълумки, ишлаб чиқариш юз бериши учун унинг омиллари ҳаракатга келиши шарт.

Хизмат кўрсатиш омиллари:

-ер ва капитал;

-ишчи кучи;

-ахборотлар;

-технология;

-тадбиркорлик ғояси.


Улар ишлаб чиқариш воситалари ёки ишлаб чиқариш фондлари (жамғармалари) деб ҳам юритиш мумкин. Моддий-ашёвий омил билан шахсий-инсоний омил - ишчи кучи бирикиб, меҳнат жараёни, яъни ишлаб чиқариш

юзага келади. Бунинг натижасида турли-туман маҳсулотлар ва хизматлар яратилади.

Ҳар қандай иқтисодий жараён тўғри ва оқилона бошқарилиши учун уни тўғри таҳлил қилиш унинг самарадорлигини оширади. Бу бевосита кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ҳам дахлдордир. Чунки бозор муносабатлари шароитида товарлар (хизматлар)ни ишлаб чиқариш тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг бир жиҳати бўлса, уларни сотиш эса ушбу фаолиятнинг энг муҳим жиҳатидир.

Узоқ йиллар Ўзбекистон иқтисодиётидаги асосий фаолият товар ишлаб чиқаришга қаратилган бўлиб, уни сотиш борасида ҳеч ким бош қотирмаганди. Чунки бизнинг мамлакатда, асосан, хом-ашё ишлаб чиқарилиб у режа асосида собиқ иттифокнинг белгиланган манзилларига етказиб берилар эди.

Энди вазият тубдан узгарди. Биринчидан, иқтисодиётимизда хом-ашё ишлаб чиқаришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш устувор соҳага айланмоқда. Экспорт соҳасида тайёр маҳсулотнинг ҳиссаси йилдан-йилга ошиб бормоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ташқи иқтисодий фаолиятдаги ўрни ҳам аста-секин кенгайиб бормоқда. Унинг мамлакатимиз экспорт ҳажмидаги улуши 2013 йилда 18,0 фоизни ташкил этиб, бу кўрсаткич 2000 йилга нисбатан 8,6 фоизга кўпдир (3.1-расм). Кичик бизнес субъектларининг асосий экспорт маҳсулотларини қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик ишлов берувчи, электротехник ишлаб чиқариш маҳсулотлари, халқ амалий санъати буюмлари ташкил этади.



3.1.1-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг экспортдаги улуши,

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни

ривожлантиришни қуллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган бир қатор фармонлар ва қарорлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 11 мартдаги ПҚ - 1501 сонли "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кредитлаш ҳажмларини ошириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида" ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 19 мартдаги 79-сонли "Тижорат банкларининг кичик тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишни рағбатлантиришга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида"ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 майдаги ПФ-4192-сонли "Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора тадбирлар тўғрисида"ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги ПФ-4354-сонли "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қўлаш ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида"ги Фармонлари қабул қилинди.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 11 мартдаги ПҚ — 1501 сонли "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кредитлаш ҳажмларини ошириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида" ги Қарорига биноан тадбиркорларга қуйидаги имкониятлар яратилди:

-тижорат банкларининг Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси ресурслари ҳисобидан кредит беришдан оладиган даромадлари бўшайдиган маблағларни мазкур жамғарманинг ресурс базасини оширишга мақсадли йўналтириш шарти билан юридик шахслардан олинадиган фойда солиғидан 2016 йилнинг 1 январигача озод қилинди;

-устувор равишда олис ва бориш қийин бўлган туманларда, шунингдек меҳнат ресурслари ортикча бўлган туман ва шаҳарларда жойлашган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш лойиҳаларига ажратилди;

-тижорат банкларига кичик тадбиркорлик субъектларига кредит беришда кредитнинг умумий суммасида қарз олувчининг гаров таъминотини расмийлаштириш билан боғлиқ ҳаражатларни ҳисобга олиш ҳуқуқи берилди; бараваридан ортиқ бўлмаган суммада ажратилиши белгиланди;

- жамгарма маблағлари ҳисобидан кредитлар маҳсулот етиштириш (тамакичилик ва алкогольли маҳсулот ишлаб чиқаришдан ташқари), ишларни бажариш, хизматлар (савдо содаси ва умумий овқатланишдан ташқари) кўрсатиш билан боғлиқ бўлган лойиҳаларга ажратилади.

Учинчидан, 2012 йил мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш жойларни яратиш мақсадида БАНК тизимида қуйидаги ишлар амалга оширилди:

-кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар, шу жумладан микрокредитлар ажратиш механизмлари такомиллаштирилади ва соддалаштирилади. Бунда, оилавий бизнес ва ҳунармандчиликни ривожлантириш, бошланғич капитални шакллантириш ҳамда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш мақсадида узоқ ва ўрта муддатли кредитларни ажратиш механизмлари қайта кўриб чиқилиб, ҳозирги давр талабларига мослаштирилди;

-тижорат банклари томонидан 2013 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан жами 4 трлн. 377 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилади, шундан микрокредитлар ҳажми 843 млрд. сўмни ташкил этади. Ушбу кредитлар биринчи навбатда бошланғич капитални тўлдириш учун ҳамда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш мақсадида ўрта ва узоқ муддатларга ажратилди;

-2013 йилда тижорат банклари томонидан оилавий бизнес ва ҳунармандчиликни ривожлантириш учун кредит маблағларини ажратилишига алоҳида эътибор қаратилади. Ушбу мақсадлар учун банклар томонидан жорий йилда 60 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари йўналтирилди;

- тижорат банклари томонидан 2013 йилда ёш оилаларга тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида уларга микрокредитлар ажратиш учун жами 243 млрд. сум миқдорида кредит маблағлари ажратилди; тижорат банклари томонидан 2013 йилда ажратиладиган кредит маблағларининг 28,3 млрд. сўми касб-хунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилди; тижорат банкларида ташкил этилган Имтиёзли кредитлаш махсус жамҳармаси маблағлари ҳисобидан 2013 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 30,0 млрд. сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар ажратилади. Бунда асосий эътибор устувор равишда узоқ ва бориш қийин, шунингдек ортиқча меҳнат ресурсларига эга бўлган туман ва шаҳарларда жойлашган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига қаратилди; тижорат банклари томонидан 2013 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун жами 336 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

Тўртинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари сабабли 2013 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ялпи ички маҳсулотнинг қарийиб 55,8 фоизини ташкил қилмоқда. Ҳолбуки, 2000 йилда бу кўрсаткич 31,0 фоиз эди. Бундай натижа биринчи навбатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик давлат томонидан доимий қўллаб-қувватланаётгани самарасидир. Бу соҳада банд бўлганлар сонининг жами иккисодиётдаги банд бўлганлар сонига нисбатан улуши бугунги кунга келиб 75,0 фоизгача ошди. Аҳоли даромадларининг 50 фоиздан зиёди тадбиркорлик фаолиятдан тушган даромадлар ҳиссасига тўғри келади.

Бешинчидан, 2012 йил давомида тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига жами 4 трлн. 41 млрд. сўм (ўтган йилга нисбатан 150,2 фоизга кўп) миқдорида кредит, шу жумладан 752 млрд. сўм (ўтган йилга

нисбатан 155 фоизга кўп) микрокредитлар ажратилиб, ушбу маблағлар ҳисобига ҳудудларда 29! 126 та янги иш ўринлари яратилди.

Шу билан бирга, "Микрокредитбанк" томонидан кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва якка тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни фаоллаштириш йўли билан янги иш ўринларини яратиш ҳамда республика қишлоқларида микромолиявий хизматларни кенгайтириш мақсадлари учун 159,7 млрд. сўм миқдоридаги микромолиявий хизматлар кўрсатилиб, 104500 та янги иш ўрни яратилди. Энг муҳими, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибида ҳал қилувчи тармоққа, ижтимоий фаол аҳолимизнинг катта қисмини қамраб олган соҳага айланди. Ҳозирги вақтда — иш билан банд аҳолимизнинг 75 фоиздан ортиғи айнан шу соҳада меҳнат қилаётгани бунинг яққол тасдиғидир.

Юқоридагиларни хаммаси иқтисодиётга, уни бошқариш воситаларига янгича қарашни, унинг назарий ва амалий йўл йуриқларини замон талабига мос ҳолда ишлаб чиқаришни тақозо қилмоқда.

Бугунги кунда тадбиркорликка асосланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда, Чунки улар бозор шароитида ўзгаршиларга, бозор конъюктурасига, талабнинг ўзгаришига тез мослашадиган бўлади. Уларнинг бу жиҳати хўжалик фаолиятини, айниқса маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотишни таҳлил қилишда ўта зийракликни, аниқ ҳисоб-китобларни амалга оширишни талаб қилади.

Ҳозирги иқтисодиёт, айниқса бозор муносабатлари шароитида ҳукм сураётган эркин рақобат, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектининг ишлаб чиқаришга асосий эътибор қаратишини эмас, балки олдин нимани ва қанча сотиб олишни аниқлашини талаб қилади. Корхоналар асосан сотиладиган товарларни ишлаб чиқарса ёки ишлаб чиқарган товарлари (иш, хизматлари) ўз вақтида сотилсагина, уларнинг молиявий аҳволи яхши бўлади, иқтисодий қудрати юксала боради. Шу йўл билан тадбиркорлар ўзларининг яшовчанлигини таъминлайди.

Бозор муносабатлари шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

субъектлари фаолиятига таъсир қилувчи омиллар жуда кўп. Чунки бозорда турли қутилмаган вазиятлар юзага келиши натижасида тадбиркорнинг режаси, кўзда тутган амаллари бузилиб кетиши мумкин. Шу туфайли тадбиркорлик субъектлари фаолиятига таъсир қилувчи барча омилларни икки гуруҳга бўлиш мумкин: ижобий таъсир қилувчи омиллар ва салбий таъсир қилувчи омиллар.

Ижобий таъсир қилувчи омиллар, албатта жуда муҳим омиллар. Шу туфайли ушбу омиллар таҳлили иқтисодий адабиётларда етарлича ёритилган. Тадбиркорни касодга учратадиган, унинг аҳволини оғирлаштирадиган омиллар бу салбий таъсир қиладиган омиллардир. Аммо бундай омиллар иқтисодий адабиётларда кам тадқиқ қилинган. Шу туфайли бундай омилларга алоҳида эътибор қаратишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Ўз навбатида салбий омиллар таъсир доираси бўйича икки гуруҳга бўлинади, яъни ички омиллар ва ташқи омиллар (3.1.2-расм).

3.1.2-расм. Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг самарадорликка таъсир этувчи омиллар³²

³² М.Қ.Пардаев, Ж.И. Исроилов. Хусусий корхоналар фаолияти таҳлилининг назарий ва методологик муаммолари. “Фан ва технология” нашриёти, 2007. Б.82.

3.2. Хизмат соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва самарадорлигини оширишда эркин иқтисодий зоналарни ташкил қилишнинг объектив зурурлиги

Ҳозирги даврда саноати ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда турли мақсадларни кўзлаб эркин иқтисодий зоналар ташкил этилмокда. Эркин иқтисодий зоналарни давлат ҳудудининг муайян натижаларга эришиш мақсадида миллий ва хорижий тадбиркорлар учун иқтисодий фаолиятнинг преференциал шартлари, бошқарувнинг алоҳида режим ва бошқа ташкилий маъмурий тадбирлари жорий этиладиган қисми сифатида таърифлаш мумкин. Бундан ташқари, эркин иқтисодий зоналар чегараларини кенгайтириш ва иқтисодий фаолият шартларини ўзи билан бевосита ва билвосита боғлиқ бўлиб, бошқа хўжалик соҳалари, тармоқлари, ҳудудларга ёйиш лаёқатига эгадир. Уларда қўллиналадиган иқтисодий қоида, махсус маъмурий қонунлар, маълум юридик ва хўжалик режимидан батамом ҳоли қилиб қўймасдан, балки уларни осонлаштиради, тадбиркорликни рағбатлантирадиган имтиёзларни яратади. Давлат ушбу зонанинг ўз аралашуви доирасини қискартиради. Ривожланаётган мамлакатлар учун махсус иқтисодий зоналар узининг ҳудуди жиҳатидан бошқалардан қуйидаги хусусиятлари билан ажралиб туради:

- ишчи хизматчиларининг турмуш даражасининг ишлаб чиқариш салоҳиятига мужассам жойлашганлиги билан кўпроқ тўғри келади;
- ҳозир жаҳонда 4 мингдан ортиқ эркин иқтисодий зоналар мавжуддир.

Улар турли вазифаларни бажариши аниқ мақсад қилиб қўйилган:

«махсус имтиёзлар, барқарор қонуний база ва ташкилий муолажаларни соддалаштириш туфайли хорижий капитални ва илғор технологияларни жалб этиш;

• тайёр маҳсулот экспортини кенгайтириш учун меҳнат тақсимооти афзалликларидан фойдаланиш;

- мамлакат ва минтақа бюджетига валюта тушумининг ўсиши;
- янги иш жойларини яратиш;

- ташкил қилиш, бошқариш ва молиялаш соҳасида жаҳон тажрибасини ўрганиш ва амалиётга жорий этиш ҳисобидан иш кучи малакасини ошириш, Эркин иқтисодий зоналар ишлаб туришини таъминловчи хорижий инвесторлар бир қатор афзалликларга эга бўладилар: имтиёзли солиқлар, миллий бозорга кириш, кам унумли чиқимларни таъминлаш, шу жумладан, арзонроқ иш кучи ҳисобидан қоплаш, пасайтирилган фоииз ставкалари бўйича молиялаш имкони, ерга мулкчилик ҳуқуқи ва ҳоказолар.

Эркин иқтисодий зоналар жаҳон миқёсида миграция қилиб юрган капиталлар учун "қопқон" вазифасини ўтайди. Хорижий капитални миллий иқтисодиётга жалб қилишдан ташқари саноат эркин иқтисодий зоналарини яратилишини уч асосий вазифа билан боғлайдилар:

Биринчидан, саноат экспортини рағбатлантириш ва бунинг асосида валюта маблағларини қўлга киритиш;

Иккинчидан, бандлик даражасини ошириш;

Учинчидан, ҳудудлардан хўжалик юритишнинг янги методларини жорий қилиш учун синов майдони сифатида фойдаланиш.

Ривожланаётган мамлакатларда ҳам эркин иқтисодий зоналар тузишдан мақсад илгари иқтисодий жиҳатдан қолоқ бўлган туманларни ривожланаётган туманларга айлантириш бўлган. Давлат ҳудудида чет эл инвесторларини жалб қилиш, уларнинг фаолият кўрсатишлари учун қулай шароит яратиш йўли билан иқтисодий ривожланишни рағбатлантириш ҳам асосий мақсад ҳисобланади.

Эркин иқтисодий зона - аниқ белгиланган маъмурий чегаралари ва алоҳида тартиботи бўлган махсус ажратилган ҳудуддир.

Эркин иқтисодий зона минтақани жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун мамлакат ва чет эл капиталини, истиқболли технология ва бошқарув тажрибасини жалб этиш мақсадида тузилади.

Эркин иқтисодий зона ҳудудида юридик ва жисмоний шахслар молиявий ва бошқа фаолиятнинг исталган тури билан шуғулланишига йўл қўйилади.

Дунёнинг турли давлатларида эркин иқтисодий зона турлича талқин

қилинади. Масалан, Хитой Халқ Республикасида эркин иқтисодий зона "Эркин денгиз буйи шаҳарлари" (14 та), "Иқтисодий ривожланиш туманлари" деб аталса, Туркияда "Эркин савдо зонаси", Японияда "Технополис", Россияда "Эркин иқтисодий зона", "Эркин тадбиркорлик зонаси", "Эркин савдо зонаси" деб юритилади.

Умуман олганда, эркин иқтисодий зона у ёки бу давлатнинг маълум бир ҳудудий-хўжалик ёки маъмурий-ҳудудий бирликларига нисбатан олиб бориладиган сиёсати билан белгиланади.

Кейинги йилларда дунёнинг кўпгина давлатларида эркин иқтисодий зона кенг тарқалиб бормоқда. 2000 йилнинг бошида 4500 дан ортиқ ҳар хил очиқ иқтисодий зоналар мавжуд бўлган.

Марказий ва Жанубий Америкада, Африка контингентининг бир қисмида, Жанубий-Шарқий Осиёда, Тинч океани минтақаси давлатларида ҳамда Европа давлатлари ҳудудларида очиқ иқтисодий зоналар фаолият кўрсатмоқда.

Эркин иқтисодий зоналарни белгилаш ва тузиш қўйилган мақсадга боғлиқ. Агарда ривожланган давлатларда эркин иқтисодий зоналарни тузишдан мақсад асосан халқаро савдони ривожлантириш бўлса, ривожланаётган давлатларда эса хом ашёни қайта ишлашни ташкил қилиш асосий мақсад ҳисобланади.

Ўзбекистонда 1996 йилда "Эркин иқтисодий зоналар туғрисида" Қонун қабул қилинган. Мазкур қонунда:

- эркин иқтисодий зоналар;
- эркин савдо зоналари;
- эркин ишлаб чиқариш зоналари;
- эркин илмий-техникавий ва бошқа зоналар тарзида тузилиши мумкин деб кўрсатиб қўйилган.

Бу эркин иқтисодий зонани тузиш хусусиятини, унинг мақсад ва вазифаларини белгилашда асосий омил бўлиб ҳисобланган.

МДХ давлатларида эркин иқтисодий зонани тузиш чет эл капиталини жалб

қилишни, янги технологиянинг импортный таъминлайди. Охир оқибатда мамлакат иқтисодий потенциални оширади, унинг дунё хўжалигига тенг ҳуқуқли ҳамкор сифатида интеграциялашувини таъминлайди.

Амалиётда эркин иқтисодий зоналар қуйдаги аниқ принципларга риоя қилган тақдирдагина самарали ишлаши мумкинлиги тасдиқланаяпти:

а) ҳар қандай эркин иқтисодий зона мамлакатнинг мустақил хўжалик бирлиги сифатида тузилиши ва ўз фаолиятини ўз бюджети асосида қуриши лозим;

б) эркин иқтисодий зона бюджетининг даромад қисми қуйдагилардан иборат бўлиши керак:

- эркин иқтисодий зона ҳудудида жойлашган корхона, бирлашма ташкилотлар ва у ҳудудда яшайдиган кишилардан тушадиган солиқлар;

- божхона йиғимлари, мустақил тадбиркорлик фаолиятидан тушадиган тушумлар;

- ҳомийлик маблағлари;

- эркин иқтисодий зона эҳтиёжларига узоқ муддатли кредит шаклида бериладиган давлат бюджети маблағлари;

в) эркин иқтисодий зона давлат томонидан бериладиган субсидияларсиз, дотацияларсиз фаолият кўрсатиши керак;

г) эркин иқтисодий зона ҳудудидан йиғилган барча солиқлар ва бюджетга тўловларни ҳудудий бошқармалар ихтиёрида қондириш лозим. 1990 йилнинг охирларида Ўзбекистон Республикасида Жиззах, Зомин ва Сергелида эркин иқтисодий зона тузиш бўйича лойиҳалар тузилган эди. Улар қатор молиявий, ижтимоий ва техник қийинчиликлар туфайли амалга оширилмади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 02.12.2008 й. N ПФ-4059 Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида

Жаҳон стандартларига жавоб берадиган ва жаҳон бозорларида талаб қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, замонавий юқори

технологияни ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий инвестицияларни, биринчи галда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш бўйича кулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек Навоий вилоятиинг саноат салоҳиятини, ишлаб чиқариш, транспорт-транзит ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ва Навоий вилояти ҳокимлигининг Навоий шаҳри халқаро аэропорти ҳудудида "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зона (кейинги уринларда - ЭИИЗ) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

"Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зона ҳудудида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг асосий йуналиши - замонавий хорижий юқори унумли асбоб-ускуналар ва техника, технологик линиялар ва модуллар, инновация технологияларини жорий этиш ҳисобига юқори технологияли, жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотларни кенг қўламда ишлаб чиқаришдан иборат этиб белгилансин.

2. Белгилаб қўйилсинки

“Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонанинг фаолият кўрсатиш муддати 30 йилни ташкил этади, бу муддат кейинчалик узайтирилиши мумкин;

ЭИИЗ фаолияти давомида унинг ҳудудида алоҳида божхона, валюта ва солиқ режимлари, Ўзбекистон Республикаси норезидент фуқароларининг унинг ҳудудига кириш, ҳудудда бўлиш ва чиқиб кетишнинг, шунингдек улар томонидан меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун рухсатномалар олишнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилади;

-алоҳида ҳуқуқий тартиб, шу жумладан, солиқ валюта ва божхона тартиби факат ЭИИЗ ҳудудида фаолият кўрсатаётган ва ЭИИЗ дирекцияси томонидан руйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар учун амал қилади;

- "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зона фаолиятини мувофиқлаштириш ва тезкор бошқариш тегишли равишда давлат органлари вакилларида ташкил этиладиган Маъмурий кенгаш ва ЭИИЗ дирекцияси

томонидан амалга оширилади. Маъмурий кенгашнинг шахсий таркиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади;

- "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этилган барча ҳудуд ЭИИЗ фаолият кўрсатадиган бутун давр мобайнида фойдаланиш ва бошқариш учун Маъмурий кенгашга берилади;

- "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зона дирекцияси хўжалик юритувчи субъектларга ЭИИЗ ҳудудида ер участкаларини субижарага топшириш, уз ҳуқуқ ва мажбуриятларини ижара шартномаси бўйича бошқа шахсга бериш, ижара ҳуқуқини гаровга қўйиш, уларни улуш сифатида устав капиталига қўшиш ҳуқуқисиз ижарага беради. ЭИИЗ ҳўудудида ер участкаларини сотиш ва бошқача тарзда ўзгага бериш тақиқланади.

3. "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонада рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектлар уларга киритилган тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми куйидагича бўлган тақдирда ер солиғи, мулк солиғи, даромад солиғи, ободончилик ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиқи, ягона солиқ тўлови (кичик корхоналар учун), Республика йўл жамғармаси ва Республика мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига мажбурий тўловлардан озод этилсин:

-3 миллион евродан 10 миллион еврогача - 7 йилга;

-10 миллион евродан 30 миллион еврогача - 10 йилга. Кейинги 5 йил давомида фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови ҳажми амалдаги ставкадан 50 фоиз миқдорида белгиланади;

-30 миллион евродан ортиқ бўлганда - 15 йилга. Кейинги 10 йил давомида фойда сониги ва ягона солиқ тўлови ҳажми амалдаги ставкадан 50 фоиз миқдорида белгиланади.

4. Шундай тартиб белгилансинки, унга кўра ЭИИЗда рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар ЭИИЗ фаолият кўрсатадиган бутун муддатга экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида мамлакатга олиб келинаёган асбоб-ускуналар, шунингдек хом ашё, материаллар ва бутловчи қисмлар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун

йиғимлардан ташқари) озод қилинади.ў

Белгилаб қйилсинки, Ўзбекистоннинг ички бозорларида сотиш учун мўлжалланган маҳсулотни ишлаб чиқариш мақсадида мамлакатга олиб кириладиган хом ашё, материаллар ва бутловчи қисмлар учун божхона тўловлари, агар қонун ҳужжатларида бошқа имтиёзли тартиб кўзда тутилмаган бўлса, белгиланган ставкаларнинг 50 фоизи миқдорида (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) ундирилади, бунда уларни тўлаш муддати 180 кунгача кечиктирилиши мумкин.

Қайд этилган имтиёзлардан фойдаланган ҳолда ЭИИЗ ҳудудига олиб кирилган асбоб-ускуналар, хом ашё, материаллар ва бутловчи қисмлар сотилган ёки бепул берилган тақдирда, божхона тўловлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бюджетга тулиқ ҳажмда ундирилади,

5. "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонада рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектларга қуйидагилар рухсат этилсин:

-улар ўртасида тузилган шартномалар ва контрактлар бўйича ҳисоб-китоб ва тўловларни ЭИИЗ ҳудудида хорижий валютада амалга ошириш;

-Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган бошқа хўжалик юритувчи субъектлар томонидан етказиб берилган товарлар, бажарилган иш ва хизматларнинг ҳақини эркин алмаштириладиган валютада тўлаш;

-экспорт ва импорт қилинадиган товарлар учун ҳақ тўлаш ва ҳисоб-китоб қилишнинг уларга қулай шартлари ва шаклларида фойдаланиш.

6. "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонада рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигининг солиқ туловчилар аҳволини ёмонлаштирувчи ҳужжатлари татбиқ этилмаслиги белгилаб қўйилсин, акциз солиғига тортиладиган товарларнинг солиққа тортилишини тартибга солувчи ҳужжатлар бундан мустасно.

7/ Навоий вилояти ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси "Ергеодезкадастр" давлат кумитаси, Давлат архитектура-қурилиш кумитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо

вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик идора ва хўжалик бирлашмалари билан биргаликда:

-икки ҳафта муддатда Вазирлар Маҳкамасига ЭИИЗни жойлаштириш учун зарур бўлган ер майдони бўйича, унинг чегаралари аниқ кўрсатилган ҳолда, таклифлар киритсин;

-бир ой муддатда, танланган ер участкаси маъқуллангандан кейин, уни эркин индустриал-иқтисодий зона яратиш мақсадида белгиланган тартибда ажратсин, уни зарур кадастр материаллари билан расмийлаштирсин ҳамда ЭИИЗ Маъмурий кенгашига у фаолият кўрсатадиган муддатга фойдаланиш ва бошқариш учун берсин;

-2009 йил 1 мартгача бўлган муддатда мазкур зона ҳудудини барпо этишнинг, шу жумладан, зарур муҳандислик коммуникациялари ва сервис хизматларини ташкил этишнинг дастлабки режасини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин;

-2010 йил 1 январгача бўлган муддатда эркин индустриал-иқтисодий зонанинг Бош режасини ва зарур лойиҳа-смета ҳужжатларини тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

бир ой муддатда "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зона тўғрисидаги низомни тасдиқласин ва унинг фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида қарор қабул қилинсин;

-2009 йил 1 январгача бўлган муддатда Навоий вилоятидаги эркин индустриал-иқтисодий зона фаолиятини тезкор бошқариш ва давлат томонидан тартибга солиш вазифаларини амалга ошириш учун ЭИИЗнинг Маъмурий кенгашини ташкил этсин;

-уч ой муддатда иловага мувофиқ рўйхат бўйича "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зона фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини таъминласин.

9. "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зона Маъмурий кенгашига: Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда танлов асосида, ЭИИЗ дирекцияси сифатида халқаро эътироф этилган бошқарувчи компаниями

танлаш ва унга шартнома асосида ЭИИЗни бошқариш;

-хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар ҳисобига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда унинг фойдаланишида ва бошқарувида бўлган ерлар, бинолар ва иншоотларни ижарага беришдан олинган тушумларнинг бир қисми ҳисобига шакллантириладиган эркин индустриал-иқтисодий зонанинг мустақил бюджетини шакллантириш;

-мустақил бюджет доирасида, маблағлари инфратузилмани ривожлантиришга ва эркин индустриал-иқтисодий зонанинг фаолияти самарадорлигини оширишга йўналтириладиган эркин индустриал-иқтисодий зонани ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш ҳуқуқи берилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Тикланиш ва тараккиёт жамғармаси, зарурат бўлганда, Инвестиция дастурларини шакллантиришда ЭИИЗни ривожлантиришнинг тасдиқланган Бош режасига ва тақдим этилган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ эркин индустриал-иқтисодий зонанинг ишлаб чиқариш инфратузилмасини барпо этишга маблағларни назарда тутсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини назор қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг ПФ-4436
"Ангрен" махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида**

Юқори қўшилган қийматга эга бўлган рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий, юксак технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитларни шакллантириш, шунингдек Тошкент вилоятининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ҳамда самарали фойдаланиш, шу асосда янги иш жойларини яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Тошкент вилояти ҳокимлигининг Тошкент вилоятида "Ангрен" махсус индустриал зонасини (кейинги ўринларда - "Ангрен" МИЗ деб юритилади) 1-иловага мувофиқ ҳудудлар чегаралари доирасида барпо этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси "Йергеодезкадастр" давлат кумитаси Тошкент вилояти ҳокимлиги билан биргаликда бир ой муддатда "Ангрен" махсус индустриал зонаси таркибига киритиладиган ер майдонларининг чегараларини аниқ белгиласин ва ерларнинг тегишли равишда ажратилишини таъминласин.

Белгилаб қўйилсинки, "Ангрен" махсус индустриал зонаси таркибига киритилган ер майдонлари Тошкент вилояти ҳокимлигининг бевосита тасарруфида бўлади.

2. Қуйидагилар "Ангрен" махсус индустриал зонаси фаолиятининг асосий вазибалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

-ички ва жаҳон бозорларида рақобатбардош бўлган юқори қўшилган қийматга эга маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича замонавий, юксак технологияли ишлаб чиқаришларни барпо этиш ва уларнинг самарали фаолият юритиши учун инвестициялар, энг аввало тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш борасида қулай шарт-шароитларни шакллантириш;

-махсус индустриал зонага кирувчи минтақанинг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш, минерал-хом

ашё ресурсларини янада чуқурроқ қайта ишлаш бўйича янги ишлаб чиқаришларни барпо этиш;

-махсус индустриал зона ва умуман республика корхоналари ўртасида мустаҳкам кооперацион алоқалар ўрнатиш ҳамда саноат кооперациясини ривожлантириш асосида маҳаллий хомашё ва материаллар негизида юксак технологияли маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш;

-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш ҳамда самарали фойдаланиш, "Ангрен" логистика маркази салоҳиятини, юкларни автомобил ва контейнерларда ташиш борасида яратилган тизимни янада ривожлантириш ҳамда улардан кенг қўламда фойдаланишни таъминлаш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

- "Ангрен" махсус индустриал зонасининг фаолият юритиш муддати 30 йилни ташкил этади ва бу муддат кейинчалик узайтирилиши мумкин;

- "Ангрен" МИЗ фаолият юритадиган муддат мобайнида унинг ҳудудида махсус солиқ тартиби ва божхона имтиёзлари амал қилади;

- "Ангрен" МИЗ қатнашчиси мақоми "Ангрен" махсус индустриал зонаси Маъмурий кенгашининг қарори билан берилади.

4. "Ангрен" махсус индустриал зонасининг Маъмурий кенгаши 2-иловага мувофиқ таркибда ташкил қилинсин.

- "Ангрен" махсус индустриал зонаси Маъмурий кенгашининг асосий вазибалари ва функциялари қуйидагилардан иборат деб ҳисоблансин: корхоналарга "Ангрен" МИЗ қатнашчиси мақомини бериш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

- "Ангрен" МИЗда лойиҳаларни амалга ошириш учун масъул бўлган вазирликлар ва идораларнинг, хўжалик бирлашмаларининг лойиҳа, тендер ва контракт ҳужжатларини уз вақтида тайёрлаш ҳамда уларнинг экспертизасини ўтказиш борасидаги ишларини, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг "Ангрен" МИЗ фаолияти билан боғлиқ, масалалардаги

ишларини мувофиқлаштириш;

-ишламаётган корхоналарни ва давлат эгалигидаги мол-мулкни "Ангрен" МИЗ қатнашчиларига нолга тенг харид киймати бўйича сотиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

- "Ангрен" МИЗнинг самарали фаолият юритишини ташкил қилиш, "Ангрен" МИЗ Дирекциясини шакллантириш ва унинг фаолияти устидан назорат олиб бориш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.

5. "Ангрен" махсус индустриал зонаси қатнашчилари:

юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, уларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлашдан, кичик корхоналар учун ягона. солиқ тўлови, шунингдек Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан;

-республикада ишлаб чиқарилмайдиган, лойиҳаларни амалга ошириш тўғрисида "Ангрен" МИЗ ҳудудига Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган руйхатлар бўйича олиб кириладиган ускуналар, бутловчи буюмлар ва материаллар бож тўловлари (божхона йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, юқорида кўрсатиб утилган имтиёзлар киритилган инвестицияларнинг ҳажмига қараб 3 йилдан 7 йилгача муддатга берилади, шу жумладан эквиваленти:

-300 минг АҚШ долларида 3 миллион АҚШ доллари гача бўлганда – 3 йил муддатга;

-3 миллион АҚШ долларида ортиб 10 миллион АҚШ доллари гача бўлганда 5 йил муддатга;

-10 миллион АҚШ долларида ортиқ бўлганда - 7 йил муддатга берилади.

6.Ташкент вилояти ҳокимлиги "Ангрен" махсус индустриал зонанинг Маъмурий кенгаши қарорлари бўйича белгиланган тартибда "Ангрен" МИЗда лойиҳаларни амалга оширувчи инвесторлар учун қуйидагиларни таъминласин:

-биринчи навбатда собиқ саноат зоналарининг фойдаланилмаётган ҳудудларида корхоналар қуриш учун ер майдонларини ўз вақтида ажратиш; муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси тармоқларига уланиш учун барча зарур рухсатномаларни "бир дарча" тамойили асосида бериш.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ "Ангрен" МИЗда қатнашувчи хўжалик юритувчи субъектлар учун "Ўзбекенерго" ДАҚ "Ўзтрансгаз" АҚ Тошкент вилояти ҳокимлиги бўлинмалари ва бошқа муҳандислик-коммуникация хизматларини етказиб берувчилар коммуникацияларни ишлаб чиқариш майдончаларига туташтирган ҳолда қафолатли уланишини таъминлайдилар.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси "Ўзбекенерго" ДАҚ "Ўзтрансгаз" АҚ "Ўзавтойўл" АҚ "Ўзбекистон темир йўллари" ДАҚ "Ўзкоммунахизмат" агенглиги, Тошкент вилояти ҳокимлиги билан биргаликда уч ой муддатда "Ангрен" махсус индустриал зонаси ҳудудида транспорт, ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш дастурини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда "Ангрен" МИЗ Дирекциясини ташкил этиш ва "Ангрен" махсус индустриал зонаси фаолиятини ташкил ЗТНУЛ бўйича қарор қабул қилсин, унда "Ангрен" махсус индустриал зонаси тўғрисидаги Низом ҳамда "Ангрен" махсус индустриал зонаси Маъмурий кенгаши ҳақидаги Низомни тасдиқдаш назарда тутилсин. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони "Жиззах" махсус индустриал зонаснни барпо этиш тўғрисида

Юқори қўшилган қийматга эга бўлган рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий, юксак технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитларни шакллантириш, Жиззах ва Сирдарё" вилоятларининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ҳамда самарали фойдаланиш, шу асосда янги иш жойларини яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш мақсадида, шунингдек Ўзбекистонда ўзбек-хитой саноат паркини барпо этиш лойиҳасини амалга ошириш бўйича ўзаро англашув тўғрисидаги меморандумга мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ҳокимлигининг Жиззах вилоятида Сирдарё вилоятининг Сирдарё туманида филиали бўлган "Жиззах" махсус индустриал зонасини (кейинги ўринларда -- "Жиззах" МИЗ деб юритилади) 1-иловага мувофиқ ҳудудлар чегаралари доирасида барпо этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси "Ергеодезкадастр" давлат кўмитаси Жиззат ва Сирдарё вилоятлари ҳокимлиги билан биргаликда бир ой муддатда "Жиззах" МИЗ таркибига киритиладиган ер майдонларининг чегараларини аниқ белгиласин ва ерларнинг тегишли равишда ажратилишини таъминласин.

Белгилаб қўйилсинки, "Жиззах" МИЗ таркибига киритилган ер майдонлари Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ҳокимлигининг бевосита тасарруфида бўлади ҳамда "Жиззах" МИЗ Маъмурий кенгаши билан келишилган ҳолда ажратилади.

2. Қуйидагилар "Жиззах" МИЗ фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

-ички ва ташқи бозорларда рақоботбардош бўлган юқори қўшилган қийматга эга маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича замонавий, юксак

технологияли ва инновацион ишлаб чиқаришларни барпо этиш ва уларнинг самарали фаолият юритиши учун тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш;

-махсус индустриал зонага кирувчи минтақаларнинг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш, минерал-хом ашё ресурсларини ва қишлоқ хўжалик хом ашёсини чуқур қайта ишлаш бўйича янги ишлаб чиқаришларни барпо этиш;

-махсус индустриал зона ва умумий республика корхоналари ўртасида мустаҳкам кооперацион алоқалар ўрнатиш ҳамда саноат кооперациясини ривожлантириш асосида маҳаллий хом ашё ва материаллар негизида юксак технологияли маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш;

- "Жиззах" МИЗ ҳудудида транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожланишини ва улардан самарали фойдаланишини таъминлаш.

3. Белгилаб қўйилсинки, "Жиззах" МИЗнинг фаолият юритиш муддати 30 йилни ташкил этади ва бу муддат кейинчалик узайтирилиши мумкин;

- "Жиззах" МИЗ фаолият юритадиган муддат мобайнида унинг ҳудудида махсус солиқ тартиби ва божхона имтиёзлари амал қилади;

- "Жиззах" МИЗ қатнашчиси мақоми "Жиззах" махсус индустриал зонаси Маъмурий кенгашининг қарори билан берилади.

4. "Жиззах" махсус индустриал зонасининг Маъмурий кенгаши 2-иловага мувофиқ таркибда ташкил қилинсин.

- "Жиззах" махсус индустриал зонаси Маъмурий кенгашининг асосий вазифалари ва функциялари қуйидагилардан иборат этиб белгилансин:

- корхоналарга "Жиззах" махсус индустриал зона қатнашчиси мақоми бериш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

- "Жиззах" махсус индустриал зонасида лойиҳаларни амалга ошириш учун масъул бўлган вазирликлар ва идораларнинг, хўжалик бирлашмаларининг лойиҳа, тендер ва контракт ҳужжатларини ўз вақтида

тайёрлаш ҳамда уларнинг экспертизасини ўтказиш борасидаги ишларини, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг "Жиззах" махсус индустриал зона фаолияти билан боғлиқ масалалардаги ишларини мувофиқлаштириш;

- ишламаётган корхоналарни ва давлат эгалигидаги мол-мулкни "Жиззах" МИЗ қатнашчиларига нолга тенг харид қиймати бўйича сотиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

- "Жиззах" махсус индустриал зонанинг самарали фаолият юритишини ташкил қилиш, "Жиззах" МИЗ Дирекциясини шакллантириш ва унинг фаолияти устидан назорат олиб бориш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш,

5. "Жиззах" махсус индустриал зонаси қатнашчилари:

- юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, уларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлашдан, кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови, шунингдек Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан;

- республикада ишлаб чиқарилмайдиган, лойиҳаларни амалга ошириш доирасида "Жиззах" МИЗ ҳудудига Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича олиб кириладиган ускуналар, бутловчи буюмлар ва материаллар бож тўловлари (божхона йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилинсин.

Белгилаб кўйилсинки, юқорида кўрсатиб ўтилган имтиёзлар киритилган инвестицияларнинг ҳажмига қараб 3 йилдан 7 йилгача муддатга берилади, шу жумладан, эквиваленти:

- 300 минг *АҚШ* долларида 3 миллион *АҚШ* доллариғача бўлганда - 3 йил муддатга;

- 3 миллион *АҚШ*. долларида ортиб 10 миллион *АҚШ* доллариғача бўлганда - 5 йил муддатга;

- 10 миллион *АҚШ* долларида ортиқ бўлганда — 7 йил муддатга берилади.

6. Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ҳокимлиги "Жиззах" махсус индустриал зонанинг Маъмурий кенгаши қарорлари бўйича белгиланган тартибда "Жиззах" МИЗ да лойиҳаларни амалга оширувчи инвесторлар учун қуйидагиларни таъминласин:

- биринчи навбатда, собиқ саноат зоналарининг фойдаланилмаётган ҳудудларида корхоналар қуриш учун ер майдонларини уз вақтида ажратиш;
- муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси тармоқларига уланиш учун барча зарур рухсатномаларни "бир дарча" тамойили асосида бериш.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ "Жиззах" МИЗда қатнашувчи хўжалик юритувчи субъектлар учун "Ўзбекэнерго" ДАҚ "Ўзтрансгаз" АҚ Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ҳокимлиги бўлинмалари ва бошқа муҳандислик-коммуникация хизматларини етказиб берувчилар коммуникацияларни ишлаб чиқариш майдончаларига туташтирган ҳолда қафолатли уланишини таъминлайдилар.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Жиззах" МИЗга ажратиладиган ҳудудларга бюджет маблағлари бошқа ички молиялаш манбалари ҳисобидан ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш, модернизациялаш ва янада ривожлантиришни таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси "Ўзбекэнерго" ДАҚ "Ўзтрансгаз" АҚ "Ўзкоммунахизмат" агентлиги, "Ўзавтойўл" АҚ "Ўзбекистон темир йўллари" ДАҚ Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ҳокимлиги билан биргаликда уч ой муддатда "Жиззах" махсус индустриал зонаси ҳудудида транспорт, ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш дастурини ишлаб қиксин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда "Жиззах" МИЗ Дирекциясини ташкил этсин ва "Жиззах" махсус индустриал зонаси фаолиятини ташкил этиш бўйича қарор қабул қилсин, унда "Жиззах" махсус

индустриал зонаси тўғрисидаги Низом ҳамда "Жиззах" махсус индустриал зонаси Маъмурий кенгаши ҳақидаги Низомни тасдиқлаш назарда тутилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг Вазирлик таркибидаги Хорижий инвестицияларни жалб этиш бошқармасининг Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими ходимлари сонини 2 нафар штат бирлигига ошириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин. Бизнинг фикримизча, жаҳон стандартларига жавоб берадиган ва жаҳон бозорларида талаб қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, замонавий юқори тсхнологяли ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ташкил этиш учун хорижий инвестицияларни, биринчи галда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш.

3.3. Хизмат соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик самарадорлиги ошириш йуллари

Бозор муносабатлари ривожланиши жараёнида иқтисодий соҳалари ва тармоқларида фаолият юритувчи субъектларнинг самарадорлигини ошириш иқтисодий барқарорлик ва тараққиётнинг асосини яратади.

Хизмат кўрсатиш корхоналарида умумий самарадорлик таркибида иқтисодий самарадорлик муҳим аҳамиятга эга.

Иқтисодий самара ишлаб чиқариш жараёнида яратилган иқтисодий неъматлар ҳажми билан ифодаланади. Иқтисодий самарадорлиқнинг мезони харажатлар билан эришилган иқтисодий неъматлар муносабатидир. Ишлаб чиқариш жараёнида зарур омиллар (ер, капитал, меҳнат, тадбиркорлик ахборотлар) сарфланади ва унинг натижасида маълум миқдордаги неъматлар яратилади.

Бизнинг фикримизча самарадорлиқни баҳолаш учун ресурс-сарф ёндашувидан фойдаланишнинг назарий ва таҳлилий тадқиқотини олиб бориб, ушбу ёндашувнинг чекланганлигини асослаган эдик. Бу айниқса, соф хизматларни (инерт-индивудал хизматларни) кўрсатишда меҳнат унумдорлиги ва фондлар қайтими пастлиги ишлаб чиқариш омиллари ҳисобланган меҳнат ёки капиталдан унумсиз фойдаланиш натижасида эмас, балки мазкур хизматларда меҳнат сарфлари салмоғининг юқорилиги билан тавсифланади. Бундан шуддай хулоса қилиш мумкинки, хизматнинг баъзи турларида (инерт индивидуал ва асимптотик инерт шахсиз хизматларда) фаолият самарадорлигини объектив ифодалаш учун мақсадга мувофиқ ёндашувдан фойдаланиш лозим.

Инерт индивидуал ва асимптотик инерт шахсиз хизмат категорияларида самарадорлиқни баҳолашнинг методик асосларини ишлаб чиқишга қаратилган. Ушбу методик асослардан фойдаланиш, биринчидан, хизмат кўрсатиш фаолиятида ресурс-сарф ёндашувидан фойдаланиш чекланган хизмат турлари самарадорлигини объектив тарзда баҳолаш имконини беради. Иккинчидан, самарадорлиқни баҳолаш жараёнида фойдаланилган методик

кўрсаткичлар хизмат кўрсатилаётган хужалик субъектлари самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Шуни этироф этиш жоизки, самарадорликни ҳисоблаш учун зарур бўлган кўрсаткичларсиз, уни баҳолашнинг методик асосларини ишлаб чиқиб бўлмайди. Аммо мазкур ҳолда самарадорликни аниқлашнинг кўплаб кўрсаткичлари мавжуд бўлган бир вақтда улардан энг мақбулини танлаб олиш муаммоси юзага келади.

Бизнинг фикримизча, хизмат кўрсатиш фаолияти самарадорлигини баҳолаш учун реал иқтисодий ҳолатни туғри ва аниқ баҳолай оладиган иқтисодий кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

М.Хаммернинг фикрича, "бизнес назариясида ҳар хил кўрсаткичлар ўлчови бошқарувнинг муҳим воситаси ҳисобланади"³³. Унинг фикрича, улар асосида корхонани бошқариш бўйича муҳим қарашларни қабул қилиш мумкин. Аммо реал иқтисодий ҳаётда корхонанинг назорат кўрсаткичлари тизими ўз таркибига кўплаб кераксиз муълумотларни қамраб олади. М.Хаммернинг фикри самарадорликни ҳисоблашда ўз тасдиғини топмоқда.

Ўз навбатида, хизмат кўрсатиш фаолиятини тадқиқ қилаётган хизматларда, янги инерт-индивидуал ва асимптотик инерт хизмат турлари хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, уларнинг ҳар бирига алоҳида самарадорлик кўрсаткичларини қўллаш зарурлигини таъкидлашимиз мумкин. Ушбу ҳолатда зарур бўлган самарадорлик кўрсаткичлари тизими асосланмаган ва кам қўлланиладиган кўрсаткичларга асосланмаслиги лозим. Шунинг учун ҳам самарадорликни назорат кўрсаткичлари таҳлил қилинаётган хўжалик субъектлари фаолият натижалари ҳар томонлама ўрганилиб, кўрсаткичлар белгиланиши зарур. Бундай ҳолда ҳисоблаб чиқилган кўрсаткичларнинг қониқарсизлигига асосланиб, корхона фаолияти учун муқобил бўлган қарорларни қабул қилиш мумкинки, оқибатда хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарнинг самарадорлиги таъминланади.

Мақсадга мувофиқ ёндашув нуктаи назаридан самарадорликни ички ва ташқи самарадорлик кўрсаткичларига ажратиш мумкин.

Бизнинг фикримизча, мақсадга йўналтирилганлиги нуқтаи назардан самарадорлик кўрсаткичини ҳисоблаш формуласи аниқ мақсадга қаратилган, аммо ички, ташқи самарадорлик тўғри, аниқ бўлиши лозимки, шу ҳолда аниқ хизмат кўрсатилаётган субъектлар доирасида самарадорлик мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу ҳолат инерт-индивидуал ва асимптотик инерт шахссиз хизмат билан шуғулланувчи хўжалик юритувчилар ишлаб чиқариш фаолияти хусусиятларига боғлиқ, Шунинг учун ҳам самарадорликни ҳисоблаш учун универсал кўрсаткичларни ишлаб чиқиш ва таҳлил этиш мақсадга мувофиқ эмас. Шу билан бирга, юқорида таклиф этилган усуллардан энг зарурини танлаш хизмат кўрсатувчи корхоналар фаолияти манфаатларини ифодалайди ҳамда хизматлар кўрсатилаётган хўжалик субъектлари нуқтаи назаридан эса хизматлар самарадорлигини баҳолаш уларнинг фаолияти хусусиятларидан келиб чиқади. Бу ички ва мақсадли (стандарт, эталон, оптимал) маълумотларни таққослаш, умумий самарадорлик кўрсаткичи орқали амалга оширилади. Умумий самарадорлик кўрсаткичи эса кўрсатиладиган хизматлар бўйича ички ва ташқи самарадорлик кўрсаткичларидан иборат бўлади. Илгари сурилган таклифлар туғрилиги шундаки, инерт-индивидуал хизмат кўрсатиш ва асимптотик инерт шахссиз хизматлар категориясига тегишли сервис фаолиятининг ҳар бири ўзларининг индивидуал маълумотлари асосида самарадорлик кўрсаткичини корхона миқёсида ишлаб чиқади. Буни аниқ мисол асосида ҳам кўриб чиқиш мумкин.

Бизнинг фикримизча, сервис фаолияти билан шуғулланаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари самарадорлигини баҳолашда, уларнинг ички, ташқи ва умумий самарадорлигини тулиқроқ ифодалайдиган маълумотлардан (статистик материаллардан) танлаш асосида фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Шундай қилиб, самарадорлик кўрсаткичлари бир хиллигини эътиборга олиб, инерт индивидуал ва асимптотик инерт шахссиз хизмат категорияларида ички, ташқи ва умумий самарадорликни ҳисоблаш учун зарур бўлган маълумотларни қуйидаги тарзда ифодалаш мумкин (3.3.1-жадвал).

Яна шуни таъкидлаш жоизки, сервис фаолиятининг ички ва ташқи • самарадорлик кўрсаткичларини ҳисоблаш учун келтирилган маълумотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган субъектлар хўжалик натижаларини тулиқ ва абсолют-аниқ ифодалайди деган хулосани қилмайди. Уларда фақат самарадорлик кўрсаткичларини ҳисоблашда фойдаланиладиган манбалар (маълумотлар) келтирилган.

Фикримизча, улардан фойдаланиш ресурс-сарф ёндашувидан фойдаланишга нисбатан мақсадга мувофиқ ва кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари самарадорлигини баҳолашда унумлироқ бўлади.

3.3.1. жадвал

Инерт индивидуал ва асимптотик инерт шахсиз хизмат категорияларида ички ва ташқи самарадорликни ҳисоблаш учун зарур бўлган ахборотлар

Кўрсаткич гуруҳлари	Киритилганларни ҳисоблаш маълумотлари	
	Ички самарадорлик	Ташқи самарадорлик
Ишлаб чиқариш	Ялпи сарфлар Меҳнат сарфлари Капитал сарфлар Материал сарфлар Энергия сарфлари Бошқа сарфлар	Хизмат қилиш (барча фаолият турлари бўйича ялпи қўшилган қиймат), рентабеллик, фойда. Товар айланмаси
Маркетинг	Маркетинг учун сарфлар, сифатни яхшилашга сарфлар, маркетинг комплекси учун сарфлар, жумладан: -баҳо сифати учун сарфлар; -товар сиёсати учун сарфлар; -имкониятни ошириш учун сарфлар; -хизматлар муҳитини яхшилаш ва таъминлаш	Истеъмолчиларнинг қониқиши, бозор улуши, бозорнинг ўсиш даражасини хизмат кўрсатиш сифати, нарх сиёсати натижаси, сотиш сиёсати натижаси, хизмат кўрсатиш вақти, имкониятни ошириш натижаси, истеъмолчиларнинг бефарқлик , даражаси, истеъмолчиларнинг

	учун сарфлар; -ички маркетинг учун сарфлар	ахборотлар билан таъминланганлиги, сотиш ҳажми
Ташкилий	Ходимлар малакасини ошириш учун сарфлар, техник таъминот сарфлари, илмий-техник янгиликлар учун сарфлар	Ходимнинг қониқиши, бошқарув сифати, техник таъминот даражаси, илмий техник янгиликлар натижаси

Изоҳ: Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

3.3.1 -жадвалда келтирилган зарурий маълумотларни ишлаб чиқариш, маркетинг ва ташкилий йўналишлар бўйича самарадорлик кўрсаткичларини мос равишда уч гуруҳга ажратиш мумкин. Бизнинг фикримизча, келтирилган маълумотлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини уч йўналиш бўйича, яъни ишлаб чиқариш, маркетинг ва ташкилий йўналишлар бўйича самарадорлигини нафақат комплекс баҳолаш мумкин, балки сервис фаолиятини ички ва ташқи муҳит, яъни ишлаб чиқарувчи, истеъмолчи ва персонал нуқтаи назардан баҳолаш мумкин. Шунингдек, келтирилган маълумотлар (кўрсаткичлар гуруҳи) кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи субъектлар ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий, ҳам ижтимоий-иқтисодий самарадорликни баҳолашга имконият беради.

Қуйида келтирилган кўрсаткичлар гуруҳларини тўлиқроқ қараб чиқишга ҳаракат қиламиз.

Ишлаб чиқариш кўрсаткичлари. Ички ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсаткичлари ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) омилларидан самарали фойдаланишни ифодалайди. Ушбу кўрсаткичларни ҳисоблаш, бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчиларнинг жами омилларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш учун ҳамда унинг алоҳида омиллари, яъни меҳнат, натижа, моддий омиллар самарадорлигини баҳолаш учун фойдаланса бўлади. Яна шунини эътироф этиш жозки, ишлаб чиқариш

омилларининг ички ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсаткичлари ҳам қиймат, ҳам натурал кўринишда бўлиши мумкин.

Ташқи ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсаткичлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти натижалари самарадорлигини ифодалайди. Олдинги гуруҳ кўрсаткичлари сингари ушбу курсаткичлар ҳам қиймат (кўшилган қиймат, фойда) ва натурал (ишлаб чиқариш ёки хизмат ҳажми) кўринишда бўлиши мумкин. Ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) ички ва ташқи самарадорлиги кўрсаткичини ҳисоблаш орқали олинган натижа умумий ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсаткичини ҳисоблаш учун муҳим аҳамият касб этади. Ички ишлаб чиқариш самарадорлиги ишлаб чиқаришнинг барча омилларидан фойдаланишни ўзида ифодаласа, ташқи ишлаб чиқариш самарадорлиги эса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи субъект томонидан эркин ҳолда танланади ва ўз фаолияти натижасига ташқи таъсирни ўрганади.

Маркетинг кўрсаткичлари. Маркетинг самарадорлиги кўрсаткичлари гуруҳининг зарурлиги хизматларнинг ўзига хос хусусиятлари билан тавсифланади. Бу хусусиятлар инерт-индивидуал ва асимптотик инерт шахсиз хизмат кўрсатишдаги иштироки жараёнида хизматларнинг гетерогенлиги (хизматларнинг сезилмаслиги) кабиларда намоён бўлади

Маркетинг кўрсаткичлари гуруҳи кўпроқ истеъмолчиларнинг субъектив баҳоларига ва уларнинг кўрсатилаётган хизматларни қабул қилиши омилларига боғлиқ.

Танланган маълумотлар асосида ички самарадорликнинг маркетинг кўрсаткичларини маркетинг тадбирларига жами сарфлар нисбатида ҳам ёки маркетинг комплекс элементлари бўйича, яъни товар нархи, сотиш, имкониятини ошириш ва бошқа элементлар бўйича ҳам ҳисоблаш мумкин.

Ички самарадорликнинг маркетинг курсаткичлари маълумотлари фақат қиймат кўринишида ҳисобланади. Шу билан биргаликда, ташқи самарадорликнинг маркетинг кўрсаткичларини ҳисоблаш учун маълумотлар сифат таснифига эга (истеъмолчиларнинг қониқиши, маҳсулот ва хизмат

сифати, рақобатбардошлиги ва бошқалар) ва индекс ёки коэффициентда ифодаланади. Баъзи ҳолларда ушбу кўрсаткичда қиймат ифодаси ҳам фойдаланилади (масалан сотиш ҳажми). Ўз навбатида самарадорликнинг маркетинг кўрсаткичларини ҳисоблашдан олдин хизмат кўрсатилаётган субъектларнинг устувор фаолият йўналишини ва унга мос равишда маркетинг самарадорлигининг ички ва ташқи кўрсаткичларини аниқлаб олиш зарур.

Умумий маркетинг самарадорлиги кўрсаткичи умумий ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсаткичи каби ҳисобланади.

Ташкилий кўрсаткичлар. кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг самарадорлигини ушбу кўрсаткичлар гуруҳидан фойдаланиш зарурлиги, дастлаб маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқариш (яратиш) ва истеъмол қилишда персоналнинг ўзига хос аҳамияти билан ифодаланади.

Хизмат кўрсатишнинг итерфаол жараёни ва хизматларнинг уларни яратувчилар билан узвий боғлиқлиги инерт индивидуал ва асимптотик инерт шахсиз хизмат категориялари аниқ фарқланувчи хусусиятларидир. Шу сабабли ташкилий самарадорлик кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи субъектлар умумий самарадорлигига сезиларли таъсир кўрсатади. Ташкилий самарадорлик кўрсаткичлари олдин таъкидланган гуруҳлар кўрсаткичлари каби олдиндан аниқланган маълумотларга асосланган ҳолда тузилади ва ички самарадорликни ҳамда ташқи самарадорликни (маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар жараёнида ташкилий ва технологиядан фойдаланишдан олинган самара, бошқарув сифати, яъни бошқарув тизимининг ялпи талабини бошқарув жараёнининг барча буғинларига мос келиши даражаси) ҳисоблаш имконини беради. Умумий ташкилий самарадорлик кўрсаткичи кўпроқ аҳамиятга эга бўлган ички ва ташқи самарадорлик кўрсаткичларини қўйиш йўли билан ҳисобланади.

Юқорида келтирилган фикрлардан хулоса қилишимиз мумкинки, тадқиқ этилаётган хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг хусусиятларига боғлиқ ҳолда, самарадорликни баҳолаш

кўрсаткичлари ҳар хил бўлиши мумкин. Бунда бир қатор ҳолатларни, зарурий шартларни алоҳида таъкидлаш лозим:

Биринчидан, юқорида келтирилган маълумотлардан фойдаланиш микродаражада кўпроқ натижа беради, чунки микродаражада сервис фаолияти натижалари ва сарфлари тўғрисида тулиқроқ ахборотга эга бўлиш имконияти бор.

Шунингдек микродаражада, тадқиқ этилаётган хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига барча омиллар таъсир даражасини белгилаш ва аниқлаш мумкин.

Иккинчидан, таклиф қилинган комплекс ёндашувдан мулк шакллари ва фаолият йўналиши турлича бўлган хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти субъектлари самарадорлигини баҳолаш учун фойдаланиш мумкин, Бир сўз билан айтганда таклиф этилган комплекс ёндашув барча хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини баҳолаш имконини беради.

Учинчидан, таклиф қилинаётган комплекс ёндашув доирасида хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини ҳисоблашда ҳақиқий ва мақсадли маълумотларни таққослаш ишлаб чиқаришни режалаштириш муаммосини ечишни тақозо қилади. Ҳозирги вақтда бу муаммо кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун ўта долзарб муаммо ҳисобланади. Бизнинг фикримизча, инерт индивидуал ва асимптотик инерт шахсиз хизмат категорияларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини баҳолаш учун ишлаб чиқаришни режалаштириш ва стандартлаштиришни олиб бориш янада кўпроқ натижа бериши мумкин. Шунингдек, ишлаб чиқариш мезонлари корхона бизнес режасини (ёки маркетинг режаси, фирма ичида бошқа лойиҳаларни амалга оширишда) амалга ошириш самарадорлигини баҳолаш учун ҳам фойдалидир.

Туртинчидан, инерт индивидуал ва асимптотик инерт шахсиз хизмат категорияларига тегишли хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти

хусусиятлари самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичларини шакллантириш ва танлашда ўзига хос ёндашувини талаб этади.

Беинчидан, хўжалик юритувчи субъектнинг умумий самарадорлигини таснифлаш учун иқтисодчи умумий самарадорлик кўрсаткичини ҳисоблаш учун мустақил қарорни қабул қилиши керак. Қабул қилинган қарор ишлаб чиқариш, маркетинг ва ташкилий умумий самарадорлик кўрсаткичларининг ўртача миқдорини ҳисоблашнинг ҳам имконини бериши лозим.

Корхонада самарадорликни ошириш имкониятлари мавжуд бўлиб бу имкониятлар бизнинг назаримизда қуйидагилардан иборат:

1.Юридик ва жисмоний шахс мақомига эга бўлган истемолчиларга кўчма хизматларни ташкил этиш. Бу корхонанинг қўшимча хизматларидан келадиган даромадларининг ҳиссасини ортишига олиб келади;

2.Хизмат турларини ишчи ходимларнинг мутахассислиги бўйича ихтисослаштириш. Бу аниқ иш вақтида бажарилаётган иш ҳажмининг ортиши, ходимларнинг ихтисослашиши натижасида малака кўникмаларининг кўтарилишига олиб келади;

3.Хизмат кўрсатиш шаҳобчаларини минтақа бўйлаб кенгайтириш. Бу корхонага бутун вилоятдаги истемолчиларни қамраб олади. |

ХУЛОСА

Хизмат соҳаси корхоналарида самарадорликни оширишнинг мазмуни, уларни ривожлантиришнинг назарий ва ҳуқуқий масалалари, мамлакатимиз иқтисодиётида тутган ўрни ва шу соҳа самарадорлигини оширишнинг объектив зарурлигини атрофлича ўрганиш қуйидаги хулосаларга олиб келди ва улар асосида тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш имконини берди.

1. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга мамлакатимизда устувор вазифалардан бири сифатида қаралиши туфайли 2005-2009 йилларда улар фаолиятини тартибга солиш, давлат аралашувини чеклаш, турли маъмурий тусиқларни олиб ташлаш ва уларнинг самарали ишлашларини таъминлаш мақсадида Республика Президенти томонидан кўплаб Фармонлар ва қарорлар қабул қилиниши ушбу соҳа мамлакатимиз раҳбариятининг доимий эътиборида эканлигидан далолат беради. Бу ҳолат мазкур соҳанинг назарий ва амалий муаммоларини урганиш ва уларни ҳал қилиш йулларини ишлаб чиқишни таққозо этади. Аммо иқтисодий адабиётларда хизмат кўрсатиш соҳасининг назарий масалалари, унинг самарадорлигини ошириш йуллари жуда кам ўрганилган.

2. Хизмат соҳаси бўйича мавжуд адабиётларни назарий жиҳатдан ўрганиб, хизмат ва хизмат кўрсатиш тушунчаларининг такомиллашган таърифи ишлаб чиқилди. Хизмат жараёни бир вақтнинг ўзида ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий соҳа сифатида қаралди ва унинг иқтисодий соҳа сифатида мамлакат ялпи ички маҳсулотини яратишдаги иштироки очиб берилган бўлса, ижтимоий соҳа сифатида унинг инсонлар ҳаётини яхшилаш ва яшашини қулайлаштиришга қаратилганлиги асосланди. Хизматнинг таърифидан келиб чиқиб, уларни бир қанча гуруҳларга бўлиш лозимлиги асосланди. Хизмат кўрсатиш соҳасининг хусусиятлари, бозор муносабатлари ва мамлакатимизнинг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир гуруҳнинг мазмуни очиб берилди.

3. Хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорликни ривожлантириш иқтисодий эркинлаштиришнинг асосий шarti ва омилидир. Бунга эришиш учун мамлакатимизда рақобат ва бизнес муҳити яратилган бўлиши лозимлигидан келиб чиқиб, ишда рақобат ва бизнес муҳитининг такомиллашган таърифлари ишлаб чиқилди.

4. Тадқиқотлар натижасида мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган бизнес мактаблари ва касб-ҳунар коллежларида алоҳида мутахассислар (менежерлар, маркетинглар, ҳуқуқшунослар, иқтисодчилар каби) эмас, балки соҳалар бўйича, хусусан, хизмат соҳасида шуғулланадиган тадбиркорлар (уй хўжалиги тадбиркори, фермер хўжалиги тадбиркори, деҳқон хўжалиги тадбиркори, мева ва сабзавотларни қайта ишлаш тадбиркори, хизмат соҳаси тадбиркори каби) тайёрлаш лозимлиги асосланди,

5. Ишда хизмат кўрсатиш соҳасининг иқтисодийда тутган ўрни ва унинг келажакдаги ривожланиш истиқболи кўрсатилди. Ушбу соҳа нафақат иқтисодийимизнинг юксалишини таъминлашда, балки мамлакатимиз учун ниҳоятда муҳим бўлган бандлик муаммоси ва аҳоли даромадларини ошириш масалаларини ҳал этишда ҳам етакчи ўрин эгаллаётганлиги кўрсатиб ўтилди, ҳамда келажакда мазкур соҳа улушининг ошиб бориши назарий жиҳатдан асосланди.

6. Мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни амалга оширишда муайян тажрибага эришилган бўлсада, хизмат кўрсатиш билан боғлиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга дойр бир қанча мавжуд муаммоларни ҳал қилиш йўллари асосланди. Жумладан, иқтисодийда давлат монополиясининг ҳар қандай шаклларини максимал даражада чеклаш, иқтисодийнинг барча бўғинларига эркинлик бериш; тадбиркорлик фаолиятини текширувчи идораларнинг мувофиқлаштирилган фаолиятини янада такомиллаштириш, бу ўринда аудиторлик фаолиятини кучайтириш, уларнинг

масъулиятини ошириш, ваколатларини кенгайтириш; мулкчиликка оид қонунчиликни такомиллаштириш, яъни мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини кучайтириш; ишлаб чиқариш ва экспорт тизимида хизматлар улушини кўпайтириш; бозорга киришдаги маъмурий тусиқларни чеклаш; суғурта хизматларини кенг кўламда ривожлантириш кабилар.

7. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни оширишнинг объектив зарурлиги асосланди. Ушбу соҳани ривожлантириш мамлакат ялпи ички маҳсулотини кўпайтиришга, иқтисодиётда бандлик даражасини оширишга, давлат бюджетига тўланадиган солиқлар ва бошқа тушумларни кўпайтиришга, мамлакатимиз бозорини истеъмол товарлари билан тўлдиришга, янги иш ўринларини яратиш каби энг муҳим масалаларни ҳал қилишга олиб келиши асосланди ва келажакда бу жараён давом этиши мумкинлиги кўрсатиб берилди.

8. Хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни баҳолашнинг асосий концептуал йўналишлари қараб чиқилди. Бунда биринчидан, тегишли кўрсаткичларни аниқлаш лозимлиги айtilган бўлса, иккинчидан, ушбу кўрсаткичлар ҳолатига хизмат кўрсатишнинг 11 та соҳаси бўйича тадқиқ қилинган шахобчалар мисолида баҳо берилди. Мазкур соҳанинг аксарият қисми микрофирма ва кичик бизнес шахобчаларидан иборатлиги туфайли тадқиқот маълумотлари асосан социологик сўров натижасида жамланди. Акс ҳолда, мазкур соҳада амалдаги тизимли молиявий ҳисоботлар катъий регламент бўйича тузилмаслиги туфайли соҳанинг реал ҳолатига илмий ва иқтисодий жиҳатдан асосланган тарзда баҳо беришда бироз қийинчиликлар туғилиши мумкин эди.

9. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни оширишнинг концептуал йўналишларини аниқлашда самарадорликнинг умумметодологик асосларига таянилди. Бунда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланиш лозим, деб

топилди: умумий меҳнат унумдорлиги; харажатларнинг даромадларга нисбатан улуши; даромадларга нисбатан рентабеллик кўрсаткичи; харажатларга нисбатан рентабеллик кўрсаткичи; ҳар бир ходимга туғри келадиган фойда суммаси. Ушбу кўрсаткичлар ва улар асосида комплекс кўрсаткични аниқлаш усуллари тавсия қилинди.

10. Тадқиқотларимиз кўрсатдики, самарадорлик кўрсаткичларининг даражаси хизмат кўрсатишнинг турли соҳаларда турлича экан. Бозор муносабатлари шароитида фаолиятни танлашда ушбу ҳолатларга эътиборни қаратиш лозимлиги 5 та асосий кўрсаткичларни таҳлил қилиш орқали асосланди. Автосервис соҳасига талабнинг кучайиши инobatга олиниб, мазкур соҳа фаолиятини таҳлил қилиш усуллари курсатиб берилди.

11. Бозор муносабатлари шароитида аҳолига сервис хизматини яхшилашнинг устувор йуналишларидан бири - йуловчи ташиш жараёнидаги автомобил сервисининг ўрни муҳимлигидан келиб чиқиб, ушбу соҳа самарадорлигини ошириш имкониятларини аниқлашга алоҳида аҳамият берилди. Чунки, мазкур соҳада эркин рақобат муҳити яратилган. Зеро, соҳада давлат мулки билан бир вақтда нодавлат - хусусий сектор ҳам фаол иштирок этмоқда. Бу ҳолатни иқтисодий жиҳатдан туғри баҳолаш учун унинг самарадорлик кўрсаткичларига алоҳида аҳамият бериш лозимлиги ва соҳа самарадорлигини ифодалаш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги асосланди. Бунга автомобил сервис соҳасининг рентабеллиги; бир автомобил билан ташилган йуловчиларнинг уртача сони; бир авт/км. (бир автомобилнинг 1 км. масофани босиб утиш йули)га туғри келадиган уртача тушум киритилди. Ушбу курсаткичлар орқали самарадорликни оширишнинг ички имкониятларини ахтариб топиш буйича омилли таҳлил усулларида фойдаланилди ва аниқ маълумотларни куллаган ҳолда тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

12. Ишда хизмат кўрсатиш соҳасида хўжалик юритувчи субъектлар самарадорлигини баҳолаш ва қиёсий таҳлил қилиш орқали ички имкониятларни

сафарбар қилиш йўллари тадқиқ қилинди ва соҳада самарадорликни ошириш бўйича ҳали кўплаб имкониятлар мавжудлиги аниқланди. Мазкур имкониятларни ишга солиш йўллари кўрсатиб берилди. Улардан бири хизмат курсатиш соҳаси корхоналари фаолиятида стандартлаштириш ва сертификатлаштириш тизимини такомиллаштиришдир. Хизмат кўрсатиш соҳасида синаш ва сертификатлаштириш жараёнларини такомиллаштириш, улар таснифлагичларига бугунги кун талаблари даражасида қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш бўйича бир қатор тавсиялар берилди.

13. Социологик сўровлар асосида ўтказилган тадқиқотларимиз кўрсатдики, кўпчилик тадбиркорлар стандартлаштиришга доир ҳужжатлар ҳақида умумий тушунчаларга ҳам эга эмаслар. Тадбиркор тегишли тарзда ўз маҳсулоти ёки кўрсатиладиган хизмати учун тегишли сифат сертификатига эга бўлиши лозимлиги асосланди. Сертификат бўлмаган жойда сифат бўлмаслиги, сифат бўлмаган жойда самарадорлик бўлмаслиги кўрсатиб берилди. Шунингдек, ҳар қайси тадбиркорнинг маҳсулотлар ва хизматлар таснифлагичи, уларни сертификатлаштириш ва стандартлаштириш бўйича ҳам тушунчаларга эга бўлишлари лозимлиги асосланди.

14. Мамлакатимизда хизматларга доир баъзи таснифлагичларни такомиллаштириш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди. Жумладан, ташкилий-ҳуқуқий шакллар таснифлагичи (ТХШТ) ва мулкчилик шакллари таснифлагичи (МШТ)ни такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқилди. Шунингдек, берилган таклиф ва тавсиялар асосида (O,zDT 010:2006. "Ўзбекистон Республикаси фаолият турлари бўйича хизматларнинг умумдавлат таснифлагичи" ҳамда O'zDSt 1157:2008 "Ҳужжатларни унификациялаштириш тизими. Ҳужжатларни расмийлаштиришга бўлган талаблар" давлат стандарти

амалиётга тадбиқ этиш учун қабул қилинди. Мазкур тавсияларимиз "Ўзстандарт" агентлиги, "Ўзархив" агентлиги ва Давлат статистика Кўмитаси томонидан амалиётга жорий этилди.

15. Хизмат кўрсатувчи корхоналарда рентабелликни ифодалаш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб топилди ва уларни маълум белгилари бўйича таснифлаб, бир тизимга келтириш лозимлиги асосланди. Хизмат кўрсатувчи корхоналарда рентабеллик кўрсаткичлари мулкдор нуктаи назаридан қуйидаги гуруҳларга бўлиниши асосланди: умумий рентабелликни ифодаловчи кўрсаткичлар, иқтисодий рентабелликни ифодаловчи кўрсаткичлар, молиявий рентабелликни ифодаловчи кўрсаткичлар. Ушбу гуруҳларга кирувчи кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилди ва уларни баҳолаш йўллари кўрсатиб берилди.

Агар бизнинг ушбу тавсияларимиз тегишли фан тармоғи ва амалиётда қўлланилса, ўйлаймизки, хизмат кўрсатиш соҳасида мавжуд бўлган ички имкониятлар аниқланади ва соҳанинг самарали ишлаши таъминланади. Бу айниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг олдини олиш ва унинг таъсирини юмшатиш бўйича чоралар изланаётган бугунги кунда ўта муҳимдир.

АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т., "Ўзбекистон", 2008 й.
2. "Мулкчилик тўғрисида" 1990 йил 31 октябрь.
3. "Тадбиркорлик тўғрисида" 1991 йил 15 февраль.
4. "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида" 1991 йил 19 ноябрь.
5. "Кооперация тўғрисида" 1993 йил 28 декабрь.
6. "Фуқаролик кодекси" 1-қисм 1995 йил 21 декабр II-қисм, 1996 йил 29 август.
7. "Меҳнат кодекси" 1995 йил 21 декабрь.
8. "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида" 1996 йил 24 апрель.
9. "Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида". 1996 йил 27 декабрь.
10. "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида" 1998 йил 24 декабрь.
11. "Инвестиция фаолияти тўғрисида" 1998 йил 24 декабрь.
12. "Реклама тўғрисида" 1998 йил 25 декабрь.
13. "Баҳолаш тўғрисида". 1999 йил 19 август.
14. "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида". 2000 йил 25 май.
15. "Хусусий корхоналар тўғрисида" 2003 йил 11 декабрь.
16. "Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида". 2007 йил 14 декабрь.

1.7. "Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаил ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2009 йил 15 май. 20. 2012 йил 2 май

Президент асарлари

1. Каримов И.А. Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1- том. Т.: "Ўзбекистон", 1996,- 364 б.

2. Каримов И.А, Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз Т. 8 - том. Т.: "Ўзбекистон", 2000. -528 б.

3. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз 9-том. Т.: "Ўзбекистон", 2001.- 432 б.

4. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш - барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. 15. -Т.: "Ўзбекистон", 2007. - 320 б.

5.Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодийтимизни барқарор ривожлантириш йўлда. 16. -- Т.: "Ўзбекистон", 2008.-368 б.

6.. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислохотларимизнинг пировард мақсадидир. Т.: "Ўзбекистон", ИМИУ, 2007. - 200 б.

7. "Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли". Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси. "Халқ сўзи". 2007 йил 31 август.

8. "Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш - барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир". Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни

чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. "Халқ сўзи". 2008 йил 9 февраль.

9. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. - Т.: "Ўзбекистон", 2009. - 56 б.

10."Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш - давр талаби". Президент Ислom Каримовнинг 2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. "Халқ сўзи". 2009 йил 14 февраль.

11."Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш устувор мақсадимиздир". Президент Ислom Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. "Халқ сўзи". 2010 йил 28 январь.

12."Асосий вазифамиз - Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришдир". Президент Ислom Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. "Халқ сўзи". 2010 йил 30 январь.

13.Президент Ислom Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа, //Т.,- 2010

14. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш - тараққиётимизнинг муҳим омилидир". Президент Ислom Каримовнинг

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. // "Зарафшон". 2010 йил 10 декабрь.

15."Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади". Президент Ислон Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий -иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. "Халқ сўзи". 2011 йил 22 январь.

16.Каримов И.А. Бош мақсадимиз - кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2013 йил 22 январь.

17.Ўзбекистон Республикаси Президентга Ислон Каримов томонидан Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 18 январда бўлиб ўтган мажлисида белгилаб берилган 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларини амалга ошириш жорий йилнинг тўққиз ойида макроиқтисодий мувозанатни янада мустахкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлашни таъминлашда муҳим омил бўлди. Халқ сўзи. 30.10.2013 й. 2-бет.

Президент **Фармонлари, Қарорлари,** Вазирлар Маҳкамасининг **қарорлари, турли дастурлар, йўрнқнома ва бошқа меъёрий хужжатлар**

1."2005-2006 йилларда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури туғрисида"ги Қарор 2005 йил 14 март.

2."Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари туғрисида"ги Фармони. 2005 йил 14 июн.

3."Тадбиркорлик субъектларини юридик ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари туғрисида"ги Фармони. 2005 йил 14 июн.

4."Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этгандик учун жавобгарликни кучайтириш туғрисида"ги Қарори. 2005 йил 15 июн.

5."Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар туғрисида"ги Фармони. 2005 йил 20 июн.

"Ташқи иқтисодий ва савдо алоқалари хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш туғрисида"ги Фармони. 2005 йил 21 июл

7.Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш туғрисида"ги Фармони. 2008 йил 02 декабрь.

8."Ангрен махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида"ги Фармони. 2012 йил 18 апрель.

9."Жиззах махсус индустриал зонасини барпо этиш туғрисида"ги Фармони. 2013 йил 18 март.

10."Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш туғрисида"ги Қарори. 2006 йил 24 май.

11."Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари туғрисида"ги Қарори. 2006 йил 18 апрель.

12.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майдаги "2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш Дастури туғрисида" ги ПК-1754-сонли қарори.

13."Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар туғрисида"ги Қарори. 2007 йил 23 май.

14."Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш

юзасидан қўшимча чора-тадбирлар туғрисида'ги Қарори. 2009 йил 10 январь.

15."Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури туғрисида'ги Қарори. 2009 йил 26 январь.

16."Обод турмуш йили" Давлат дастури туғрисида"ги ПК,-1920-сонли қарори. 2013 йил 14февраль.

17."Озиқ овқат товарлари ишлаб чиқаришии кенгайтириш ва ички бозорни тулдириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар туғрисида"ги Қарори. 2009 йил 26 январь.

18."Ўзбекистон Республикаси умумий овқатланиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш қоидалари"ги Вазирлар Маҳкамасини 2003 йил 13 февраль 75-сон Қарори.

19."2009 йилда саноат кооперация» асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисм ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури туғрисида"ги Қарори. 2009 йил 27 январь.

20."Тадбиркорлик фаолиятини янада кўллаб қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари туғрисида"ги Қарори. 2009 йил 15 май.

21."Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қискартириш ва улар фаолиятини назорат қилишини ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги чора-тадбирлар туғрисида"ги Фармони. 2011 йил 4 апрель.

22."Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар туғрисида"ги Фармони. 2011 йил 24 август

1. Китоблар ва туркум нашрлар

1.1. Бир томлик китоблар, монографиялар, дарсликлар, мақолалар тўплами

1.1.1.Абдукаримов Б.А. ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти. Дарслик. -Т.: "Fan", 2005.-288 б.

1.1.2.Абдуллаев Ё.А., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари: 100 савол ва жавоб. (1 -қисм) — "Меҳнат", 2000. - 352 б.

1.1.3.Абдуллаев Ё.А. Бозор иқтисодиёти асослари: 100 савол ва жавоб. - "Меҳнат", 1997.-230 б.

1.1.4.Анализ экономики. Страна, рынок, фирма. Под ред. Проф. В.Е.Рыбалкина. Учебник. - М.: Международные отношения, 1999. - 304 с.

1.1.5.Абдуллаев А., Муфтайдинов К., Айбешов Х. Кичик бизнесни бошқариш. - "Молия", 2003. ■- 191 б.

1.1.6.Абдуллаев А., Сотволдиев А., Уринбоев И, Абдуллаев С. ва бошқалар. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: ташкил этиш, режалаштириш, бошқариш. - Т: "Фан ва технология", 2005. - 243 б.

1.1.7.А.Ш.Бекмуродов ва бошқалар. "Бош мақсадимиз - кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини катъият билан давом эттириш" 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасини ўрганиш бўйича" Уқув қўлланма. Т., 2013.

1.1.8.Брагик Л.А. и др. Торговое дело : экономика и организация. - М.: ИНФРА - М, 1997. - 256 с.

1.1.9.Жалолов Ж.Ж. ва б. Хорижий мамлакатлар бозор иқтисодиёти моделлари. - Т.: ТДИУ, 1994. - 184 б.

1.3.1.Жалолов Ж.Ж. Бозор иқтисодиёти: Туркия моделининг сири. — Т.: "Адолат", 1993.-96 б.

1.1.1.Жумаев Н.Х. Жахон молиявий - иқтисодий инқирози: моҳияти, сабаб - оқибатлари ва Ўзбекистонга таъсири. Рисола. — Т.: ЖИДУ, 2009. — 56 б.

1.1.2.Зайнутдинов Ш.Н., Кадирходжаева Н.Р. Бозор назарияси. Дарслик. - Т.: ТДИУ, 2007. - 319 б.

1.1.3.Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза. "Ўзбекистон", 1996, 1997, 1998, 1999. 2000,2001, 2002, 2003, 2004, 2005, 2006, 2007.

1.1.4.Исроилов Ж.И. Тадбиркорлик субъектларида товарларни ишлаб чиқариш ва сотиши таҳлил қилиш усуллари. (Услубий тавсия). - Самарқанд. СВТИЧТП, 2004.- 38 бет.

1.1.5.Комилов М. ва бошқалар. Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги "Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш - бизнинг бош мақсадимиздир" номли маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. Т. 2013.-1226.

1.1.16. Котлер Ф. "Основқ маркетинга". М., Прогресс, 1990, - 736 с.

1.1.17.Косимона М.С., Самадов А.Н., Мухитдинова У.С. Кичик бизнесни бошқариш. "Уқитувчи", 2003.- 139 б.

1.1.18.Левин А.М. Внутренний рынок: закономерности и проблемы развития. -• М.: Мысль, 1997. - С. 260-261.

1.1.19. Мирчаси К".Ж , Мусаев Б. Кичик бизнесни бошқариш. Самарқанд. 2008.-137 б.

1.1.20.Раззоқов А., Тошматов Ш., Урмонов Н. Иқтисодий таълимотлар тарихи. - Т.: "Молия", 2002. - 492 б.

1.1.21.Раицкий К.А. Экономика предприятия. Учебник.- М.: ИВЦ "Маркетинг". 2003. - 683 с.

1.1.22.Расулов М. Бозор иқтисодиёти асослари. Дарслик. - Т.: "Ўзбекистон", 1999. - 484 б.

1.1.23.Романов Ж.А. Сервисная деятельность М: Дашкови К. 2006.

1.1.24.Романович В.К. и др. Сервисная деятельность: учеб пос-Зе изд. -М.: Дашквоф и Ко. 2003.

1.1.25.Сариков Э., Маматов М. Иқтисодиёт ва бизнес асослари. (Ўқув қўлланма). - Т.: "Шарқ", 1997. - 240 б.

1.1.26.Севлякянц Г.С, Хаджаев Э.Н. Предпринимательства в Республике Узбекистан. Т.: 1993. - 159 с.

1.1.27.Солиев А. Маркетинг, Бозоршунослик. - Т.: "ART - FLEX", 2008. - 416 с.

1.1.28.Стенли Л.Бю. Экономикс. Принципы. Пер. с англ. - М.: 1999. -974 с.

1.1.29.Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. —

М.: "Соц.экгиз", 1962. - 332 с.

1.1.30.Пардаев М.К,- Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Т.: "Иқтисод ва молия". 2008.259 б.

1.1.31.Пардаев М.К., Корхонанинг иқтисодий ва молиявий мустақамлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш усуллари. - Самарқанд, СамКИ, 1997.-20 бет.

1.1.32.Пардаев М.К., Исроилов Б.И. Молиявий таҳлил. Т.: "Иқтисодиёт ва ҳуқуқ, дунёси" нашр уйи, 1999. - 346 бет.

1.1.33.Пардаев М.К., Абдукаримов И.Т., Исроилов Б.И. Корхонанинг иқтисодий салоҳияти таҳлили. Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 2003.- 256 бет.

1.1.34.Пардаев М.К, ва бошқалар. Бошқарув таҳлили. Ўқув қўлланма. Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 2005.- 328 бет.

1.1.35.Пардаев МТС, Исроилов Ж.И. Хусусий корхоналар фаолияти таҳлилининг назарий ва методологик муаммолари. (Монография), Т: "Фан ва технология", 2007. - 163 б.

Тухлиев Н. Бозорга ўтишнинг машаққатли йўли. - Тошкент: "Ўзбекистон", 1999. ■- 240 б

1.1.37.Усмонов А.С Научные основы регулируемых рыночных отношений. —Тошкент: PLSHTLI "Узинфорагпром". 1992. - 160 с.

1.1.38.Ходиев Б.Ю., Беркинов Б., Кравченко А. Бизнес қийматини баҳолаш.Т.: - "Иқтисод-молия".- 2007.- 254 б.

1.1.39.Ходиев Б.Ю. ва б. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. - Т.: "Иқтисодиёт", 2009. - 120 б.

1.1.40.Ходиев Б.Ю ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш ~ устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий

вазифамиз -- Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Уқув-услубий мажмуа. - Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010.

1.1.41. Хаммер.М. Бизнес в XXI веке: повестка ден (перевод с англ.). - М.; ООО. Изр., Добрая книга, 2005 -с. 137.

1.1.42.Киселев А.П. Теория и практика современного бизнеса. -"Либра", 1995. -246 с.

1.1.43.Кекнс Дж. Общая теория занятости процента и денег. -М.: "Прогресс", 1948. - 240 с.

1.1.44.Экономика предприятия. Пер. с нем. - М: ИНФРА - М, 1999. -928 с.

1.1.45.Эргашев Ш. ва б. Жаҳон мамлакатлари. - Т.: "Шарқ", 2006. -384б.

1.1.46.Ўлмасов А. Иқтисодиёт асослари. //"Меҳнат", 1997 - 192 б.

1.1.47.Ўлмасов А.. Шарифхужаев М. Иқтисодиёт назарияси. - Т.: "Меҳнат", 1996.

1.1.48.Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. - Т.: "Шарқ" нашриё'т-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. 2002.-365 б.

1.1.49.Қосимова М.С., Ходиев Б.Ю., Самадов А.Н., Муҳитдинова У.С. Кичик бизнесни бошқариш. ~Т: "Ўқитувчи", 2003. - 239 б.

1.1.50. Қудратов Ғ.Х.-, Пардаев М.Қ, Абдукаримов Б. А. Сервис ривож - аҳолининг бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини ошириш омили. Рисола. - Т.: "Fan va texnologiya", 2007. - 28 б.

1.1.51.Қудратов Ғ.Х., Мирзаев Ҳ.Ж., Пардаев МД Агросервисни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Рисола. - Т.: "Fan va texnologiya", 2007. -16 б.

1.1.52.Қудратов Ғ.Х., Пардаев М.Қ., Ўзбекистоннинг 16 йиллик тараққиёт йўли: натижалар ва вазифалар. Рисола. - Т.: "Fan va texnologiya", 2007.-20 б.

1.1.53.Қудратов Ғ.Х., Пардаев М.Қ., Ўзбекистоннинг 18 йиллик тараққиёт йўли: эришилган натижалар ва вазифалар. Рисола. - Т.: "Fan va

texnologiya'¹, 2007. - 39 б.

1.1.54. Султонов Ш.А. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши. Рисола. - Т.: "Молия", 2009.- 32 б.

1.1.55.Султонов Ш.А. Истиқлол ва тадбиркорлик. Рисола.-Т.: "Молия", 2009.- 24 б.

1.1.56.Шумпетер Й. Теория экономического развития. —М.: "Мысль", 1982.-159 с.

1.2. Кўп томлик китоблар

1.2.1.Абдукаримов Б.А. Ички савдо иқтисодиёти. Дарслик, I қисм -- Т.: "Фан ва технология". 2007. - 387 б.

1.2.2.Абдукаримов Б.А. Ички савдо иқтисодиёти. Дарслик, II қисм --Т.: "Фан ва технология". 2008. - 217 б.

1.2.3.Пардаев МД., Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил. 2-томлик. - Т.: "Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси" нашриёт уйи, 2001.- 1-қисм 176 б., 2-қисм - 256 б.

1.2.4.Ўзбек тилининг изоҳли луғати. - М.: "Русский язык", 1981, 1 том, - 526 б.

1.2.5.ўзбек тилининг изоҳли луғати. - Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Учинчи жилд. 2007. - 123 б.

1.2.6.Узбек тилининг изоҳли луғати. — Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Туртинчи жилд. 2007. - 286 б.

1.2.7.Самуэльсон П. Экономике. - М: НПО "Алтон" ВНИСИ. 1992, т, I - 332с, т. II -415 с.